

1948/12

ШАРК ЮЛДУЗИ

4

12

1948
ТОШКЕНТ

Handwritten text at the top of the page, possibly a title or header.

Handwritten text in the lower middle section of the page.

Handwritten text at the bottom of the page, possibly a signature or footer.

ИШ АРҚ ЖОЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4

12

ДЕКАБРЬ



ТОШКЕНТ

1948

465542

УЙҒУН

„НАВБАҲОР“

Тўрт парда, саккиз кўринишли драма

ҚАТНАШУЧИЛАР:

Кузнецов Сергей Иванович, райком секретари, 50 ёшларда.

Дадавой, „Навбаҳор“ колхозининг раиси, 55 ёшларда.

Хадича, унинг хотини, 45 ёшларда.

Баҳор, унинг қизи, 24 ёшларда.

Қодир, колхоз партия ташкилотининг секретари, 30 ёшда.

Урмон, бригадирлардан, 35 ёшда.

Музаффар, колхозчи, 50 ёшларда.

Тошмат, колхозчи 60 ёшда.

Паттихон, колхозчи аёл, 35 ёшларда.

Нурмат, колхозчи, инвалид, 25 ёшларда.

Қўлдош, колхозчи, 75 ёшларда.

Ҳакимжон, колхоз секретари, 30 ёшда.

Мамажон, завхоз, 35 ёшда.

Сулаймон, экспедитор, 32 ёшда.

Қаландаров, райкомнинг собиқ инструктори, 40^т ёшда.

Ҳамра, райкомда секретарь хотин, 45 ёшда.

Воқиа: урушдан кейин, Фарғона колхозларидан бирида ўтади. Воқиа бир ой ичида — январьда бошланиб, январьда тамом бўлади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Дадавой акаларнинг яхши жиҳозланган янги уйи, диван, стол, стуллар, радио. Ерга гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган. Чапда ошхонага, тўғрида — чекароқда ҳовлига чиқадиган, ўнгда ичкариги уйга кирадиган эшиклар. Рўпарада — деразалар.

Январь ойлари. Дадавой ака гингиллаб ашула айтиб, қандайдир бир қўл соатни тузатмоқда.

Дадавой — *(хиргойи қилади):*

Олича гули гул бўлмас,
Тақсанг чаккангда турмас.
Кишини ёри ёр бўлмас,
Бир паст ёнингда турмас.
Ҳо... ёрларим...
Во... ёрларим...

(Соатни силкитиб, қулоғига тутиб кўради, яна силкитади, яна қулоғига тутиб кўради.) Бўлмади. *(Ичкариги уйдан, туника товоқда нималарнидир кўтариб, Хадича чиқади.)* Ҳой, унингни кўятур! Нариги олтин соатни олиб чиқ! *(Кўлидаги соатни, беларво, диванга иргитиб юборади.)*

Хадича *(қўрқиб)*. Ҳой, бузилади!

Дадавой. Бузилиб бўлди.

Хадича *(қўлидаги нарсасини столга қўяди)*. Бориб дивандаги соатни олади, ачинади). Эсизгина-е, яхши соат эди!

Дадавой. Бузилмасдан аввал.

Хадича. Нима қилардингиз ҳа деб чўқилайбериб?

Дадавой. Соат меники. Бузадиган ҳам ўзим, тузатадиган ҳам ўзим.

Хадича. Бузишга келгандаку устаси парангсиз-а! Аммо тузатишга келганда йўқсиз... Ҳаш-паш дегунча уч соатни буздингиз. Лекин биттасини ҳам тузатганингиз йўқ.

Дадавой. Қўявер, бузилса янги бўлади. Нариги соатни олиб чиқ!

Хадича. Э, қўйинг, уни ҳам бузасиз.

Дадавой. Гап қайтарма, олиб чиқ дегандан кейин, олиб чиқ!

Хадича. Ҳаҳ, худо-ей *(Ичкариги уйга кириб кетади.)*

Дадавой *(уёқ-буёқни тимискилаб юриб яна хиргойи қилади):*

Олича гули гул бўлмас,
Тақсанг чаккангда турмас.
Кишини ёри ёр бўлмас,
Бир паст ёнингда турмас.
Ҳо... ёрларим...
Во... ёрларим...

(Тимискилаб бориб радионинг қулоғини бурайди. Радиодан ҳархил — баланд-паст овозлар, ишқириқлар эшитилади.)

«Хадича (ичкаридан соатни олиб чиқиб). Энди бир бузмаганингиз радио қолувдими, уста бузарман? (Дадавой радиони бурашдан тўхтайдди.) Мана!

Дадавой. Юраётимими? (Соатни олиб, қулоғига тутиб кўради. Хурсанд.) Ҳа, ана бу соат! Первой сорт! Эртага, фасон қилиб, районга тақиб борамиз. Орденларни ҳам олиб чиқ.

Хадича. Э, қўйинг, овқатим кечга қоб кетади. (Товоғини кўтарганча, ошхона томонга қараб чопьиди.)

Дадавой. Ҳой! Ҳой, хотий!

Хадича. Қизингизга айтинг! (Чиқиб кетади.)

Дадавой. Ҳа, яна бир та'зирингни берадиган бўлдим, чамаси! (Қизини чақиради.) Қизим! Ҳо, қизим! Ҳо, Баҳор ой!

Баҳор (қўлида китоб, ичкариги уйдан чиқади, ноз блан). Нима дейсиз? Бир паст китоб ўқигани ҳам қўймадингиз...

Дадавой. Ҳа деб, ўқийберасанми, қизим? Ун йил қишлоқда, тўрт йил шаҳарда ўқидинг, ҳа, бўлди-да!.. Ҳарқанча ўқиш бўлса ҳам тугагандир!

Баҳор. Ўқиш тугармиди? Ўла-ўлгунча ўқиш керак.

Дадавой. Нима ўқияпсан? Қанақа китоб?

Баҳор. Агрономияга доир китоб.

Дадавой. Нима депти, агрономия китобиди? Пахтани ундоқ қилиб эк, бундоқ қилиб эк, дептими? Ҳа, овора бўлиб, ўзингни ўзинг диққат қилиб, кўзингни нурини тўкиб, китоб ўқиб ўтиргандан кўра, мендан сўраб қўяқолсанг бўлмайдими?

Баҳор (кулиб). Шу эсимга келмапти...

Дадавой. Кулма! Китоб ёзган агрономинг пахта илмини менчалик билармикан?

Баҳор. Уни ўзидан сўрайсиз... Нега чақирдингиз?

Дадавой. Орденларимни олиб чиқ!

Баҳор. Шу топда орденни нима қиласиз?

Дадавой. Керак... Медальларни ҳам ола чиқ! (Баҳор ичкариги уйга кириб кетади. Дадавой яна хиргойи қилади):

Олича гули гул бўлмас,
Тақсанг чаккангда турмас.
Кишини ёри ёр бўлмас,
Бир паст ёнингда турмас.
Ҳо... ёрларим...
Во... ёрларим...

(Баҳор кириб кулиб юборади.)

Баҳор. Ашулага ҳам уста бўлибсиз. Бир соат бўлади, олича гулидан нарига ўтмайсиз...

Дадавой. Нарёғини билмайман-да... (Ота-бола роса кулишади.)

Баҳор. Театрдагилар эшитакўрмасин, олиб кетади, ажраб қоламиз!

Дадавой. Ҳа, айтгандек, радионинг қулоғини бураб кўрчи, зора, ашула айтаёган бўлса! (*Баҳор орденларни отасига беради, бориб радионинг қулоғини бурайди.*)

Радио. "...Юз центнерчи Қодиржон Ҳакимов қандай қилиб пахтадан юқори ҳосил олди?.."

Дадавой. Э, ўчир! Биламиз, пахтадан қандай қилиб юқори ҳосил олишни!

Баҳор (*Радиони тўхтатиб*). Шунинг учун икки йилдан бери паст ҳосил олиб келган экансиз-да!..

Дадавой. Айб оби-ҳавода... Икки йилдан бери суринкасига оби-ҳаво ёмоғ келди... Бўлмаса, пахта жўнидан, аллақачон саводим чиққан. Ўттиз йил ўқидим, дала дафтарим, кетман қаламим бўлди. (*Қўлларининг қадағини кўрсатиб.*) Мана, саводимнинг муҳри қўлларимда.

Баҳор. Сиз айтган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Бундан буёқ қуруқ кетман, қуруқ тажриба блан иш қилиш қийин. Пахтачилик илми, техника ўсиб кетди, бундан кейин яна ўсади... Орқада қолганларнинг ҳолига вой... Ҳа, демай, ўзидан-ўзи чеккага чиқиб қолаберади...

Дадавой. Дуруст, шаҳардан хила мамадана бўлиб қайтибсан! Лекин отангга ақл ўргатиш учун, камида, яна 20 йил ўқишинг керак!

Баҳор. Сизга сра гап кор қилмайдиган бўлиб қолипти. Думоғингиз жуда кўтарилиб кетипти. Икки гапнинг бирида ман-ман! На илмга риоя ва на янгиликка ҳурмат!

Дадавой (*кулиб*). Ҳазиллашдим, қизим, хафа бўлма, койима!

Баҳор. Ҳазилингиз блан чинингизни ажратиб олиш қийин!

Дадавой. Ҳа, бўлди! Бўлди! Яраш, яраш! Мана бу орденларни кўр! Ярқирашини, товланишини қара! Жанвар! Бир... икки... уч... тўрт! Пахта ишига моҳирлигимни мана шулардан билавер, қизим! Ҳар қайсиси бир муҳр! Шухрат муҳри! Мана, эртага, худо хоҳласа, янги райкомнинг олдига қатор қилиб тақиб бораман, савлатимни бир кўриб қўйсин! Кейин бошқачароқ муомала қиладиган бўлиб қолар...

Баҳор. Чақирганмиди? Ё ўзингиз борасизми?

Дадавой. Туновкунни келганида, райкомга бир боринг, гаплашамиз,— деб, кетган эди.

Баҳор. Ундай буса орденларингизни тақмасдан боринг.

Дадавой (*ҳайрон*). Нега?

Баҳор. Қаттиқ танқид қилади, хижолат чекасиз.

Дадавой. Орден таққаним учунми?

Баҳор. Йўқ, ишингизнинг мазаси йўқлиги учун.

Дадавой (*киноя блан*). Ҳо, шунақами? Ундай бўлса орденлардан кўпроқ тақиб борай, зора орденларимни риоя қилиб ниятидан қайтса...

Баҳор. Орден нуқсонларни яшириш учун берилмайди...

Дадавой. Бундан чиқдики, ҳукумат менга орден бериб янгилишган экан-да?

Баҳор. Йўқ, вақтида яхши ишлагансиз, ишингизни тақдир-
лаб берган.

Дадавой (*мағрур*). Бундан кейин ҳам беради!

Баҳор. Қайси ишингизга?

Дадавой. Ҳа иш қимаяпманми?

Баҳор. Икки йилдан буёққа қилаётган ишингиз, иш эмас...
майнабозчилик!

Дадавой (*жаҳли чиқиб*). Қизим!

Баҳор (*ўжарлик блан*). Шу ҳам колхоз бўлдими! Ўша-ўша,
бундан беш йил аввалги колхоз! Ўша-ўша, отам замонидан қол-
ган кўҳна қишлоқ! Эски ҳаммом, эски тос!

Дадавой. Сен жуда шаҳарлик бўлиб кетибсан! Шаҳардан ке-
йин қишлоғимиз ёқмай қолдими?

Баҳор. Ҳа, ёқмай қолди!

Дадавой. Ёқмаса ўзимизга тан, шаҳарингга қайтиб кетавер!
(*Қўлида капгир, Хадича киради.*)

Хадича. Ҳой-ҳой силарга нима бўлди! Бунча ота-бола чиқиш-
май қолдиларинг! Қизим, бир гапдан қолақолсанг бўлмайдимми?
Отага тикка гапиришни қаердан ўргандинг? Балли-е, ўргатган
устозингга!

Баҳор. Сиз аралашманг. Сиз бунақа гапларга тушунмайсиз.

Хадича. Вой товба... Мен тушунмасам, отанг тушунмаса— ким
тушунади?

Дадавой. Қиз ўқитиб, яхши иш қилибмизми, хотин?

Хадича. Бунақа бўлишини билсам, ёнимдан бир қадам ҳам
жилдирмас эдим-а!

Баҳор. Кеч қолдингиз!

Хадича. Ўшангга хунобмангда! Келганингдан бери на менга
тинчлик берасан ва на отангга! Силар эски, биз янги! Биз ўқиган,
силар қора! Биз тушунган, силар тушунмаган! Колхозларинг ёмон!
Пахталаринг ёмон! Қишлоқларинг ёмон! Эски қишлоқни буз,
янгисини туз!..

Дадавой (*бетоқат*). Э, бўлди, кўп чўзма! Бир жагинг очилса,
қайтиб ёпилиши қийин...

Хадича. Ҳа, рост-да! Бухгалтерларинг муттаҳам!.. Завхоз-
ларинг ўғри!.. Экспедиторларинг дордан қочган!..

Баҳор. Яна айтаман: бири муттаҳам, бири ўғри, бири дордан
қочган. Нима учун нозик-нозик ўринларга бошқа қишлоқлардан
келган саёқ одамларни қўйиб қўйдингиз? Ўзимизникилар қуриб
қолганмиди?

Дадавой. Ўзимизникилар ҳасадгўй, ифвогар...

Баҳор. Бўмаган гап! Қариганда ўғриларга ён босгани уял-
майсизми?

Хадича. Ҳали отангни ҳам ўшаларга қўшиб, ўғри дерсан?

Дадавой (*бетоқат*). Э, бўлди, бор, ёгинг куйиб кетади!
Ошдан қуруқ қоламиз.

Хадича. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога! Ша-
ҳарда юргани ҳам дуруст экан, қулоғимиз тинч эди! (*Чиқиб
кетади.*)

Баҳор (*хўрлиги келиб*). Уйларингга сизмай қолдим чамаси... Кетишим мумкин...

Дадавой (*юпатиб*). Хафа бўлма! Онанг бир вайсади қўйди-да! Ҳали замонок ҳовридан тушиб қолади. Аслини суриштирсанг, сен ҳам айбдор эмассан, биз ҳам. Айб шаҳарда. Шаҳарда кўп юрганнинг учун, қишлоқ кўзингга хунук кўриниб қолган... Зарарсиз, бора-бора, яна ўрганиб кетасан...

Баҳор. Ҳеч ҳам ўрганмаганим бўлсин! Паст-баланд уйлар, қинғир-қийшиқ кўчалар, башарасидан тупроқ ёғадиган деворлар... Кўзимга жуда хунук кўринади...

Дадавой. Қишлоғимизни унча ерта ураверма, қизим! Мана, сен йўқлигингда битта мактаб, битта ҳаммом солдик. Электр станция қурдик, телефон ўтказдик...

Баҳор. Оз! Битта мактаб, битта ҳаммом солиб, мақтанадиган замонлар ўтиб кетган...

Дадавой (*кулиб*). Сенга қолса, қишлоқ ҳам худди шаҳардек бўлса.

Баҳор. Албатта!

Дадавой (*кулиб*). Ҳечқачон қишлоқ шаҳар бўлармиди, қизим? Шаҳар блан қишлоқнинг катта фарқи бор. Шунинг учун ҳам, бирини — шаҳар, бирини — қишлоқ дейдилар.

Баҳор. Фарқи бўлмаслиги керак. Мана, ҳали кўриб турасиз, бўлмайди ҳам.

Дадавой. Ўҳў, қизим, бошингга кўкнори хаёли тўлиб кетганга ўхшайди.

Баҳор. Бу ерда ҳечқандай кўкнори хаёл йўқ! Ҳақиқат! Яқин фурсатда ўшанақа шаҳар бўлиб кетган қишлоқлар бор, жуда кўп!

Дадавой (*бўланиб*). Эҳтимол сўзинг тўғридир... Қишлоқни ҳам шаҳардек обод қилиш мумкин бўлар... Лекин кўп вақт керак... Қирқ... эллик йил...

Баҳор. Йўқ, тездан, уч-тўрт йил ичида қилиш керак. Қишлоқни бошдан-оёқ бузиб, қайтадан план блан қуриш лозим. Эски қишлоқни янги, маданий, социалистик қишлоққа айлантириш керак!

Дадавой. Ҳа, айлантир, қизим, айлантир. Қаршилиқ йўқ.

Баҳор. Айлантирамиз ҳам!

Дадавой. Мана, куёвинг ҳам урушдан қайтиб кебди. Сен олов, у олов, икки олов бир бўлиб, ҳамма ёқни йиқиб ёндира-силар.

Баҳор. Эскини йиқамиз, янгини қурамиз.

Дадавой. Майли, нима қилсаларинг қилинглар, замон силарники... Ёшларники... Аммо бизга малол келадиган ишларни қилмасаларинг бўлгани. Ҳарқанча сўзинг, ҳарқанча гинанг бўлса, ўзимга айт, кўча-кўйларда ҳаркимларга валдираб юрма! Дўстдан кўп душман...

Баҳор. Биламан, деярлик ҳамма колхозчи ҳам сизни ёмон кўради.

Дадавой (*тутақиб*). Ёмон кўрадиган бўлса силар сабабкор! Халқни менга қарши қутуртириб юрган силар! Сен ва бир

ғужум урушдан қайтиб келганлар! Нима қилиб юрганларингни билмайди, дейсиларми? Қани, бундан кейин мени ҳақимда бировга бир оғиз ёмон гап айтиб кўрчи, худди тилингни кесиб оламан! *(Хадича киради.)*

Хадича. Ҳаҳ, ҳали ҳам жанжалларинг адо бўлмадимми? *(Баҳор ичкари уйга кириб кетади.)*

Дадавой. Қизинг бошимизга бало бўладиганга ўхшайди.

Хадича. Нафасингизни совуқ қилманг! Ёш нарса бир гувуллаб ёнди — қўйди-да!.. Бир ош пишгунча яна ўчиб, бинойидек бўлиб қолади.

Дадавой. Бунинг ўчадиган балога ўхшамайди... Эшитишимга қараганда — одамларни менга қарши қутуртириб юрган эмиш...

Хадича. Қўйинг, э, қаёқдаги йўқ гапларни айтиб! Ваҳма бўлиб қобсиз.

Дадавой. Ваҳмаси йўқ. Рост гап. Эрта-индин ҳисобот мажлиси бўлса, ана ўшанда кўрасан.

Хадича. Иштонсизинг чўпдан ҳадиги бор деганлари рост. Битта-яримта хўмайиб қараб қўйса ҳам, битта-яримта ножўя гапириб қўйса ҳам, ё битта-яримта олдингиздан салом бермай ўтиб кетса ҳам, менга қарши, деб, ўйлайсиз... Негаки, айбингиз борлигини ўзингиз ҳам биласиз.

Дадавой. Хўш, менинг қанақа айбим бор экан?

Хадича. Ахир колхозимиз, мана, икки йил бўлди, пахта жўнидан орқага қараб кетди-ку, бу айб эмасми?

Дадавой. Айб оби-ҳавода!

Хадича. Илгарилари айбингизни оби-ҳавога тўнкамас эдингиз-ку!

Дадавой. Бор-боре, ошингни пишир! Менга та'на қилмаган, энди, сен қолувдингми?

Хадича. Хўб, мана та'на қилмадик! *(Ошхонага чиқиб кетади, Қодир киради.)*

Қодир. Салом, кирсак бўладими?

Дадавой. Ҳа фронтанк! Кел! Омон-эсон келдингми? Соғмисан? Саломатмисан?

Қодир. Шукур, шукур, ўзингиз бардаммисиз! *(Кучоқлашиб кўришади.)*

Дадавой. Бу қанақаси бўлди? Келганингда уч кун бўлибдию, дарагинг йўқ? На идорага келдинг, на уйга! Нима, фронтдан келган киши уйда ётиб олар эканми? Ё биздан хафамисан?

Қодир *(кулиб)*. Нега хафа бўлай? Меҳмон... Келганимдан бери уйни меҳмон босади.. Бир минут ҳам вақт топиб кўчага чиқолмадим... Узур, айб бизда...

Дадавой. Хўш, қалай урушдинг? Қанча немисни асфаласофилинга юбординг?

Қодир *(кулиб)*. Чакки урушмадик, асфаласофилинга кетган немиснинг ҳисоби йўқ!

Дадавой. Ҳа, дуруст, дуруст...

(Баҳор чиқади, Қодирни кўриб ўзгаради, суюнади.)

Баҳор. Э, келинг, Қодир ака! Омон-эсон келдингизми? (*Қўл бериб кўришади.*)

Қодир. Шукур, шукур... Ўзингиз омон-эсонмисиз?

Баҳор. Раҳмат... Хўп яхши келибсиз-да... Жуда яхши бўлибди...

Қодир. Ҳа, чакки бўлмади.

Дадавой. Болалар, гапларинг қовушмаётипти. Чамамда, мен ортиқчалик қилаётганга ўхшайман. Мана, мен кетдим. (*Елкасига пустинини ташлаб, сарпойчанг, эшикка чиқиб кетади. Қодир блан Баҳор ўзларини эркин ҳис қиладилар. Иккаласи ҳам ҳаяжонда. Баҳор Қодирнинг, қўлидан ушлаб, диванга ўтқазади, ўзи ёнига ўтиради.*)

Баҳор. Келганингизга уч кун бўлибди-ю бир сафар йўқлаб келмадингиз-а! Урушдан шунақа тош юрак бўлиб қайтдингизми?

Қодир. Узур... Келганимдан бери уйни меҳмон босади, сиз ҳам келиб қодармикинсиз деб, кўп интизор бўлдим...

Баҳор. Йигит бошингиз блан сиз келмай, қиз ҳолимча мен боришим керакмиди?

Қодир. Ҳарқанча койсангиз ҳам ҳаққингиз бор. Айб бизда... ечирасиз... Хатларимни олиб турдингизми?

Баҳор. Ҳа... Мени хатларимни-чи?

Қодир. Оляб турдим... Айтгандек, табрик қиламан, қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб келибсиз...

Баҳор (*кулиб*). Ҳа, агроном бўлиб қайтдим...

Дадавой (*кириб*). Болалар, бир минутга... янглишиб эшикка чиқибман... совуқ.. Манави уйга кирақолай.. (*Шошиб ичкари уйга йўл олади.*)

Баҳор. Шалвираб сарпойчанг юрмасдан, кийиниб олсангиз бўлмайдими?

Дадавой. Хуб, қизим, хўб... Ҳозир кийинаман... (*Кириб кетади.*)

Қодир. Янглишмасам, бир хатингизда, ўқишдан кейин институтда қолсам керак, деб, ёзган эдингиз шекилик?

Баҳор. Ҳа, аспирантурада қолмоқчи эдим... Яна тўғрироғи, қолдиришмоқчи эдилар. Агар колхоз ўқишга юборган ҳарбир киши, шаҳарда қолаверса, колхоз қачон ўз олимларига эга бўлади, мен шаҳарда қолиш учун эмас, колхозга бориб ишлаш учун ўқиганман, дедиму, келавердим.

Қодир. Яхши қилибсиз. Колхознинг аҳволи ёмонга ўхшайди. Кўтариш керак.

Баҳор. Сиз блан биргалашиб туриб...

Қодир. Албатта!..

Баҳор. Ҳа, айтгандек мени, табриклашингиз керак, мен яқинда партияга кирдим... кандидат партия!

Қодир (*хурсанд*). Шундайми? (*Қўлини қисиб.*) Табрик қиламан! Табрик қиламан! (*Хадича киради.*)

Хадича. Ҳой, дадаси! (*Диванда ўтирган Қодир блан Баҳорни кўриб.*) Вой ўлмасам...

Қодир. Салом, Хадича она!

Хадича. Ие, сизмисиз? Келинг Қодиржон! Омон-эсон келдингизми? Тани-жонингиз соғми?

Қодир. Шукур... шукур...

Хадича. Сиз келиб, кампир хурсанд бўлиб қолгандир?

Қодир. Ҳа, боши осмонга етди..

Хадича. Заб кебсиз-да... Хуп кебсиз-да... Ажаб кебсиз-да...

(Кийиниб, қўлига олтин соатини тақиб, Дадавой чиқади.)

Баҳор *(кулиб)*. Ўҳў, тоза ясаниворибсиз-ку!

Дадавой. Ўзинг, кийин, дедингку, қизим..!

Баҳор. Бунчалик эмас-да...

Хадича. Қодиржонга бир савлатимни кўрсатиб қўяй дегандир-да. *(Кулишади.)*

Дадавой *(ноқулай)*. Гапни чўзма, тезроқ ошингни дамла, қорин очиб кетди.

Хадича. Яқиндагина понушта қилдингизку, дарров оча қолдими?

Дадавой. Бефаросат... Меҳмон бор... Дастурхон-пастурхон...

Хадича. Айб қизингизда, бир оғиз билдирмабди.

Дадавой. Ҳа, қизинг ўқиган, олим... Буларнинг бошига дастурхон-пастурхон, овқат-повқат деган майда-чуйда нарса кирадими? Улар овқат ўрнига ҳам илм олиб ейди. *(Кулишади.)*

Хадича. Мен, ҳозир... *(Чиқиб кетади.)*

Дадавой. Қизим, ҳарқанча гапинг бўлса ҳам гапириб олгандурсан. Энди навбат меники, бор, онангга қараш! Ё ўқиган қизларга иш буюриб бўлмайдими?

Баҳор *(ноз блан)*. Бунча кесатмасангиз! Буюраверинг... Сиз буюрсангиз, мен йўқ дермидим? *(Чиқиб кетади.)*

Дадавой *(мўйлабини бураб)*. Шундай қилиб немисни адабини бериб келдим де! Ҳа, яхши бўлди. Энди немис, ақли бўлса, иккинчи бу нома'қулчиликни қилмайди. Кузи мошдек очилди... кўзини очиб қўйдик... Ордендан борми? Нечта?

Қодир. Бир-иккита бор.

Дадавой. Нега тақиб олмадинг?

Қодир. Вақт келар, тақармиз.

Дадавой. Янги келдинг... Беш-олти кун тақиб юр... Одамлар кўрсин-билсин. *(Қодир кулиб индамайди.)* Нима дейсан, сени партком қилмоқчимиз, Собиржон жуда бўш, хом... уни ўқишга юборамиз... У кунни янги райком ҳам шундай деб кетди...

Қодир. Райкомнинг янги секретари ким?

Дадавой. Бир рус... номи, Сергей Иванович экан...

Қодир *(қизиқиб)*. Фамилиясини билмайсизми? -

Дадавой. Кузнецов, деди шекилик...

Қодир *(эсонланиб)*. Ўзбекчани биладими?

Дадавой. Сувдек... Сен блан мендан яхши гапиради.

Қодир. Э, бўлди! Танийман!..

Дадавой. Илгари Марғилонда горком секретари бўлиб ишлаган экан.

Қодир. Худди ўзи! У, урушда полковой комиссар эди. Полковник Қузнецов!

Дадавой (*хурсанд*). Танишим-дегин?

Қодир. Ҳа, армияда уч йил бирга хизмат қилдик. Менинг устозим.

Дадавой. Э, ундай бўлса, эртага мен блан бирга юр. Олдига борамиз, пича юмшат, тушунтир!

Қодир (*ҳайрон*). Нимани?

Дадавой. Назаримда менга бошқачароқ қарагандек...

Қодир. Масалан?

Дадавой. Масалан, илгариги секретарь, қишлоққа келадиган бўлса, аввал тўғри меникига келиб тушар эди... Бу одам ундай қилмади... У куни келган экан, мен беҳабар, аввал расо қишлоқни айланибди, кўринган блан гаплашибди, хоҳлаган уйга кирибди. Кейин, энг охирида, қайтиш олдидан бизникига кирди. Узоқ ўтирмади. Бир-икки оғиз гап қилди-ю, жўнаб қолди. Кетишида, райкомга бир боринг, гаплашамиз, деди. Эртага бормоқчиман.

Қодир. Бирар нарса ёқмагандир. Бирар нарса таб'ини тирриқ қилгандур-да... Сизни койиладими?

Дадавой. Йўқ, аксинча жуда мулойимлик блан гапирди. Лекин гапларининг кўпи қочиримга ўхшаб туйилди. (*Баҳор дастурхон олиб чиқиб ёзади. Яна шошиб чиқиб кетади.*)

Қодир (*уйни тамоша қилиб.*) Уйни боблабсиз.

Дадавой (*мағрур*). Дуруст қилибманми? Сизларга ҳам худди шундай битта уй керак.

Қодир. Уй бўлса бир гап бўлиб кетар, аввал колхозни кўтариб олайлик-чи! (*Бу сўз Дадавойга ёқмайди. У қовоғини солади. Баҳор самозар олиб киради. Дадавой нон ушатади.*)

Дадавой. Қани, нонга қаралсин! (*Чой ича бошлайдилар. Салом бериб Қаландаров, Мамажон, Сулаймонлар келишади. Қаландаровнинг қўлида қўш оғизли ов милтиқ.*) Келинлар! Келинлар! (*Кўришадилар.*)

Қаландаров. Мана, хўжайин, заказингизни бажо келтирдик. (*Милтиқни Дадавойга тақдим қилади.*)

Дадавой (*Хурсанд, милтиқни олади*). Ҳа, баракалла! Жуда жойида бўлди! Милтиқсиз қўлсиз бўлиб қолган эдим... Ов вақти, милтиқ зарур...

Баҳор. Мамажон ака, чойни сиз қуйиб туринг, мен аямга қарашиварай!

Мамажон. Хўб бўлади! (*Баҳор чиқиб кетади. Мамажон самоварга яқин ўтириб, чой қуя бошлайди.*)

Дадавой. Хўш, иш қалай?

Сулаймон. Пулладик, хўжайин.

Дадавой (*Қодирга тушунтириб*). Учта қари хўкиз бор эди, сотдирдим... Ишга ярамайди. Колхозда ем-хашак оз... Қиш қаттиқ... қари хўкизлар... ориқ... ажалидан беш кун бурун ўлиб-кетиб қолмасин, дедим...

Қодир. Кукламда нима қиласиз?

Дадавой. Кукламгача бир гап бўлиб кетар...

Мамажон. Энди, ҳалиги, беш тонна кунжарани ҳам пулласак. Қодир (*кулиб*). Бир ем-хашак оз дейсилар... бир кунжарани пулласак дейсилар, бу қанақа бўлди?"

Дадавой. Жигар, колхозга пул керак. Счѐтимизда сра ҳам пул қолмади. Ўғит олишга ҳам пулимиз йўқ. Қолбуки пахта учун ўғит жуда зарур нарса.

Қодир. Пахта учун ҳаммаси ҳам зарур... Ўғит ҳам зарур... От-улов ҳам зарур.

Дадавой. Олдин ўғитни олиб олайликчи, от-улов бир гап бўб кетар...

Сулаймон. Тракторга, техникага куч бериш керак! Қачонгача ҳўкиз блан иш қиламиз?

Қодир. Ҳозирча ҳўкизнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳовлиқиш ярамайди.

Мамажон. Ҳа, ундай бўлса, қолгани ҳам етар.

Дадавой (*гапни бўлак ёққа буриб, Қаландаровга*). Назаримда, ўзингизни олдириб қўйибсизми, жигар? Ё, касал-масал бўлдингизми?

Қаландаров (*кулиб*). Касал-масалку бўлганим йўга, лекин озиб кетаѐтибман. Ўзингиздан ўтар гап йўқ... Топиш-тутишимизнинг мазаси йўқ... Мояна оз, жўжа бирдай жонбиз, етмайди...

Дадавой. Кузда олиб кетган озиқ-овкат, қиш чиқмай тамоm бўлдими?

Қаландаров. Ҳа, тугаб қолди...

Дадавой. Яна пича озиқ-овкат берайми?

Қаландаров. Кошки эди... айни муддао!

Дадавой (*Мамажонга*). Уртоқ Қаландаровга пича буғдой... гуруч... ёғ бериб юбор. Ўз пулига... Давлат нархида. Бизга кўп фойдаси теккан одам, қийналиб қолмасин.

Қаландаров. Қуллуқ! Аммо лекин ҳозирчалик насияга оламиз-да, пулдан йўқроқ.

Дадавой. Зарарсиз... зарарсиз... Пулингиз бўлмаса, кейин берарсиз... Суришиб кетармиз... Ҳозирча тилхат берсангиз бас.

Қаландаров. Бажони дил!

Мамажон. Кукламда фойдаси тегади, яхшилаб боқ, дейсиз-да! (*Кулишад.*)

Дадавой. Ҳа, боқ!

Қодир (*пичинг қилиб*). Колхоз ҳисобидан...

Қаландаров (*жаҳли чиқиб*). Нега колхоз ҳисобидан булар экан? Пулини тўлайман дедимку!

Қодир (*яна пичинг қилиб*). Давлат баҳосида...

Қаландаров. Яна қанақа баҳо бор? Бозор баҳоси демоқчмисиз? Колхоз бозор, биз олиб-сотар эмасмиз!

Қодир. Ундан ҳам ёмон кўринасиз.

Дадавой (*Қодирни жеркиб*). Ҳой жигар, сенга бир нарса бўлдими? Меҳмонга ҳам шунақа қаттиқ гапирадими киши? (*Ноқулай жимлик. Дадавой милтиқни тамоша қилади.*) Заб мил-

тиқ эканми? (*Қаландаровга*). Ош пишгунча лип этиб, сойга тушиб, жиндак ов қилиб келмайликми? Милтиқни синаб!

Қаландаров. Ихтиёрлари.

Дадавой (*ўрнидан туриб*). Юринг, бўлмас! Юр, Қодиржон, сен ҳам бир тамоша қил. Қани, биз қанақа отар эканмиз!

Қодир. Майли. (*ўрнидан туради Қаландаров ҳам туради.*)

Мамажон. Кунжарани нима қиламиз? Жавоб бермадингизку?

Дадавой. Ҳа, пуллайберинглар, дедимку! Қани, юринглар. (*Дадавой, Қаландаров, Қодир чиқиб кетишади.*)

Сулаймон. Иш жойида бўлди. Энди кунжарани ҳам пулласак...

Мамажон. Арра қиламизми?

Сулаймон. Гап битта дедимку. Ишонаверда, тўймас! Ҳа, лекин тезроқ кўтарилиб қолиш керак, жўра. Ҳалиги, янги, секретарь борку! Кузнецов! Мени танийди! Маргилондалигимда бир қўлга тушганман, аммо қочиб қутилганман... У кунни бир кўриб тиквидиу, „мен сизни қаерда кўрганман“, деди. Жоним ҳалқумимга тиқилди. Шошиб, фронт-мронтда кўргандурсиз, деб, юбордим. Эҳтимол, дедию, ўйланиб қолди. Пайт пойлаб туриб, лип қочвордим. Яна бир кўрса, ё суриштириб қолса, билиб олиши аниқ. Иложи бўлса, шу бугуноқ кунжарани пуллаб, дарров жуфтакни тўғрилаб қолиш керак, жўра... узоғроқ... ўғри топмас ерга...

Мамажон. Бўлди, мен тайёрман! Хоҳласанг ҳозироқ районга қараб жўнаймиз! (*Баҳор киради.*)

Баҳор. Вой, булар қани?

Сулаймон. Овга кетишди.

Баҳор. Овга? Шу топдая?

Сулаймон. Ҳа... Биз ҳам кетаётибмиз, агар раис сўраб қолсалар зарур ишлари бор экан, кетишди дейсиз. (*Сулаймон блан Мамажон эшикка йўл оладилар. Хадича киради.*)

Хадича. Ҳа, йўл бўлсин?

Сулаймон. Шошиб турибмиз, ая... қани, кетдик. (*Чиқиб кетишади.*)

Хадича. Бошқалар қани?

Баҳор. Овга кетишибди.

Хадича. Вой ўлмасам... ошим ланж бўлиб кетадиган бўлдию!

Баҳор. Агар шулар колхозда туришадиган бўлса, ҳамма нарса ҳам ланж бўлиб кетади... Кўзларидан биламан. Иккаласи ҳам муттаҳам... Иккаласи ҳам ўғри.

Хадича. Сен бу иккала ғарибга мунча ўчакишиб қолдинг? Бирини отангни чап қаноти бўлса, бирини унги қаноти!

Баҳор. Иккала ясама қанотни ҳам синдириб ташлаш керак. Отамни буларнинг панжасидан қутқариш лозим.

ИККИНЧИ ПАРДА

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Райком секретарининг идораси, чиройли, ёруғ, озода бир хона. Ҳар нарса уз ерида: ёзув столи, стуллар, диван, китоб шкафи, телефонлар. Деволда доҳийларнинг расмлари.

Кузнецов блан Қодир суҳбат қилмоқда.

Қодир (*ҳаяжон блан сўзини давом этдиради*). Қулоқларимга ишонмадим! Ахир бу нима деган гап? Ахир бу, очиқдан-очиқ колхоз мулкани талаш, ўғирлаш эмасми? Ахир бу жиноят-ку!

Кузнецов (*оғир*). Шубҳасиз... жиноят... (*Кнопкани босади. Ҳамра киради.*) Қаландаров келмадими?

Ҳамра. Йўқ.

Кузнецов. Келса, дарров олдимга кирсин.

Ҳамра. -Хўб бўлади. (*Чиқиб кетади.*)

Кузнецов (*папирос чекиб*). Так... раис индамади дегин?

Қодир. Индаш қаёқда, ўзи таклиф қилиб ўтириптию!

Кузнецов. Сен ҳам индамадингми?

Қодир (*бу саволни кутмаган эди. Ноқулай ваз'иятга тушди*). Мен... Бир-икки пичинг қилиб кўрдим...

Кузнецов. Пичинг блан иш битар эканми?

Қодир (*айбдорларча*). Янги келганман... Ҳали ҳозирча ишга тушганим йўқ... Бирданига...

Кузнецов (*киноя блан*). Раис блан алоқа бузилиб қолмасин, дедингми?

Қодир. Ундай эмас, Сергей Иванович...

Кузнецов. Бўлмаса қандай? (*Қодир жим. Кузнецов уёқдан-буёққа юриб.*) Пичинг қилган эмиш! Одамлар куппа-қундуз куни колхоз мулкани ўғирлаптию, бу пичинг қилипти! Товба! Мана шундай қилиб жиноятчиларга йўл қўйиб беришади-да! Жиноятни кўриб туришадию, индашмайди... Кимнидир андиша қилишади... Нимадандир кўрқишади... „Ке, менга нима? Ўғирлаган, у, ўғирлатган, бу! Жонимни койитиб нима қиламан? Жиноятчи керак бўлса, ўзлари топиб олишар“ дейишадию, ўзларини чеккага тортишади. Туя кўрдингми? — Йўқ! Сен ҳам тинч, кўшининг ҳам тинч...

Қодир (*қаттиқ хижолат чекиб, терини артиб*). Унчалик эмас...

Кузнецов. Бўлмаса қанчалик? (*Қизиб.*) Ахир сен коммунистсан! Жиноятни кўра туриб индамай кетишга ҳаққинг йўқ! Дарров, ўша замониёқ, ўша ердаёқ, шармандаларини чиқармайсанми? Фронгда бунақа кўрқоқ эмас эдинг-ку? Бўрк ол деса, бош олиб келадиган, дов-юрак йигит эдинг-ку! Нима бўлди? (*Қодир жим. Кузнецов яна оғир давом этади.*) Фронт... Жанг ҳали туггани йўқ... Жанг давом этмоқда... Зўр... улуғвор... мураккаб меҳнат жанги! Сен блан биз бу жангнинг солдатлари, командирларимиз! Жанг майдонида ўзимизни халқ ва партия

олдида қандай жавобгар ҳис қилган бўлсак, меҳнат майдонида ҳам худди шундай ҳис қилишимиз керак... Уруш вақтида, битта-яримта душман, кўз олдинда бирор нарсамизни ўғирлаб кетаётган бўлса, қараб турармидинг? Йўқ, ўша замониёқ, шартта отиб ўддирардинг! Ҳали ҳам шундай бўлиш керак! Ҳали ҳам ўз постимизда ҳуш'ёр туришимиз лозим. Ҳали, душманларимиз тинчиганича йўқ, атом бомбасини ушлаб; бўшашдинг, ҳуш'ёрликни қўлдан бердинг, калланга соламан, деб, пойлаб турибти! Шундай вақтда лоқайдлик, бепарволикдан ёмон нарса йўқ. Коммунизмнинг шу далалари кўриниб қолди. Манзилга яқинлашган сари, сезгимиз ўткир, қиличимиз ўткир бўлиши лозим.

Қодир. Сергей Иванович, сўз бераман, бу хато бундан кейин сра ҳам такрорланмайди.

Кузнецов. Давлат мулкани, халқ мулкани кўз қорачиғидай сақлашимиз керак. Жамоат ишида, партия ишида: сен ҳам индама, мен ҳам индамай, деган ақида кетмайди. Сен блан биз учун халқ иши ҳарнарсдан муқаддас!

Қодир. Шундай, Сергей Иванович...

Кузнецов (киноя блан). Шундай дейсану, фронтдан келиб уч кун уйда ётиб олибсан.

Қодир. Меҳмон...

Кузнецов. Меҳмон, деб, колхозни унитиб қўйиш ярамайди, ахир! Дуруст, дам-пам ҳам олиш керак, лекин эвида: вақти-соати блан. Ҳозир бир кун бўлсин, жим ўтириш, бир соат бўлсин, бепарво бўлиш, мумкин эмас. Кўклам келаётипти. Кўкламга тайёрланиш керак. Сен блан биз шу йилнинг ўзидаёқ районни илгариги ҳолига, илгор районлар қаторига кўтаришимиз лозим.

Қодир. Бажарамиз, Сергей Иванович, албатта бажарамиз!

Кузнецов. Колхозда кўкламга тайёргарлик қалай!

Қодир (нима дейишини билмай). Ҳозирча... ҳечқандай тайёргарлик йўқ, деса ҳам бўлади...

Кузнецов. Ана, кўрдингми? Иш бунақаю, сен ҳа деб, бажарамиз деб кериласан! Вазифа сўз блан эмас, иш блан бажарилади. Колхозларингда кўкламга тайёргарлик ёмон. Аллақачон ишни қизитиб юбориш керак эди. Иш кўп, асбоб-ускуналарни ремонт қилиш, от-улов ва ерни тобга келтириш, ўғит-уруғ тайёрлаш, йўлларни, кўприкларни тузатиш... Эҳҳе... қиламан, деса, ишнинг сони-саногини йўқ... Буларнинг устига қанча оммавий-сиёсий ишлар бор. Ҳархил тугарақлар...

Қодир. Ўйлаб қўйибман, сиёсий тугарақ, агрономия тугараги, пахта усталарининг тажрибаларини ўрганиш тугараги...

Кузнецов. Дуруст ўйлабсан. Лекин камроқ ўйлагину. Тезроқ амалга ошир. Эртадан бошлабоқ ишни қизитиб юбориш керак. Кейин, тездан колхозда ҳисобот сайлов мажлисини ўтказинглар. Колхоз мажлиси олдидан, раиснинг ҳисобини партия мажлисида эшитинглар. Ҳали келиб эди...

Қодир. Ҳа, олдингизга мен блан бирга кирмоқчи эди, мен бир ерда ушланиб қолдим...

Кузнецов. Камтарликдан асар йўқ. {Турган-битгани ғурур. Узоқ суҳбатлашдик. Аслида ёмон одам кўринмайди. Аммо ҳозир айнаб қолибди. Бузилибди... Кўпроқ аввалги хизматларини пеш қиладиган бўлиб қолибди. Халқдан узилиб қолганга ўхшайди. Эҳтимол бу сайловда раисликка ўтмай қолса... Колхозчиларнинг настроениyasi шундай кўринади.

Қодир. Шундайроқ.

Кузнецов. Агар бордию, раис тушиб қолса, ўрнига кимни сайлайсилар?

Қодир. Ўйлаб кўриш керак бўлади.

Кузнецов. Раиснинг қизи қалай?

Қодир. Раиснинг қизими? (*Ўйланиб қолади.*)

Кузнецов. Номи нима?

Қодир. Баҳор.

Кузнецов. Баҳор, ўзи ҳам худди баҳордек очилибди. Чиройлик қиз. Нима дединг?

Қодир (*кулиб*). Чакки эмас. (*Қизариб ерга қарайди.*)

Кузнецов. Нега қизариб кетдинг? Ораларингда бирар гап борми?

Қодир. Ҳа...

Кузнецов. Мундан чиқдики, Дадавой ака сенга қайнота бўлар эканда?

Қодир (*кулиб*). Қизини олсам, қайнота бўлади шекиллик...

Кузнецов. Э... нима учун раисга қаттиқ гапирмаганингда энди тушундим!

Қодир. Гап унда эмас.

Кузнецов. Бундан кейин ҳам қайнотамни андиша қиламан, дегин?

Қодир. Гап халқ манфаати устида борар экан, ҳечкимни, ҳатто ўз отамни ҳам аямайман.

Кузнецов. Кўрамиз... Кадрлар масаласи энг муҳим масала... Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади, деган шиорда, ҳикмат кўп. Гап одам танлайбилишда! Ҳар кимни ўз ўрнига ўтказишда, кадрлардан тўғри фойдаланишда... Ҳа, айткандек, биласанми, силарда экспедиторлик қилиб юрган одам ким?

Қодир. Билмайман, бизнинг колхоздан эмас, бошқа ёқдан келган одам.

Кузнецов. Жуда ёмон одам. Олғур одам, эски муттаҳам... Учар... Уни дарҳол ҳайдаш керак!

Қодир. Бугун икки кун бўлади, завхоз блан бирга, кунжара сотгани районга кетишган эди, ҳалига қадар дараги йўқ.

Кузнецов. Яна қочиб кетишган бўлмасин, тездан суриштириш керак.

Қодир. Суриштириб кўрдик. Йўқ... Яна суриштирамиз.

Кузнецов. Етти қават ернинг тагига кириб кетган бўлса ҳам топиш керак! (*Қаландаров кивади.*)

Қаландаров. Салом! Салом! (*Кузнецовга.*) Чақиртирган экансиз?

Кузнецов. Ҳа... „Навбаҳор“ колхозининг аҳволи қалай?

Қаландаров (*ўнғайсизланиб*). Нима, деб, айтсам бўлади. Э... Чакки эмас.

Кузнецов. Ов қалай?

Қаландаров. Ҳа, э... озиб-ёзиб бир шўхлик қилиб эдик, дарров етказишибди-да! (*Хўмрайиб Қодирга қараб қўяди.*)

Кузнецов. Райком сизни нима мақсад блан колхозга боғлаб қўйган эди?

Қаландаров. Нима мақсад блан бўлар эди. Хўш... Колхозга ҳар тарафлама ёрдам бериш... Хўш, колхозни ташкилий, хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш... Хўш...

Кузнецов (*унинг сўзини бўлиб*). Хўш, шундай экан нима учун колхоз мулкни толон-торож қиласиз?

Қаландаров (*ҳаяжонда*). Сергей Иванович... Хўш, саволингизга яхши тушунолмадим. Мен? Колхоз мулкни толон-торож қилибман?

Кузнецов. Ҳа, сиз.

Қаландаров. Ҳайронман!

Кузнецов. Колхоздан уйингизга қоплаб дон олиб кетганингизда ҳам ҳайронмидингиз?

Қаландаров (*енгил тортиб*). Э... буни айтасизми. Мен, нима экан дебман! Бу масалада мен айбдор эмасман, Сергей Иванович... Марҳамат қилиб, ўзлари беришди...

Кузнецов. Берса, индамай олаберасизми?

Қаландаров. Ҳа, олган бўлсам, пулимга олдим. Колхоз бозорга ҳам сотадику?

Кузнецов. Расписка пул эмас! Колхозчиларнинг ризқига чанг солишга, нима ҳаққингиз бор эди? Садқайи одам кетинг! Партбилет сизга ҳайф!

Қаландаров (*тушкун овоз блан*). Сергей Иванович, мени кечиринг...

Кузнецов. Колхоздан нима олган бўлсангиз, дарҳол қайтаринг! Акс ҳолда судга кетасиз! Ва бундан кейин „Навбаҳор“ колхозига қадам босманг, хазон қиласиз! Партия масалангизни бюрода кўра-миз! Боринг!

Қаландаров (*ялиниб*). Сергей Иванович.

Кузнецов. Ҳарқанча гапингиз бўлса, бюрода гапирасиз! Боринг! (*Қаландаров бўшашиб чиқиб кетади, Кузнецов ҳаяжонда.*) Булар коммунист эмас! Булар партия билетини ниқоб қилиб, ҳалқнинг нонини туя қилиб юрган, муттаҳамлар! Вуларни дарҳол партиядан ҳайдаш керак! Ҳайдаймиз ҳам! (*Пауза.*) Хайр, Қаландаровни қўйиб турайлик. Қани, гапирчи, қандай планларинг бор? Колхозни қандай қилиб гуллатмоқчисан? Бу йил неча центнердан пахта бермоқчисан?

Қодир. Гектаридан 35 центнердан берсак деган ниятимиз бор.

Кузнецов. Яхши!

Қодир. Иш бошига энг қобилиятли, энг виждонли кишиларни қўймоқчимиз.

Кузнецов. Так.

Қодир. Бригадирликка, звеновойликка энг яхши, илғор, тажрибадор, ишнинг кўзини биладиган, жонкуяр одамларни сайламоқчимиз.

Кузнецов. Жойида.

Қодир. Енгил ишларга инвалидлардан, дала ишларига лаёқатсиз кишилардан фойдаланиб, ишга яроқлик кишиларнинг ҳаммасини пахтага ташламоқчимиз.

Кузнецов. Яхши!

Қодир. Колхозчилар орасида ижтимоий мусобақа, сиёсий, оммавий, тарбиявий ишларни кучайтирмоқчимиз.

Кузнецов. Так!

Қодир. „Жамоат, дала ишларига жалб қилинмаган ва кундалик нормасини ошириб бажармайдиган битта ҳам колхозчи қолмасин!“ деган шиор ташламоқчимиз!

Кузнецов. Соз!

Қодир. Ҳарбир ишни ўз мавридида, агротехника қоидаларига мослаб бажармоқчимиз!

Кузнецов. Так.

Қодир. Дангасаларга, меҳнат интизомини бузучиларга, ҳаром томоқларга қарши ўт очмоқчимиз!

Кузнецов (*кулиб*). Демак, по врагам колхоза огонь!

Қодир. Огонь! (*Ҳар иккаласи ҳам мароқ блан кулишади.*)

Кузнецов (*хурсанд.*) Дурус... Жойида... жойида... мулоҳазаларнинг чакки эмас... Агар шу программани амалга ошира билсаларнинг, колхозларингнинг гуллаб кетишига ҳечқандай шакшубҳа йўқ!

Қодир. Лекин сизлардан катта ёрдам кутамиз.

Кузнецов. Ҳарқанча ёрдам бўлса ҳам берамиз. Фақат ҳалол меҳнат қилсаларнинг бас... Партия, ҳукумат сизлардан ҳечқандай ёрдамни аямайди.

Қодир. Раҳмат, Сергей Иванович.

Кузнецов. Яна бир муҳим масала бор. Сен ҳали колхозчиларнинг уйларига кириб кўрганинг йўқдир?

Қодир. Йўқ...

Кузнецов. Эринмасдан, бирма-бир, ҳамма колхозчиларнинг уйига кириб кўр. Ҳол-аҳволини бил. Турмуши қалай? Нима камчилиги бор? Нимадан танқис? Ҳаммасини аниқла ва ёрдам бер. Бусиз халқни улуг ишларга рағбатлантириб бўлмайди... Эсингда борми, фронтда эканлигимизда землянкаларга, окопларга тушиб, жангчиларнинг ҳоли-аҳволидан хабар олардик. Турли йўллар блан уларнинг жанговарлик руҳини кўтарардик. Ҳали ҳам худди шундай қилишимиз керак. Баҳор олдиан халқни улуг жангга — пахта ҳосилини ошириш жангига ҳозирлашимиз, кўтаришимиз лозим! Халқ блан доим алоқада бул! Қиладиган ишингни халқ блан бамаслаҳат қил. Одамларга хуш муомала қил; дўқ, бақирини, ма'муриятчиликдан сақлан. Бу бизнинг усулимиз эмас!

Қодир. Шубҳасиз, Сергей Иванович.

Кузнецов. Хўп, бўлмаса, сенга жавоб! Ҳа, партия мажлисида раиснинг ҳисобини тинглаш эсларингдан чиқмасин. Дадилроқ,

қаттиқроқ танқид қилаберинглар. Кўзи очилсин, Умуман колхозда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш лозим.

Қодир. Буёғини бизга қўйиб берасиз, Сергей Иванович.

Кузнецов. Лекин холисанилло, танқид бўлсин! Бачканалашиб кетманглар. Майда-чуйда гаплар блан ўралашиб қолманглар.

Қодир. Хотиржам бўлинг, Сергей Иванович...

Кузнецов. Яна бўрк ол десам, бош олиб юрма!

Қодир. Партия йўлидан қилча ҳам тоймаганимиз бўлсин.

Кузнецов. Муваффақият тилаймай. Телефон қилиб туришми унутма, хайр!

Қодир. Хайр.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Колхоз идораси. Тўғрида савлат тўкиб, ғурур блан, мўйлабини бураб, Дадавой ака ўтирипти, устида янги беқасам тўн, бошида сувсар телпак, билагида олтин соат. Ёнида чой қўйиб, Ҳакимжон ўтирипти.

Ҳакимжон. Ҳаммамиз ҳам дордан қочган эмишимиз. Ҳаммамизни ҳам думимизни тугар эмишлар.

Дадавой. Тугиб бўпти! Тугадигани ҳали онасининг қорнида ётибди. Ҳали Дадавой акага рўба-рў бўлиб кўришмабди, титиворамана. Э, ўша, жўжа хўрозлар! Ҳали келсин, бир адабини бериб қўяй!

Ҳакимжон. Хўжайин, нима қиламиз, Сулаймонлардан ҳали ҳам дарак йўғу!

Дадавой. Наҳотки жуфтакни тўғрилаб жўнаб қолишган бўлса! Ҳали ҳукизнинг пули ҳам, кунжаранинг пули ҳам кетди, десангчи! Ўлганнинг устига кўмган, деб, шуни айтадиларда. Ифвогарларга яна битта баҳона топилиб қолди. Аммо лекин, барибир қўлга тушираман! Ерга кирса қулоқларидан тортиб чиқараман, осмонга чиқса оёқларидан тортиб тушираман! Ишқилиб, топмасдан қўймайман! (*Деволга суяниб турган ов милтигини олиб, мароқ блан тамоша қилади.*) Аммо лекин, заб милтиқ эканми! Отган ўқ хато кетмайди-я!

Ҳакимжон. Ўзингиз ҳам чакана мерган эмассизда...

Дадавой (*мийиғида кулиб*). Шундай... Шундай...

Ҳакимжон. Кеча нечта ўрдак отдингиз?

Дадавой. Ўн иккита! Бир дужна!

Ҳакимжон. Биз ғарибникига битта-иккита ташлаб ўтмабсизда, хўжайин.

Дадавой. Ҳа, бор, янганга айт, берсин... Уйда турибди. Ў бугун свежийсидан ташлаб ўтайми?

Ҳакимжон. Кошки, жон-жон дер эдим. Бир ўрдак палов қилиб ейлик.

Дадавой (*соатига қараб*). Ов вақти ҳам яқинлашиб қолди. Ташқарида одам кўпми?

Ҳакимжон. Ачиб ётибди.

Дадавой. Жудаям аризабозликдан чиқиб қолдим.

Ҳакимжон. Ҳа, энди ҳаркимнинг ҳам ўзига яраша ҳожати борда, хўжайин.

Дадавой. Э, ўша ҳожатидан ўргулдим. Кўчада ариза... Идорада ариза... Далада ариза!.. Айт, уч киши кирса бўлади, қолгани эртага келсин. Вақтим йўқ!

Ҳакимжон. Хўб бўлади. (*Урнидан туриб, эшикка йўл олади.*)

Дадавой. Менга қара, физиллаб уйга бориб кел, янганга айт, пича яхна қази блан, патирдан бериб юборсин. Ишлари кўп, уйга ўтолмас эканлар, дегин.

Ҳакимжон. Дарҳол гатоб қиламиз-да, хўжайин. (*Чиқиб кетади. Дадавой, гўё иш қилаётган кишидек столга тикилиб, ниманидир варақлай бошлайди. Тошмат киради. Дадавой „иш блан банд“ Тошматнинг кирганини „сезмайди“. Тошмат, кирганини билдириш учун, бир-икки йўталиб қўяди.*)

Дадавой (*столдан бошини кўтариб*). Хўш, хизмат?

Тошмат. Ҳалиги... келиним Асакага, акасининг ёнига кетиб қолди. Шунини олдириб берсангиз.

Дадавой. Мен раисманми, ё милисаманми?

Тошмат. Ўзингиз боришингиз шарт эмас, битта-яримтани юборсангиз бўладиган гап... Иззати... дарров кела қолади.

Дадавой. Битта саёқ аёлни қидириб, Асакага бориб келадиган аҳмоқ йўқ!

Тошмат. Нега саёқ аёл дейсиз, раис! Ахир колхозимизнинг обрўйи, юз центнерчи звеновойларимиздан бири эдику!

Дадавой. Унақа юрт бузиқи, ўз бошимча ҳарёққа кетиб қоладиган звеновойлар бизга керак эмас!

Тошмат. Хафа қилмаганингизда, ҳечёққа кетмасди...

Дадавой. Хафа қилган бўлсам, ўзидан кўрсин, тилини тийиб юрсин!

Тошмат. Наҳотки сизни бир марта танқид қилиб қўйган кишини шунча така-така қилсангиз?

Дадавой. Бундан кейин ҳам менга қарши оғиз очадиган кишиларга, колхозда ўрин йўқ! Гап тамом! (*Тошмат ўрнидан қўзғолмайди.*) Тушундингизми? Гап тамом! Боринг, тирикчилигингиздан қолманг!

Тошмат. Товба... Хайр, хайр, нима ҳам дедик... (*Чиқиб кетади, Паттихон киради.*)

Дадавой. Ҳа, нима дейсан? Яна ўй жўниданми?

Паттихон (*ялиниб секин*). Ҳа, худо хайр берсин.

Дадавой. Айтдимку, ҳозир иложи йўқ.

Паттихон. Ахир, қачон иложи бўлади?

Дадавой. Кейин... Ёзда...

Паттихон. Ёзда арз қилсам, кузда дедингиз, кузда арз қилсам, қишда дедингиз, қишда арз қилсам, яна ёзда дейсиз. Бу қанақа гап? Нега мени майна қиласиз?

Дадавой. Сизни ҳечким майна қилаётгани йўқ.

Паттихон. Ҳукуматнинг қарори бор, фронтовойларнинг оиласига зудлик блан ёрдам берилсин, деган.

Дадавой. Биламиз, биламиз... Ёрдам берамиз...

Паттихон. Ўлгандами?

Дадавой. Нафасингизни совуқ қилманг, ёрдам берамиз дедими, бўлди, берамиз! Кейин... ҳозир қиш, материал йўқ, мумкин эмас.

Паттихон. Иззатингизни қилиб олдингиздан хўб ўтдим... Энди бўлди. Устингиздан Исполкомга ариза бераман. Районга бораман. *(Ишғламсираб чиқиб кетади.)*

Дадавой. Э, менга десайг, ундан каттасига бор! *(Ҳакимжон киради.)*

Ҳакимжон. Топшириқларингизни бажардим. Янгамнинг ўзлари олиб келадиган бўлдилар.

Дадавой *(дарғазаб)*. Ажаб бўпти! *(Ҳакимжон ҳайрон, Ўрмон киради.)*

Ўрмон. Катта кўприкни қачон тузатамиз? Ахир, кўприк тузалмаса, вақтида далага ўғит ташиб улгуролмай қоламиз!

Дадавой. Кўприкни қачон тузатаман, далага қачон ўғит чиқараман, у менинг ишим! Сен бу ишларга аралашма!

Ўрмон. Ахир кўклам яқинлашиб қолди, кеч қоламиз!

Дадавой. Гапга тушунасанми, у, менинг ишим деяпман! Нима бўлса мен жавоб бераман! Фронтовикман, деб, ҳамма ишга ҳам тумшугингни тикаберасанми?

Ўрмон. Товба! *(Чиқиб кетади. Нурмат киради, Ҳакимжон унинг йўлини тўсади.)*

Ҳакимжон. Рухсат йўқ, дедимку! Қабул тамом! Раиснинг вақти йўқ!

Нурмат *(қўли блан Ҳакимжонни четкатади)*. Вақт-мақтинг блан ишим йўқ. Йўлни тўсма! *(Ҳакимжон саволнамо раисга қарайди)*.

Дадавой. Майли... Сен эшикка чиқ, қолганлар тарқалишсин! *(Ҳакимжон эшикка чиқиб кетади.)* Хизмат!

Нурмат *(қўлидаги қоғозни раиснинг олдига қўяди. Қўли блан қоғозга ишора қилади.)* Додига етинг!

Дадавой. Бу нима?

Нурмат. Ариза.

Дадавой. Нима жўнидан?

Нурмат. Ўқинг, биласиз!

Дадавой. Ўқишга вақтим йўқ! Мазмунини айтиб қўяқол!

Нурмат. Мазмуни шуки, ҳаққимни буёққа чўзиб қўйинг!

Дадавой. Ҳаққингни олдинг-ку, яна қанақа ҳақ?

Нурмат. Завхозингиз Мамажон ўғри, менга тегишлик бугдойдан 50 килограммини уриб қолибди.

Дадавой. Уриб қолибди?

Нурмат. Ҳа, кам тортиб берипти!

Дадавой. Кам тортиб берган бўлса, узидан ол!

Нурмат. Ўзи-пўзи блан ишим йўқ! Раз, пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб қўйибмизми — ҳақимизни чўзиб қўйинг!

Дадавой. Жинни-минни бўлганми бу ўзи!

Нурмат. Йўқ, мени жиннига чиқариб қутилолмайсиз! Камини чўзиб қўйинг!

Дадавой (*кўрдики, қутиломайди*). Ками бўлса кейин оларсан, ҳозир буғдой йўқ. Бор буғдойни аллақачон а'золарга булиб берганмиз.

Нурмат. Омбордаги буғдой, қанақа буғдой?

Дадавой. Уруғлик буғдой, бир граммига ҳам теголмаймиз.

Нурмат. Тунов куни, Қаландаров орқалаб кетган буғдой, қанақа буғдой эди? (*Дадавой асабий, жим.*) Меҳнатни мен қиламану, роҳатини Қаландаров кўрадимиз? Бу ерда гўсхўр йўқ! Уша Қаландаров орқалаб кетган буғдой, мени буғдойим бўлади! Буёққа чўзиб қўйилсин! Мен, одамлар нонимни туя қилиб берсин, деб, урушда қўлимни ташлаб келганим йўқ!

Дадавой. Яхши, эртага кел, тўғрилаб бераман!

Нурмат. Военнийчасига анигини айтинг, қай вақтда келай?

Дадавой. Соат 12 ларда...

Нурмат. Демак, 12—ю ноль-нольда олдингизда бўламан!

Дадавой (*энсаси қотиб*). Хўб! Хўб! (*Нурмат чиқиб кетади, Дадавой асабий, уёқ-буёққа юради.*) Товба! Завхоз чатоқ қилсаям, раис бенават!.. Кўприк бузилсаям, раис бенават! Ҳамма нарсага жавобгар раис... раис... раис!.. (*Қодир киради.*)

Қодир. Чақирган экансиз?

Дадавой. Ҳа, сени бир огоҳлантириб қуяй, деб, чақирдим. Утир! (*Қодир ўтиради.*) Сен жуда ҳам ҳаддингдан ошиб кетаяпсан, жигар. Партком бўлганингга ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ, ҳамма ёқни олғов-долғов қилиб юбординг! Минг хил тугарак... мажлис... план... элдан бурун кўкламга тайёргарлик... ремонт... танқид, ўз-ўзини танқид... эшмат... тошмат... Хўш, сенга ким руҳсат берди? Сен кимсан ўзинг? Муддаонг нима? Обруйимни тўкишми?

Қодир. Аксинча, ниманки қилаётган бўлсак, обруйингизни кўтариш учун қилаётибмиз.

Дадавой. Йўқ, сен, менга бир нарсани ажрим қилиб берчи, — колхознинг каттаси ким? Сенми, ё менми?

Қодир. Сиз ҳам эмассиз, мен ҳам. Колхознинг каттаси — халқ! Сиз блан биз эса, халқнинг хизматкорларимиз. Мен нимаики қилаётган бўлсам, халқнинг талаби ва хоҳиши блан қилаётибман. Бундан кейин ҳам қиладиган ишимни халқ блан бамаслаҳат қиламан. Ундан кейин, мен югурдак эмасман, мен партия ташкилотининг секретари бўламан. Менга бунақа дағал муомала қилманг, айб бўлади!

Дадавой (*кесатиб*). Э, шунақа денг? Дуруст, дуруст, кўп яхши!

Қодир. Нима учун, кеча, сиёсий тугаракка келмадингиз? Сиздан бўлак ҳамма келди?

Дадавой. Аввалам бор мени тергайдиганим бўлмайди, иккинчидан, мен ўқув ишидан ўтиб қолганман, ёшлар ўқий берсин.

Қодир. Партия ўқиши ёш блан қарига баравар. Бундан кейин тугаракдан қолманг, уят бўлади. (*Дадавой асабий, жим.*) Навбатдаги партия мажлисига сизнинг ҳисобингизни қўйдик...

Дадавой. Чакки қилибсилар, вақтим йўқ!

Қодир. Вақт топиш керак. Ҳарбир партия а'зоси ўз ишидан партия олдида ҳисоб беришга мажбур.

Дадавой (*дағ-дағадан тушиб*). Ҳисоб керак бўлса, колхоз мажлисида эшитарсилар.

Қодир. Колхоз мажлиси бошқа, партия мажлиси бошқа. Дадавой (*дўнғиллайди*). Бир ҳисобни икки мартаба эшитиш нимага керак экан?

Қодир. Нимага кераклигини партия мажлисида биласиз. (*Чиқиб кетади.*)

Дадавой. Ана сенга фронтвик! Ана сенга партком! Ана сенга куёв! (*Бирдан ғазабга келиб.*) Йўқ! Ҳар нарса бўлиши мумкин, аммо менинг куёвим бўлолмайди! Мен бунга йўл қўймайман! (*Баҳор киради.*)

Баҳор. Нега мунча бақирасиз? Нима гап?

Дадавой. Гап шуки, Қодир блан алоқангни узасан!

Баҳор (*ҳайрон*). Бу нима деганингиз?

Дадавой. Бу сўзларни ўйлаб гапираяпсизми?

Баҳор. Бу сўзларни ўйлаб гапираяпсизми?

Дадавой. Хўб ўйлаб, кейин гапираяпман.

Баҳор. Наҳотки, ўн йиллик партия а'зоси уялмай шу гапларни айтиб ўтирса! Гапларингиз қони эскилик-ку!

Дадавой. Эскиликми, янгилекми, ишим йўқ! Қиз меники, бийлиги ҳам менда!

Баҳор (*кесатиб*). Бўлмаса, қизингизни битта-яримта чолга, қалин баробарига сотарсиз ҳам?

Дадавой. У менинг ишим!

Баҳор (*кескин*). Йўқ, отажон, бу ҳаммадан бурун, менинг ишим! Мен ўн тўрт йил, ҳуқуқимни поймол қилиш учун ўқиганим йўқ! Мен партия сафига ҳурриятимни, эркимни йўқотиш учун кирган эмасман! Гуноҳингиз озлик қилаяптими, бундай сўзларни сўзлайсиз?

Дадавой. Мени, бебош қиз ўстиришдан бўлак, гуноҳим йўқ! (*Дастурхонда патир, қази кўтариб Хадича, ва чой кўтариб Ҳакимжон кириди.*)

Хадича. Ҳаҳ ҳалиям жанжалларинг тугамадими! (*Баҳор индамай чиқиб кетади. Дадавой дарғазаб, жим. Хадича столга дастурхон ёзади.*) Уйда жанжал, кўчада жанжал... мажлисда жанжал... Идорада жанжал... Жанжалга ҳам ажал келсин! Олинг!

Дадавой. Керак бўлса ўзинг ейвер, емайман!

Хадича (*ҳайрон*). Ахир, Ҳакимжондан, қорним очди, мўлроқ қилиб қази блан патирдан олиб келсин дебсиз-ку!

Дадавой. Емайман, гапга тушинасанми!

Хадича. Вой-вой, энди мен блан урушадим чоғи!

Дадавой (*милтигини олиб*). Ҳа, ҳаммаг блан ҳам урушаман! (*Тез чиқиб кетади. Хадича лол.*)

Хадича (*эсини ииғиб олиб*). Вой шўрим қурсин!.. Ҳой, Ҳакимжон, чиқ! Яна бир бало қилиб қўямасин! Югир!

Ҳакимжон. Э, ҳовлиқманг, овга кетди!

Хадича. Йўқ, авзой бузуқ, чиқ! Юр! Баҳорни эҳтиёт қилайлик! (*Чиқиб кетадилар.*)

УЧИНЧИ ПАРДА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Партком идораси. Кечаси. Партия мажлиси бормоқда. Қодир раислик, Ўрмон секретарьлик қилмоқда. Президиумда Музаффар ҳам бор. Мажлисда Баҳор, Дадавой, яна бирқанча партия аъзолари ҳозир. Ҳамма жиддий қиёфада, жимлик. Баҳор отаси учун куйиниб ўтиради. Дадавой ма'рузасини тугатмоқда. У қаттиқ ҳаяжонда, асабий, қайта-қайта сув ичади. Қайта-қайта, катта дастурмол блан, терини артиб кўяди.

Дадавой. Хўш... Яна... Битта ҳаммом, битта мактаб солдим. Электр станция қурдим... Телефон келтирдим... Булар иш эмасми?! Иш! Жуда катта иш! Мана, ҳисоб шундан иборат. Шу блан ма'рузам тамом. (*Утиради. Сув ичади, рўмол блан пешона терини артади.*)

Қодир (*ўрнидан туриб*). Ма'руза тамом бўлди. Кимда савол бор?

Ўрмон. Менда.

Қодир. Марҳамат.

Ўрмон (*ўрнидан туриб*). Фронтвойларнинг оиласига қандай ёрдам берилди?

Дадавой. Қўлимиздан келганча.

Ўрмон. Бу жавоб эмас. Аниқроқ жавоб беринг. Кимга? Қачон? Қандай ёрдам берилди?

Дадавой. Ёдимда йўқ. (*Ноқулай жимлик.*)

Қодир. Яна кимда савол бор?

Музаффар. Менда.

Қодир. Марҳамат.

Музаффар. Нима учун колхоз икки йилдан бери пахта планини бажаролмай келади? Сабаби қаерда?

Дадавой. Колхозга худди бугун келган кишидек, савол бера-сиз-а. Сабабини ўзингиз билмайсизми?

Музаффар. Биламан.

Дадавой. Билсангиз нимага сўрайсиз?

Музаффар. Сизнинг фикрингизни билмоқчиман.

Дадавой. Мен фикримни айтдимку!

Музаффар. Қаноат ҳосил қилмадим!

Дадавой. Қаноат ҳосил қилмаган бўлсангиз, қилмапсиз-да, менга нима?

Қодир. Дадавой ака, оғир бўлинг. Бу ер чойхона эмас, 'партия мажлиси! Мажлисга ҳурмат керак! Саволларга зарда қилмай, пичинг қилмай, тўғри жавоб беринг!

Дадавой. Ахир, кўрмайсизми, билатуриб жўрттага савол беришларини.

Қодир. Билатуриб савол бераётган бўлсалар, ҳеч ажабланманг. Колхозда қандай нуқсонлар бор? Бу нуқсонларга сиз қандай қарайсиз? Бу нуқсонларнинг сабаblари қаерда? Шуларни ўз оғзингиздан дурустроқ, аниқроқ қилиб эшитмоқчимиз.

Дадавой. Нимаики демоқчи бўлсам, ма'рузада айтдим. Кунгилларинг тўлмаган бўлса, мени саволга тутиб, қийнаб ўтирмай, фикрларингни айтаберинглар-да!

Музаффар. Ҳа саволларимиз Дадавой, акага малол келган бўлса, саволни тўхтатиб, сўзга ўтиб қўяқолайлик.

Урмон. Ҳа, де! Дурустроқ жавоб олмаганимиздан кейин, саволнинг нима фойдаси бор?

Овозлар. Тўғри, ҳамма нарса равшан. Тўғри, сўзга ўтилаберилин!

Қодир. Хўб, қани, ким сўзлайди?

Музаффар. Менга беринг!

Қодир. Марҳамат! (*Утиради.*)

Музаффар (*ўрнидан туриб*). Мана, икки йил бўлади, қолхозимиз пахта планини бажаролмай келади..

Дадавой. Янгироқ гап гапиринг, буни ҳамма билади.

Музаффар. Гапиртиргани қўясизми, ё йўқми?

Дадавой. Гапиринг, лекин бама'нироқ қилиб гапиринг..

Қодир (*Дадавойни тартибга чақириб*). Дадавой ака, сиз гапирганингизда ҳамма жим ўтирди, энди сиз ҳам жим ўтиринг-да! (*Дадавой асабий, сув ичади.*) Давом этинг!

Музаффар. Бизнинг қолхозимиз пахтакор қолхоз... Бинобарин ишимизнинг, кучимизнинг, қобилиятимизнинг, хулқимизнинг, қадр-қимматимизнинг мезони — пахта! Раиснинг яхши-ёмони ҳам, ишинг яхши-ёмони ҳам — пахта ҳосили блан ўлчанади.

Дадавой (*чидмай*). Ташвиқот!

Қодир. Дадавой ака! (*Дадавой жим, асабий.*)

Музаффар (*Дадавойга*). Шу кечаю-кундузда ташвиқот сизга жуда ҳам зарур. Қулоқ солинг. Фойдаси тегади.

Дадавой. Хўб, қулоғим сизда!

Музаффар. Авваллари қолхозда пахта ҳосили юқори эди. План ошиғи блан бажарилар эди. Иш ҳам яхши эди, раис ҳам! Ҳозирчи? Пахта ҳосили тушиб кетди. Икки йилдан бери суринкасига план бажарилмайди. Иш ҳам икки пул, раис ҳам!..

Дадавой (*ҳаяжонда*). Ахир, оби-ҳаво, назарга олинмас экан-да!

Музаффар (*қизиб*). Мана, сизнинг асосий хатоларингиздан бири ҳам худди шу ерда! Қилгиликни қилиб қўйиб, айбни оби-ҳавога тўнкаб келдингиз. Нима учун „Карл Маркс“ қолхозининг ҳар йил ошиғи олчи? Юзи ёриқ? Нима учун „Охунбобоев“ қолхозини ҳар йили ишни беш қилиб, йилдан-йилга ривож топмоқда? Ахир, ҳар иккала қолхоз ҳам бизга қўшни, — ери еримизга туташ-ку? Бизга ёмон келган оби-ҳаво, уларга ёмон келмабдими? Уч қолхоз ҳам бир ҳаводан нафас олиб, бир ариқдан сув ичади! Оби-ҳаво — гап! Ношудларга баҳона!

Дадавой. Бундан чиқдики, мен ношуд эканман-да! Ношуд бўлсам, қандай қилиб кулақларга қарши курашдим? Қандай қилиб қолхоз туздим?

Музаффар. Авваламбор, кулақларга қарши курашган, қолхоз тузган, ёлғиз сиз эмассиз..

Дадавой. Бундан чиқдики, мен туш кўриб юрган эканман-да?

Музаффар. Йўқ. Туш кўриб юрганингиз йўқ, кулакларга қарши курашда, колхоз тузишда иштирокингиз катта. Колхозга кўп хизматингиз сингган. Шу хизматларингиз эвазига, ҳукумат кўша-кўша орден, медаль бериб қўйибди. Қандингизни уринг! Қойилмиз! Вақтида жуда хурсанд бўлганмиз! Сиз блан фахрланганмиз! Аммо, кейинги йилларда айнаб қолдингиз, думоғингиз кўтарилиб кетди, кўзингизни ёғ босди. Ўз роҳатингизни ўйлаб, колхозни, пахтани унутиб қўйдингиз! Сизда шарму-ҳаё қолмади.

Дадавой (*ўрнидан санчиб туради, қалтираб гапиради*). Мен бу ҳақоратга чидаб туролмайман! Ёлғон! Бухтон!

Қодир. Дадавой ака, сабр қилинг!

Дадавой. Йўқ, сабр қилолмайман!

Қодир. Навбати блан сизга ҳам сўз берамиз. Ҳарқанча сўзингиз бўлса, ўшанда гапирасиз. Танқидни бузиш ярамайди ахир! (*Дадавой ўтиради, сув ичади, елпинади, асабий.*) Давом этинг!

Музаффар. Шарму-ҳаё қолмади, десам, жаҳлингиз чиқади, бухтон, дейсиз! Агар, шарму-ҳаё бўлса, колхозни оғир аҳволдан чиқариш ўрнига, ўзингизга оқ уй олабаргак солиш блан овора бўлармидингиз? Шарму-ҳаё бўлса, икки йилдан бери сурункасига пахта планини бажаролмай, қандай қилиб бош кўтариб юрибсиз? Одамларнинг юзига қандай қилиб қарайсиз? Ахир биз, хижолатдан районга тушолмайдиган бўлиб қолдик. Ҳамма истехзо блан қарайди! „Сурункасига икки йилдан бери пахта планини бажаролмаган қаҳрамонлар келаяпти!“, деб, пичинг қилади! Бундан ҳам ёмон шармандалик бўладими? „Карл Маркс“, ё „Охунбобоев“ колхозининг а'золари рўба-рўмиздан чиқиб қолса, чап бериб, бурилиб кетамиз! Ҳа, донгдор, планини тўлдириб, қоматини ғоз кутариб юрган азаматларнинг юзига қарашга юз йўқ, бизда! Сиз буни фаҳмламайсиз! Агар фаҳмлаганингизда кибру-ҳаводан тушар эдингиз!.. Хатоларингизни бўйнингизга олар эдингиз, товба қилар эдингиз.

Дадавой. Сизгами?

Музаффар. Партияга, халққа!

Дадавой (*пича бўшашиб*). Шунчагина қудратингиз бор экан, ҳозирга қадар қаерда эдингиз?

Музаффар. Ҳозирга қадар гапларимизга қулоқ солдингизми? Ҳақиқатни гапирсак, ёмон отлиқ қилдингиз, ифвогар, қўрт бузиқи, ҳасадгўй дедингиз! Жиндак танқид қилиб қўйган кишини сиқиб сувини ичдингиз! Нима учун юз центнерчи зеновойларимиздан Зухрахон, уйини ташлаб, Асакага кетиб қолди? Танқид қилдинг деб, чиқиштирмаганингиздан, жонига текканингиздан! Икки гапнинг бирда ҳаммом солдим, электр станция қурдим, деб махтанасиз...

Дадавой. Махтансам арзийди, нима, булар иш эмасми?

Музаффар. Иш. Катта иш. Лекин пахта манавнақа экан, колхозчиларга ҳаммом ҳам татиймайди, электр станция ҳам! Пахта ҳосилини ошириб, планини бажармас экансиз, юзта ҳаммом солнинг, барибир юзнинг шувутини юволмайсиз! Мингта электр

станция куринг, барибир юзимиз ёруғ бўлмайди! Бу ҳақиқатни фаҳмлаш керак! Агар фаҳмламасангиз, ёки, фаҳмлашни хоҳламасангиз, бизники бўлди, деб, четга чиқинг, колхозга фаҳмлайдиганлар раҳбарлик қилсин! (*Утиради*)

Қодир. Яна ким сўзлайди?

Ўрмон. Менга беринг!

Қодир. Марҳамат!

Ўрмон (*ўрнидан туриб*). Биринчи масала: мен урушдан келиб, Дадавой акани танийолмай қолдим. Дадавой ака жуда ҳам ўзгариб кетибди. Жуда ҳам айнабди, учига чиққан бюрократ бўлиб олибди. Идорасига киришга одамларнинг юраги йўқ. Негаки, муомаласи ниҳоятда дағал. Шундай муомала қиладики, гўё бу киши хўжайину, колхозчилар батрак!

Дадавой. Оғзингга қараб сўзла! Мен ўзим батрак бўлиб ўсган кишиман! Етти пуштим батрак бўлиб ўтган! Батракликнинг азобини менчалик тортган киши йўқ! Шу ҳолда қандай қилиб, колхозчиларга, батракларга қиладиган муомала қиламан? Ҳайронман!

Ўрмон. Ҳамма ҳам ҳайрон. Етти пушти батрак бўлиб ўтган, ўзи батракликнинг азобини хўб тотиб кўрган киши, Совет даврида ёруғликка чиқса, одам бўлса, обрў топсаю, кейин уни одам қилган, унга обрў олиб берган халқнинг юзига оёқ босса, халққа дағал муомала қилса, ким ҳайрон бўлмайди? (*Жимлик, пауза*) Иккинчи масала: фронтовийларнинг оиласига қандай ёрдам бердингиз деб, сўрасам, тўмтоқ қилиб: қўлимиздан келганча, деб, жавоб бердингиз. У кунни Кенжавойнинг есири — Паттихон, уйимни ремонт қилиб беринг, деб, идорангизга кирса, йиғлатиб чиқардингиз. Фронтовийларнинг оиласига ёрдам берганингиз шуми? Бу қандай гап? Инсоф қани? Фронтовийларнинг оиласига ёрдам бериш ҳақида, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар, раиснинг чўнтагида қолиб кетиш учун чиқарилган эмас!

Дадавой. Ташвиқот қилма! Ука! Ҳукуматнинг қарорига биз ҳам тушунамиз!

Ўрмон. Тушунсангиз, бундай қилмас эдингиз. Учинчи масала — интизом масаласи. Интизомда гап кўп. Қаерда интизом маҳкам — у ерда иш йирик. Қаерда интизом бузулди — у ерда иш расво. Интизомсиз қўшин зафар олабмайди. Интизомсиз колхознинг омади юрмайди. Хўш, бизнинг колхозимизда меҳнат интизому қалай? Ниҳоятда ёмон! Колхозда 300 га яқин ишга яроқлик а'зо бор. Булардан 32 киши „раҳбарлик“ ўринларда, иш боши, ҳайбаракаллачи!

Дадавой. Ҳа, сенча, раҳбарлик ўринларда ҳечким бўлмасинми?

Ўрмон. Бўлсин, аммо, эвида бўлсин! Яна даромаднинг ёглиги шуларники! Йигирматача киши мутлақо жамоат ишларига аралашмайди. Аралашса ҳам, оз; хўжакўрсинга аралашади. Даромадга келганда-чи, тайёрга айёр. Яна булар ким, денг, улуғларимизнинг қавми-қариндошлари, ошно-оғайнилари. (*Кимдир кулади.*) Кулманг! Бу аҳволга кулиш эмас, йиғлаш керак! Яна элликлаб киши

сурункасига кундалик нормасини бажармай келади. Шундай қилиб бутун ишнинг оғирлиги, икки юз кишининг гарданига тушади. Икки юз киши йил ўн икки ой тертўкиб меҳнат қилади. Даромад эса, уч юз кишига тақсим бўлади. Хоҳлаган ишлайди, хоҳламаган йўқ. Биров ишга эрта чиқади, биров кеч. Биров бозорга кетади, биров томорқаси блан овора, сурништирадиган киши йўқ. Сояпарларга, дангасаларга, ҳаромтомоқларга қарши чора кўрилмади. Шу ҳолда қандай қилиб интизом бўлсин? Шу ҳолда, қандай қилиб, одамларни ишга рағбатлантирасиз? Қандай қилиб, пахта ҳосилини оширасиз? Қандай қилиб планни бажарасиз? Танқид қилсалар, одам оз, деб, бақирасиз! Бор одамлардан тўғри фойдаланолмасангиз ким айбдор? Мана иллат қаерда! Айб оби-ҳавода эмас, айб меҳнат интизомининг йўқлигида! Йўқ, сизда илгариги Дадавой аканинг сояси ҳам қолмабди. Яна такрорлайман, сиз жуда айнаб қолибсиз. Сизни партиядан ўчириб, колхоздан ҳайдаш керак бўлиб қолибди! (Утирсиди.)

Дадавой (чидайолмайди). Муддаоларинг нима? Партбилетимни қўлимдан олишми? Мана партбилет! (Жаҳл блан ёнидан партбилетини чиқаради, столга ташламоқчи бўлади, аммо эсини йиғиб олиб ташламайди, қўлида партбилетичи ушлаганича тек қолади, ноқулай жимлик.)

Қодир (оғир аммо жиддий). Дадавой ака, партбилет блан ўйнашиб бўлмайди. Партбилет жонимиздан ҳам азииз нарса! Ёнингизга солиб қўйинг! Агар, партбилетни қўлингиздан олиш зарур бўлиб қолса, ўзимиз оламиз! (Жимлик, ҳамманинг кўзи Дадавойда. Узоқ паузадан сўнг, Дадавой билетни ёнига солади.) Ва охирги маротаба огоҳлантираман, одамлар гапираётганда, гапни бўлманг! Яна ким гапиради?

Баҳор. Менга беринг.

Қодир. Марҳамат.

Баҳор (ўрнидан туриб, оғир, аммо юракдан сўзлайди). Бошқа бутун гуноҳларингизни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, партия билетига бўлган шу муносабатингиз учуноқ, сизни партиядан ҳайдаш керак! Ахир коммунист деган ҳам шунчалик жиззаки, танқид кўтаролмайдиган бўладими? Мен мажлисла ўтирган, эски коммунистларга ҳайронман! Қандай қилиб, партия интизомига бўйсунмайдиган, танқид ва ўз-ўзини танқидга тушунмайдиган, кўпчиликнинг юзига оёқ босган кишини, шу чоққача партия сафида сақлаб келдингиз? Нима учун, ўз вақтида масаласини партия мажлисига қўймадингиз? Нимадан қўрқдингиз? Нимани андиша қилдингиз? Эски хизматлариними? Йўқ! Эски хизматлари янги гуноҳларни ювиб кетолмайди! Биз орқага қараб эмас, илгарига қараб кетмоқдамиз!

Дадавой (оғир ҳаяжонда қалтираб). Қизим...

Баҳор. Гапни бўлманг! (Дадавой бошини қуйи солиб, жим қолади.) Нима учун, яхши виждонли одамларни иш бошидан ҳайдаб, ўрнига ёмон одамларни қўйдингиз? Нима учун атрофингизга лаганбардорларни, ҳаромтомоқларни тўплаб олдингиз? Нима учун колхоз бойлигини, Мамажондай муттаҳам, Сулаймон-

дай ўғриларнинг қўлига топшириб қўйдингиз? Қани энди ўша суянган тоғларингиз? Ишонган боғларингиз? Дўстларингиз олиб кетган эллик минг сўлковой колхоз пули, кимнинг гарданига тўшади? Яна қайси гуноҳингизни айтай? Ўн гектар ошиқча ерни ҳаркимларга томорқа қилиб бўлиб берганингизни айтайми? Ё, олмошлаб экишни барбод қилиб агротехника қоидаларини бузганингизими? Бу ҳол тасодифий ҳол эмас. Бу ҳол янгиликка, илму ма'рифатга қарши бўлганингиздан. Сиз илгарига қараб силжишдан қўрқасиз! Турган-битганингиз — кони эскилик. Сиёсий савод йўқ. Оламдан беҳабарсиз! Хатоларнинг сабаби мана шу ерда! Сиз илгари оқар дар'ё эдингиз, энди эса кўлмак сувга айланиб қолдингиз. Кўлмак сув эса бузилади, айнийди, чирийди. Маркснинг яхши бир сўзи бор: „Чириган бармоқнинг жазоси — кесиб ташлаш!“.

Дадавой (*пичинг қилиб*). Маркс, боласи отасини шарманда қилсин ҳам деганми?

Баҳор (*пичинг блан*). Маркс, партия олдида ота ҳам, бола ҳам баробар, партия ишига, халқ ишига, оилавий муносабатларнинг алоқаси йўқ, деган! (*Утиради.*)

Дадавой. Илминг дуруст... қизим... Аммо менга баҳо беришга оалик қилади. Менга сен эмас, халқ баҳо беради!

Қодир. Халқ сиздан норози. Халқ сиздан хафа.

Дадавой. Бўса бордир. Колхозда менга қарши халқни оёқлантирадиганлар, менинг мансабимга кўз тикканлар кўпайиб қолди.

Қодир. Ҳали сиз шунча гаплар ҳасаддан, ғаразгўйликдан, деб, ўйлайсизми?

Дадавой. Бўлмасачи?

Қодир. Бу энди ҳаддан ташқари! Биз сизни бунчалик ўжар деб, ўйламаган эдик, Дадавой ака! Шунча гаплардан кейин, қилмишингизга яқун ясарсиз, кўзингиз очилар, нуқсонларингизни, хатоларингизни кўрарсиз, айбингизга иқрор бўларсиз, деган умидда эдик. Коммунист одамнинг хато қилиши ёмон, аммо, хатони бўйнига олмаслик, ўжарлик, ундан ҳам ёмон!

Дадавой (*дўнғиллаиди*). Иқрор бўладиган айбим йўқ!

Қодир. Ҳали ҳам кеч эмас, айбингизга иқрор бўлинг...

Дадавой. Бўлмайман! Қўлларингиздан нима келса ўшани қилаверинглар! Мен, силар блан тегишлик жойда гаплашаман. Дадавой ака тўртта дўқ блан тавба қиладиган анойи эмас.

Ўрмон. Э, бўлди! Таклифни овозга қўйинг! Партиядан ўчирилсин?

Музаффар. Менда бўлак бир таклиф бор.

Қодир. Марҳамат!

Музаффар. Ҳозир, Дадавой ака қизиб турибди... Нимаки деса, жаҳл устида деяпти... Неча йилдан бери танқид емаган одам... Бирданига шунча танқидни ҳазм қилиб олиши қийин... Ҳурбат берайлик, совисин, бу ерда бўлган гапларни ҳўб танасига ўйлаб кўрсин. Ўзича мулоҳаза қилиб боқсин. Кейин охириги сўзини сўзласин. Агар кейин ҳам шу ўжарлигида турадиган бўлса, уволи

ўзига! Ҳозир мажлисни тўхтатиб, давомини эртага қилайлик. Қизиқ устида пала-партиш иш қилиб юбориш ярамайди.

Овозлар. Тўғри... тўғри... Ма'қул гап. Имкон берайлик.

Қодир. Қаршилик йўқми?

Овозлар. Йўқ, йўқ!

Қодир. Бўлмаса, ҳозирча мажлис ёпиқ... Давоми эртага.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Қабулхона. Ўнг томонда раиснинг кабинетига, чап томонда парткомнинг кабинетига кирадиган эшик. Эшикларнинг бирига „Раиснинг кабинети“, иккинчисига „Партком кабинети“ деб, ёзилиб қўйилган. Тўғрида деразалар. Деразаларнинг ўртасида колхоз секретарининг столи. Бир чекада шкаф, бир чекада эски диван. Девол ёнларида скамейкалар, стуллар. Деволларда доҳийларнинг расмлари, ҳархил шиорлар, плакатлар. Ҳакимжон ўз столида ўтириб, нимадир ёзмоқда. Парткомнинг кабинетига яқин скамейкада, бирқанча колхозчи ўтирибди. Раиснинг кабинетига яқин скамейка бўш. Ўтирганлар ичида: Тошмат, Паттихон, Нурматлар ҳам бор.

Нурмат. Раёо айткан вақтида, военничасига, соат 12—ю нольнольда келдим. Йўқ, айнаб қолибди, унамади, жанжал қилсам: бор, кучала еган ерингга бориб тириш, деди. Мен, кўрамиз, дедим. У. кўравер деди. Мен, устингиздан парткомга шикоят қиламан, дедим. У қилавер, деди. Мана, шикоят қилгани келдим. Қойил қибманми?

Тошмат. Жуда ҳам. Қодиржон урушдан бама'ни, одоблик, одил, забардаст бўлиб қайтибди. Албатта тўғрилаб беради. Идора-сига кириб ишини битказмай чиққан киши йўқ.

Ҳакимжон. Ҳалитдан Қодиржонга лаганбардор бўлиб қолиб-сизми, ота?

Тошмат (*жаҳли чиқиб*). Лаганбардорлик сендан бери келмасин ука! Тўғри гапни гапирсак ҳам лаганбардор бўламлими? Қойил бўлиш керак: партком бўлганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ, ҳалитдан ҳаммаёғни ағдар-тўнтар қиливорди. Устахонани кўрдингми? Иш қайнаб кетди, усталар кечаю-кундуз ишда. Уларни ким ишга солди? Қодир! Клубни кўрдингми, омбордан ҳам хароб бўлиб ётувди, қўғурчоқдек қилиб ясатиб қўйди? Ким ясатди? Қодир. Одамлардаги ҳаракат, шижоат, ғайратни кўраётибсанми, уларнинг юрагига ким ғайрат солди? Қодир? Шундай кишини махтасак, арзимайдими?

Паттихон. Ҳакимжон Қодиржонни ёмон кўради. Негаким, Қодиржон сабаб, укамнинг ҳам тағларига сув кетди. Укам шўрлик столидан кўрқади. Оҳ... столимни олиб кўйишмаса эди, қора кетманга солиб кўйишмаса эди, деб, кечаю-кундуз ғам егани-еган. (*Ўтирганлар кулишади.*)

Ҳакимжон. Стол, деб, ўлиб турганим йўқ. Столга ишқибоз одамлар бўлса, олсин, икки қўллаб топшираман.

Паттихон. Топширсанг-топширмасанг, стол қўлдан кетди, деявер, ука!

Ҳақимжон. Кетса, кетар, столда ўтириб ҳаркимдан қўланса сўз эшитганимдан кўра, далада юриб кетман чопганим яхшироқ.

Тошмат. Ҳа, энди ақлинг кирибди, ука. Аллақачон шундай қилишинг керак эди. Беш йилдан бери идорада ўтиравериб моғолаб кетдинг! (*Кулишади*).

Паттихон. Ҳа, бундай, далага чиқиб пича шамоллаш ҳам керак, бўлмаса куя тушиб кетади, иним. (*Кулки*.)

Нурмат. Қодиржон, Ҳақимжонга ўхшаш буқадай йигитларни дала ишларига ҳайдаб, идора, хўжалик ишларига инвалидларни кўямиз, деб юрибди.

Ҳақимжон. Э, ҳали стилингни мен оламан, де!

Нурмат. Олсам олавераман! Нима, сен қилган ишни мен қилолмайманми! Ўнг қўл бут, бўлаверади! (*Қўлдошбува киради*.)

Қўлдош. Ассалом...

Тошмат. Келинг, Қўлдошбува!

Ҳақимжон. Раисками?

Қўлдош (*чўчиб*). Йўғе! (*Ўтирганлар кулишиб юборади*).

Тошмат. Ҳа, раис деса бунча чўчийсиз? Кириг!

Қўлдош. Э қуллуқ. Раиснинг олдиларига киравериб чарчаганмиз... Барибир иш чиқмайди. Қодиржоннинг олдига кирмоқчиман. Бормикан?

Тошмат. Ҳа, бор. Жиндак мажлис қилишаётибди, чамаси... Ҳозир бўшаб қолади.

Қўлдош. Ҳаммаларинг ҳам Қодиржоннинг олдига кирмоқчмисилар?

Тошмат. Ҳа. Ўтиринг (*Қўлдош ўтиради*.) Қанақа арзингиз бор?

Қўлдош. Қизим жўнидан... Бултур, ҳамманинг хабари бор, пахтада яхши ишлади. Бир сидра хўб махташдилар. Махташган сари қизим ғайратига-ғайрат қўшаверди... Бир кун келиб, ўзида йўқ хурсанд „Ота, суюнчи беринг, меҳнат куним олти юзга етди“ деди. Мен хурсанд бўлдим. Йўқ, ҳисоб-китоб вақтига келиб, нима бўлдию, қизимнинг меҳнат кунини бирдан тўрт юзга тушиб қолади. Нега бундай бўлди, деб сўраса, ҳечким, дурустроқ жавоб беролмайди. Завхоз борадию айбни табельчига қўяди, табельчи секретарга...

Ҳақимжон. Нима-нима?

Қўлдош. Ҳа... секретарь бухгалтерга, бухгалтер завхозга қўяди. Боринги, шундай қилиб ҳақиқат юзага чиқмайди... Шундан кейин, қизим оладиган нарсаларини ҳам олмай, хун бўлиб йиглаб келди. „Куппа кундуз кунини ҳаққимни ўғирлашиб кетаберадими?“ деди. Мен қизимга: „Менга нега гапирасан, раисга бориб гапир!“ дедим. Қизим: „Бормайман, раисдан ҳеч иш чиқмайди“, деди. Кейин раиснинг олдига ўзим бордим. Ҳамма гапни айтдим. Раис, хўб, суриштириб кўраман, деди. Ушандан бери, ҳали-ҳали суриштиради. У кунини Баҳоройни кўчада кўриб қолиб айтдим. Воқияни эшитиб бола фақирнинг кўп газаби келди. „Колхозда бировнинг ҳақини биров еб кетолмайди. Қодир акамга бориб айтинг, ҳаммасини тўғрилаб беради“ деди.

Тошмат. Рост айтибди.

Қўлдош. Лекин барака топкур, хўб ақллик, хушлик қиз бўлибдими!

Тошмат. Ҳаммасига ҳам илму-ма'рифат сабаб... Илму-ма'рифат!

Қўлдош. Шундай... шундай... Иш қилиб кўз тегмасин... Отасига ўхшаб кейин айнамасе бўлгани.

Тошмат. Худо хоҳласа, айнамайди.

Қўлдош. Бу, дейман, отасига ҳам тикка гапираверармиш-а!

Тошмат. Ҳа, гап келганда отангни ҳам аяма дейдиганлар шулар.

Қўлдош. Шу, сал чакки эмасмикан, Муллатошмат?

Тошмат. Халқни, деб, отасига қарши гапирса, яхши қилади. Умридан барака топсин.

Қўлдош. Шундай, шундай... Пича ёшда, бўмаса раис бўладиган сиёғи бор. Пўпасалик, ниҳоятда сиёсати ўткир кўрилади.

Тошмат. Бўса бугундек... Ақл ёшда эмас, бошда, дейдилар...

Паттихон. Аммо лекин жуда пар тушардида... Қодиржон партком... Баҳор раис бўлса... Колхоз бир йилга қолмай гуллаб кетарди...

Қўлдош. Бу, раисимизнинг қовоқ-тумшуқлари яна сал осилиб қолибдими?

Тошмат. Ҳа, кеча партия мажлиси бўлган, аптидан, мажлисда расо савалашганга ўхшайди.

Нурмат. Бу ҳали савалаш бўбдими? Савалашни эртага, умумий мажлисда кўрасиз! Умумий мажлис бир атака қилсин...

Тошмат (қулиб). Ўн иккию ноль-нольда...

Нурмат. Ҳа... капут!

Паттихон. Капут деганинг нима деганинг, ука?

Нурмат. Тамом... раисликдан тушди, деганим!

Паттихон. Раисликдан тушишга-ку тушди-я... лекин, қариганда шўрликка жавр бўладиган бўлди.

Нурмат. Нега жавр бўлади? Ўн йиллигини ғамлаб олган.

Паттихон. Мен, мол-дун'ени айтаётганим йўқ. Мол-дун'е ҳаммаиизда ҳам бор... Обру, одамгарчиликни айтаётибман... Халқ олдида беобрў бўлишдан ҳам ёмон нарса борми? Молу-дун'е топилди, аммо обру топилмайди...

Нурмат. Ўзидан кўрсин, халқ блан ўйнашмасин эди.

Паттихон. Шундай-ю... лекин ба'зан-ба'зан шўрликка ачиниб қўяман. Илгари жуда яхши киши эди... Бизга қанчалик яхшилиқ қилган... Раҳматлик эримни ҳам ташвиқот қилиб колхозга олиб кирган, одам қилган, ўзи эди... Шу, одам деган сра айнамасе... борган сари яхши бўлаверсе... Нима етмади унга? Нега айнади?

Тошмат. Давлатга мағрур бўлиб кетди.

Қўлдош. Атрофини ёмон одамлар ўраб олди... ёмон одамлар бузди.

• Нурмат. Халқдан ажраб қолди... партия йўлидан четга чиқди...

(Парткомнинг эшиги очилиб, ичкаридан Қодир, Музаффар, Урмонлар чиқишади. Утирганлар, парткомга ҳурмат юзасидан ўринларидан турадилар.)

Қодир. Ўххў жамоат жам-ку! Ҳаммаларинг ҳам мени кутиб ўтирибсиларми?

Тошмат. Ҳа...

Қодир *(Паттихонга)*. Сиз ҳойнаҳой ремонт жўнидан келгандирсиз?

Паттихон. Ҳа.

Қодир. Ҳал қилдик. Мана, Музаффар акага топширдик, эртадан бошлабоқ, ремонтга тушади.

Музаффар. Бугуноқ бошлаворамиз.

Паттихон *(қаттиқ ҳаяжонда)*. Вой отаме... нима десам бўлади... Илоё умрларинг узоқ булсин. Бола-чақаларингнинг орзу-ҳавасини кўринглар. Ҳаҳ, менга ҳам мурувват кўрғазадиганлар бор экан-ку! *(Рўмоли блан кўз ёшини артади.)*

Қодир *(қулиб)*. Йиғламанг, опа! Нега йиғлайсиз?

Паттихон. Хурсанд бўлганимдан йиғлайман, ука, хурсанд бўлганимдан. Йўқ, уйимни тузатиб бермоқчи бўлганларинг учун эмас... Бир оғиз ширин гап-айтканларинг учун хурсандман. Ҳали арз қилмасимдан бурун, арзимга жавоб ҳозирлаб қўйибсиз. Ахир бу қандай гап?.. Вой ўлмасам, мен нималарни деб додираб ётибман. Илоё севганингиз блан қўшақаринг! Омин облоҳу акбар! *(Узи дуо қилиб ўзи чиқиб кетади. Қолганлар қулишади.)*

Тошмат. Боши осмонга етди.

Қўлдош. Ҳа, одамда, одамга муомала керак! Муомала!

Қодир *(Ўрмонга)*. Бўмаса силар ишга тушаверинглар, мен улар блан гаплашиб кейин бораман!

Ўрмон. Хўб бўлади! Қани, юринг! *(Ўрмон блан Музаффар чиқиб кетади.)*

Қодир *(ичкарига таклиф қилиб)*. Қани, марҳамат!

Нурмат. Навбат кимники?

Қодир *(қулиб)*. Бу ерда навбат нима қилади? Ҳаммаларинг бирдан кираверинглар, нимаики арз бўлса бамаслаҳат қилаверамиз. Ё гапим чаккимиз, отахон?

Қўлдош. Жуда тўғри... Маслаҳатли тўй бузилмас, дейдилар.

Қодир. Ё яширин гапларинг борми?

Тошмат. Бе... ука, бизда яширин гап нима қилсин?

Қодир. Бўлмаса қани қиринглар! *(Ҳаммани ичкарига киргизиб юбориб, сунг ўзи киради.)*

Ҳакимжон *(ўзича)*. Ҳа... гап шунақа, Муллаҳакимжон. Стол қўлдан кетди деяверинг. *(Раиснинг эшиги очилиб ичкаридан қовоғини солиб Дадавой ака чиқади.)* Ёлғиз ўтириб зерикмадигизми?

Дадавой *(жаҳли чиқиб)*. Нега зерикар эканман?

Ҳакимжон. Жаҳл қилманг, хўжайин, шунчаки сўрадимда...

Дадавой. Одамларни қабул қилишдан бўлак иш қуриб қолибдими? Кирмаса кирмас! Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Ҳакимжон. Шундай дейсизу, лекин ғалати кўринар экан. Илгари одамлар кабинетингизга киролмай зор эди, энди милиса блан ҳам киргизиб бўлмайди.

Дадавой. Айни муддао, ғалвадан қулоқ тинч...

Ҳакимжон. Шундай-ю, лекин...

Дадавой. Нимаси лекин?

Ҳакимжон. Келадиганларнинг ҳаммаси, (*партком кабинетининг эшигини кўрсатиб*) манави эшикка кирамиз, деб, келадиган бўлиб қолишди.

Дадавой. Сатқисар... киришаверсин... Ҳозир янги... тахи бузилмаган... тахи бузилиб, тахири чиқсин, кейин билишади.

Ҳакимжон. Кейинини билмадим... Аммо ҳозир, кўз тегмасин, куёвингизнинг обрўи жуда ошиб кетди.

Дадавой (*тутақиб*). Нима учун куёвим бўлар экан? Аввал қизини олсин, кейин куёвим бўлади.

Ҳакимжон. Ҳа, энди оламан дегандан кейин, оладида. Сиздан сўраб ўтирармиди?

Дадавой. Олиб бўбди.

Ҳакимжон. Аслику қизингиз... биз боб эди-я!

Дадавой. Сен боб? Сенга қизим тугул итимни ҳам бермасман!

Ҳакимжон. Ҳа, биздан ҳам айнаб қолдингизми?

Дадавой. Сен одаммисан?

Ҳакимжон. Билмадим, ҳозирга қадар одам, деб, секретарь қилиб келдингиз чамаси.

Дадавой. Сен сатқайи одам кет! Одам бўсанг, шунақа бемаза гапларни гапириб ўтирармидинг?

Ҳакимжон. Э, ҳали бемаза гапларни эшитганингиз йўқ. Агар, бу ерда бўлиб ўтган бемаза гапларни эшитганингизда, чочингиз типпстик бўлиб кетарди.

Дадавой. Яна қандай гап бўлди?

Ҳакимжон. Э, сўраманг, айтиб бўлмайди.

Дадавой. Яна иғводурда.

Ҳакимжон. Иғво ҳам гапми, бу гапларнинг олдида иғвони еса бўлади.

Дадавой (*диванга ўтириб*). Ҳа, нима гап экан? Мени тошбўрон қилишмоқчимми?

Ҳакимжон. Тошбўрон қилсалар майлига эди-я... раисликдан тушириб, беобрў қилишмоқчи...

Дадавой (*пичинг блан*). Хурсанд бўлгандурсан?

Ҳакимжон. Нега хурсанд бўлай? Сиз қия бўб кетсангиз, мен ҳам кўшмазор бўламан.

Дадавой. Нафасинг кўкнорихонага урсин! Тилим бор, деб, ҳар нарсани гапираверасанми?

Ҳакимжон. Қандай қилай, гапирсам тилим, гапирмасам дилим куяди. (*Пауза.*) Шу, хўжайин, сизга бир маслаҳат бермоқчиман.

Дадавой. Сендан чиққан маслаҳат нима бўлар эди?
Ҳакимжон. Биламан, ҳамма мени беақл, дейди, лекин, дўппи тор келганда, беақлдан ҳам битта маслаҳат эшитиб қўйиш зарар қилмайди.

Дадавой. Нима демоқчисан?

Ҳакимжон. Уч ҳўкизнинг пулини олганича Сулаймон буёққа қараб кетди. Ўн тонна кунжаранинг пулини олганича, Мамажон буёққа қараб кетди.

Дадавой. Маслаҳатинг шуми?

Ҳакимжон. Йўқ, маслаҳат энди келади. Бу даромади.

Дадавой. Даромадингга тоқатим йўқ, буромадини айтиб қўяқол.

Ҳакимжон. Буромади шуки, муроса қилинг.

Дадавой. Ким блан?

Ҳакимжон. Қизингиз ва куёвингиз блан. Қолаверса, халқ блан...

Дадавой. Халқ блан муроса қилишим мумкин, аммо улар блан икки дун'ёда ҳам муроса қилмайман.

Ҳакимжон. Ҳа деб гувуллаб ёнавериш бўмайди... Бир кафт кул бўлиб қоласиз.

Дадавой. Кул бўсам бўламан, аммо буларга бўйин эгмайман.

Ҳакимжон. Кейин пушаймон бўласиз.

Дадавой. Майли, пушаймон бўлсам, бўлай...

Ҳакимжон. Партиядан ўчириб қўймасалар, деб, қўрқаман.

Дадавой. Э, қаёғда ўчиради! Мени партиядан ўчирадиган ҳали дун'ёга келгани йўқ! Шунчаки дўқ! Пўписа! Мени жиловлаб олиши Яххиси, буларга бўш келмаслик керак, бўш келдинг— бошингга чиқиб олишади.

Ҳакимжон. Хайр, нима ҳам дедик. Охири бахайр бўлсин. *(Хурсанд ҳолда Баҳор киради, Дадавойни кўриб, чопиб ёнига боради).*

Баҳор. Суюнчи беринг! Аравалар батамом ремонтдан чиқди! Усталар жуда ғайрат қилишворди.

Дадавой *(лоқайд)*. Жуда яхши қизим... жуда яхши.

Баҳор *(қовоғини солиб)*. Хуш хабар ёқмади, шекилик.

Дадавой. Нега ёқмасин! Мойдек ёқди.

Баҳор *(ғамгин)*. Киноя... Мен астайидил хурсанд бўларсиз деб уйлаган эдим...

Дадавой *(заҳарханда блан)*. Ҳали ҳам астайидил хурсандман... Ниҳоятда хурсандман!

Баҳор. Биз, сизнинг фойдангизни кўзлаб юрибмиз.

Дадавой. Ҳа, ана ўша менинг фойдамни кўзлаб юрганларинг учун ҳам хурсандман-да!

Баҳор. Бугун партия мажлисида ҳам ўжарлик давом этадими?

Дадавой. Ўзимни-ўзим ҳимоя қилсам, ўжарлик бўладими?

Баҳор. Бу ҳимоя эмас, ўз-ўзини хароб қилиш бўлади.

Дадавой. Ҳа, хароб бўлсак, битта нонхўр кам-да, қизим. Силарга дун'ё кенгайиб қолади.

Баҳор. Бу гаплар менга қанчалик оғир туйилишини билсангиз эди.

Дадавой. Нега билмай! Биламан! Боланинг сўзи отага қанча оғир бўлса, отанинг сўзи ҳам болага шунча оғир... биламан...

Баҳор (*Ғамгин*). Сизга сра бас келиб бўладиганга ўхшамайди.

Дадавой. Ҳа, бали қизим, ана энди ўзингга келдинг. Менга бас келиш қийин!.. Бекорга овора бўлиб юрибсилар! (*Партком кабинетидан хурсанд, кулишиб Қодир ва бошқалар чиқишади.*)

Қодир (*Қўлдошнинг киптига қоқиб*). Ҳа, баракалла, шундай бўсин! Силар ёрдам қилмасаларинг, биз ўзимиз ҳечнарса қилолмаймиз?

Қўлдош. Албатта. ёрдам қиламиз, ўғлим... албатта, ҳамма гапинг ма'қул. Шундай бўлиши керак. Гапларингга жуда ҳам қизиқиб қолдим, энди мен ҳам билагимни шимариб ишга тушмасам бўлмайдиган бўлиб қолди. Энди уйда тек ётолмайман. Ҳали ёшман, саксонга борганимча йўқ! (*Кулишади.*) Аммо лекин кампирни ҳам ишга соламан... Ёш нарса ишласин... Энди олтимишга кирди... (*Кулишади.*) Бекорчиликдан ким барака топибди дейсан? Бекордан худо безор, деган гап бор. Ахир бизга лойиқ иш ҳам топилиб қолар? Кўчат-мўчат, боғ-моғ, лабай?

Қодир. Ҳа, қиламан, деса иш топилади. Дун'ёда нима кўп, иш кўп.

Қўлдош. Шундай, шундай... Хайр мен кетдим. Ҳа, бизникига тез-тез бориб тур... Ҳалигидақа яхши-яхши гаплардан гапириб бериб турасан.

Қодир. Албатта, албатта! (*Қўлдош кетади.*)

Нурмат. Энди маслаҳат шундай бўлдими?

Қодир. Ҳа, эртага расо ўнда олдимга келасиз.

Нурмат (*ҳарбийча*). Есть, ўртоқ парторг, ўну ноль-нольда олдингизда бўлиш! (*Ҳарбийларча юриш қилиб чиқиб кетади. Қолганлар кулишади.*)

Тошмат. Барака тояқур, хўб яхши, кўнглида кири йўқ йингит. Фақат қўлдан айрилгани чакки бўган.

Қодир. Қўлдан айрилса ҳам бошдан айрилган эмас. (*Дадавой акага кўз қирини ташлайди. Дадавой кинояга тушуниб қовоғини солади, ерга қарайди.*)

Тошмат. Ҳа, ҳаммадан ҳам бошдан, ақлдан айрилган ёмон. (*Ноқулай жимлик.*)

Қодир (*жимликни бузиб Тошматга*). Хўб бўлмаса, мен кечаси яхшилаб райкомга битта, колхоз правлениясига битта хат ёзиб қўяман. Эртага Нурматни жўнатаман.

Тошмат. Ҳа, шундай бўсин, тезроқ келиб ишга тушгани ма'қул. (*Чиқиб кетади, ноқулай жимлик.*)

Қодир (*Дадавойга*). Мажлис эсингиздан чиққани йўқми?

Дадавой. Нега чиқар экан? Тақдиримни ҳал қилмоқчисизу эсимдан чиқади?

Қодир. Тайёрландингизми?

Дадавой. Ҳа, тайёрман.

Қодир. Вақтингиз бўладими, мажлис олдидан пича гаплашиб олсак?

Дадавой. Ҳарқанча гапингиз бўлса, мажлисда гаплашаберасиз. Қодир. Сиз биздан бекорга хафа бўлиб юрибсиз, Дадавой ака! Дадавой. Бўлмаса пулга хафа бўлайми?

Қодир. Яхши эмас.

Дадавой. Яхши бўлмаса, ўзимизга тан.

Баҳор (Қодирга). Юринг, кетдик. Бу кишига гапиргандан кўра, деволга гапирган яхшироқ. (Кетабошлайдилар.)

Дадавой (дарғазаб). Менга қара! (Баҳор блан Қодир тўхтайдди. Қодирга.) Сиз кетаверинг, бу кейин боради. Гапим бор. (Қодир кетади, Баҳор отасининг олдига келади.)

Баҳор. Хўш?

Дадавой. Алоқангни уз, деб, неча мартаба айтдим?

Баҳор. Гапингиз шуми?

Дадавой. Ғазабимни қўзгама, оқибати ёмон бўлади! (Баҳор шарт бурилиб эшикка йўл олади. Дадавой дарғазаб, столда турган босмани олиб, Баҳорни урмоқчи бўлади.)

Ҳакимжон (Дадавойнинг қўлини ушлаб). Қўлингизга эрк беракўрманг... Шу етмай турибди, халос! (Дадавой оғир нафас олиб, диванга ўтиради. Ҳакимжон пиялага сув қуйиб, узатади.) Нафасингизни ростлаб олинг! (Дадавой сув ичади.)

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Дадавой акаларнинг уйи. Кечаси. Ҳечким йўқ. Бироздан сўнг, кўча эшигининг тарақлаб очилгани ва Дадавой аканинг ичкарига бақириб киргани эшитилади.

Дадавой. Йўқ, бунга чидайолмайман! Чидайолмайман! Чидайолмайман! (Кукрагига муштлаб, бақириб киради. Орқасидан, қовоғини солиб, энсаси қотиб, Хадича киради.)

Хадича. Бўлди бақирманг! Айб бўлади!.. Капкатта киши!..

Дадавой. Бақираман! Дод дейман, дун'ени бошимга кўтараман!

Хадича (кескин). Қилғилиқни қилиб қўйиб, энди дод дейсизми? Айб ўзингизда! Ўжар бўманг, ўжарлик бошингизга етади демабмидим!

Дадавой. Бошимга етган ўжарлик эмас, қизинг блан куёвинг! Йўқ! Йўқ! Чидолмайман! Чидолмайман! Ўзимни-ўзим ўлдираман! Осаман! Отаман!

Хадича (оғир, пичинг блан). Милтиғингизни олиб чиқиб берайми?

Дадавой. Кулма! Бу ерда куладиган ҳеч гап йўқ! Йиғлаш керак! Йиғлаш! Ахир кеча партиядан учирсалар, бугун раисликдан туширсалар, қандай қилиб чидайман? Қандай қилиб бош кўтариб юраман? Нима деган одам бўлдим?

Хадича. Нима, дун'ёда сиздан бўлак киши раисликдан тушмаганми? Кўникиб кетасиз.

Дадавой. Эҳтимол, раисликдан тушганимга кўникиб кетарман, аммо партиядан ўчганимга кўникиб кетолмайман! Партия-сиз яшолмайман! Бир мартаба партиядан ўчгандан кура, миңг мартаба ўлган яхшироқ! Партбилет жоним эди. Жонимни олиб қўйдилар. Энди мен жонсиз тана, қаққайган ёғоч, бир қоп гўшт, ўлган кишиман! Ўлган киши! (*Ғижиниб.*) Ҳа, қизим! Қизим! Сени шу умидлар блан ўстирувдимми!

Хадича. Қизингизда айб йўқ.

Дадавой. Ҳамма айб қизингизда. Муддаоси мени раисликдан тушириб ўзи бўлиш экан. Мана, муддаосига етди.

Хадича. Авваламбор сизни раисликдан туширган қизингиз эмас, халқ. Ундан кейин, қизингиз раис булган бўлса, ариза бериб бўлгани йўқ, халқнинг хоҳиши блан бўлди. Боринг, нариги уйга кириб ётинг, пича дам олинг! (*Дадавой оғир босиб ичкари уйга кириб кетади. Пауза. Хадича уйларни йиғиштиради. Ҳаяжон блан Баҳор киради.*)

Баҳор. Отам қани?

Хадича (*уйга имо қилиб.*) Ичкарида.

Баҳор (*овозини пасайтириб*). Аҳволи қалай?

Хадича (*гина блан*). Ёмон... Қариганда шўрликка жавр қилдиларинг...

Баҳор (*ғамгин*). Яхши бўлмади... Танқид қилсак тузалар, ўз айбига иқдор бўлар, тўғри йўлга тушар, деб ўйлаган эдик, бўмади... Ўжарлик бошига етди. Бунчалик бўлар деб ўйламаган эдим... Хунук бўлди... Рост айтаман, опажон! Рост! Жуда хунук бўлди! (*Ёниқ, аммо паст овоз блан юракдан.*) Дуруст, раисликдан тушишини билар эдим, тушиши ҳам керак эди, чунки бундан буёқ отамнинг колхозга раҳбарлик қилолмаслиги, колхоз тараққиётига тўғоноқ бўлиб колганлиги, ҳаммага аён эди. Аммо... Аммо ўрнига раис қилиб мени сайлашар, деб; ўйламаган эдим. Ана бу хунук бўлди... Ба'зилар сизни раис қиламиз, деганларида, силар хоҳлаганларинг блан, кўпчилик, халқ хоҳлармиди? Музаффар ака, Ўрмондек раисбоб одамлар турганида, мени сайлашармиди?—деб кулган эдим. Партия мажлисида раисликка номзодимни кўрсатишганларида, унамовдим. Йўқ мана... Бўлмади... Кўпчилик экан, дод-подимга қарамай саплаворишди.

Хадича. Яхши бўлди, қизим. Муборак бўлсин!

Баҳор. Ҳамма ҳам шундай деб ўйламайди. Ғовғо кўтаришдан муддаоси, отасини раисликдан тушириб, ўрнига ўзи бўлиш экан деб, ўйлаб юрганлар ҳам бордир.

Хадича. Отангдан бўлак, шундай деб ўйлайдиганлар йўқ. Фақат отангинга шундай деб ўйлаб ётибди.

Баҳор (*қизиб, овозини кўтариб*). Нотўғри ўйлайди! Мен амалпараст эмасман! Агар кўнглимда тариқча амал ҳаваси бўлса, оғиз-бурнимдан қоним келсин! (*Ичкариги уйнинг эшиги тарақлаб очилиб, Дадавой отилиб чиқади.*)

Дадавой. Ҳа, оғиз-бурнингдан қонинг келгани яхши! Улдираман! (*Баҳорга ташланади, Хадича унинг йўлини тўсади. Баҳор жим, тик турганича тураберади.*)

Хадича (*Бақириб*). Тўхтанг! (*Дадавой Хадичанинг авзойни кўриб ноиллож тўхтайди.*) Сиз ҳали, юраги, яккаю ягона фарзандининг меҳру-муҳаббатига тўлган онанинг қаҳру ғазабига дучор бўлмабсиз! Агар қизимга жимжилогингизни текизсангиз, мана шу қўлларим блан, соқолларингизни юлиб, кўзларингизни ўйиб оламан! (*Дадавой қизини урмоқ учун кўтарган қўлини, ихтиёрсиз настига туширади ва секин-аста орқасига тисарилади.*)

Дадавой (*Боҳорга*). Йўқол уйимдан! Йўқол, Менинг сендай қизим йўқ.

Баҳор. Яхши, отажон, кет десангиз, кетаман.

Хадича. Қизим кетса, мен ҳам кетаман.

Дадавой. Сатқи саримга! (*Баҳор, кийингани ичкари уйга кириб кетади.*)

Хадича. Сизга бу кўргуликлар оз! Сизни фақат партиядан ўчириб, раисликдан тушириш эмас, колхоздан ҳайдаш, ҳам керак.

Дадавой. Бўлмаса, шундай, деб ариза беринглар!

Хадича. Берамиз ҳам! Бўлди! Андеша қилиш шунчалик бўлади! Сизни, деб, қанча маломатга қолдик! Эшитдингизми, мажлисда менинг ша'нимга нималар дейишди? Раис хотинини ишлатмай, ойим тилла қилиб, уйга ўтқазиб қўйди, дейишди! Сизни деб эл оғзида қулки бўлдим, ёмон отлиқ бўлдим, ойим тилла деган ном ортдирдим! Мажлисда ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Ҳали ҳам юзимни тапти босилгани йўқ!

Дадавой. Айб ўзингда!

Хадича. Вой-вой! Бир чиройлик ишлаб юрган еримда, бўлди энди ишлама! Мен топган дун'ё етти пуштимизга етади, деб, мени уйга ўтқазиб қўйган сиз эмасмидингиз?

Дадавой. Ана энди йўл очилди, ишла!

Хадича. Ишлайман!

Дадавой. Қора кетманга туш!

Хадича. Тушаман, кетмандан ҳечким ўлган эмас! Кучим бор, ишлайман! (*Кийиниб, чемоданини кўтариб, Баҳор чиқади.*)

Баҳор. Қани, кетдик, ая!

Хадича. Кетдик! Кўрамиз, бизсиз қандай тирикчилик қилар экан! (*Она-бола чиқиб кетишади, Дадавой оғир, диванга ўтиради, пауза.*)

Дадавой. Ана оила... Ана хотин... Ана меҳру-вафо... Мени шу аҳволда ташлаб кетдилар-а! Хайр, пича койидим... Пўписа қилдим... Жаҳилдан... Аммо, дарров ташлаб кетишлари одамгарчиликдан бўлмади... Ё она-бола илгаридан тил бириктириб, койишимни кутиб туришканмиди? Ана шу... Омадинг келган пайтда, ҳамма агрофингда парвона... Бошингга бирор фалокат тушса — ҳамма қочади.. Ҳатто оиланг ҳам... (*Қодир киради, Дадавой Қодирни ғазаб блан қарши олади.*)

Дадавой. Ҳа, аҳволимдан кулгани келдингми?

Қодир (*жиддий*). Йўқ, йиғлагани келдим! Аҳволингиз куладиган эмас, йиғлайдиган.

Дадавой. Қўявер, ўзимга тан.

Қодир. Ҳали ҳам кеч эмас, ўжарликни ташланг... Қоматингизни тиклаб олинг!

Дадавой (*заҳарханда блан*). Э, шунақами? Қайнотангизга юрагингиз ачидими? Менга тасалли бергани келдингизми? (*Ҳазаб блан*.) Йўқ! Йўқ! Сен оғзимга сув томизгали келгансан! Обруйимни ер блан яксон қил, қоматимни бук, яна келиб: қоматингни кўтар, де! Бу, ярага туз сепиш! Бу, улганни устига кўмган! Бу, мендан кулиш! Ҳарқанча азоб берсанг бер, аммо кулишингга йўл қўймаман!

Қодир (*жиддий*). Бирси кунни райкомнинг бюроси... Бюрода сизнинг масалангиз ҳам кўрилади... Оғир бўлинг... Уйлаб иш қилинг... Бюро блан ҳазиллашиб бўлмайди... Ҳаётингиз қил устида турибти... Улдирадиган ҳам ўзингиз, тирғизадаган ҳам ўзингиз. (*Чиқиб кетади, оғир жимлик. Дадавой ўйда*).

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Райком секретарининг кабинети. Кузнецов берилиб, ниманидир ўқиб ўтирибди. Ёнида бир чойнак чой. Эшик товушсиз очилиб, секин Дадавой ака киради. Унинг юзида кўрқув, содда кийинган, кўрипиши „ғарибона“.

Дадавой (*бироз кутгандан кейин, секин*). Мумкинми? Кузнецов (*бошини кўтириб*). Ҳа, келинг, келинг! Қани, ўтиринг! (*Кўришади, ўтиришади*.) Хўш, аҳвол қалай?

Дадавой (*тушқин*). Э, сўраманг... Аҳвол ёмон...

Кузнецов. Да... Эшитдим... Эшитдим... Аҳволингиз ёмон... Болалар жуда қаттиқ кетишибди... Зарарсиз, суриштирамиз... Ҳақиқат қиламиз... Ўн йиллик партия а'зосини бирданига партия сафидан чиқариб юбориш, осон эмас...

Дадавой (*Кузнецовдан бундай хуш муомалани кутмаган эди. Беихтиёр йиғлаб юборди*). Э, садағанг кетай, бормисиз! Мени тириклай еб юборишди-ку!

Кузнецов. Йиғламанг! Йиғламанг! Ана халос! Капкатта одам! Айб бўлади... йиғламанг. (*Чой қуйиб узатади*.) Мана чой ичинг!

Дадавой. Мен шу кечаю-кундузда бир оғиз ширин сўзга мухтож эдим. Бир оғиз ширин сўз эшитдим, ўпкам тўлиб кетди, айбга буюрмайсиз. (*Рўмоли блан ёшини артади*.) Сергей Иванович, шу беш-олти кун ичида мен тортган азобни ҳечқим тортмасин. Ҳаркимдан дакки, та'на эшитавериб, юрагим қонга тўлиб кетди. Дардимни фақат сиз билдингиз, халос. Фақат сиздангина мулойим сўз эшитдим...

Кузнецов. Чой ичинг... (*Дадавой чой ичади*.) Хўш, нима деб айблашди, қани бир чекадан ўз оғзингиз блан айтиб берингчи?

Дадавой. Э, дун'ёда менга ортилмаган айб қолмади.

Кузнецов. Аниқроқ қилиб айтинг.

Дадавой. Эскилик тарафдори, янгиликка, илму-ма'рифатга қарши, деб, айблашди.

Кузнецов. Так.

Дадавой. Мағрур, жоҳил, орқада қолган, сиёсий саводи йўқ, деб калтаклашди.

Кузнецов. Так. Яна?

Дадавой. Хўш... бюрократ, одамларга дағал муомала қилди, колхозчиларга ғамхўрлик қилмайди, деб сўкишди...

Кузнецов (*папирос ёндириб*). Так... яна?

Дадавой. Хўш... Колхозда меҳнат интизомини бузган, танқид ва ўз-ўзини танқидни бўққан, деб савалашди.

Кузнецов. Так, так...

Дадавой. Хўш... Ёмон одамларга ён босган, колхоз мулкни ўғриларга талатиб қўйган, колхоз ерларини толон-торож қилган, колхоз уставини бузган деб, дўппаслашди.

Кузнецов. Так. Яна?

Дадавой. Яна нималар дейишди? (*Уйланади*.) Ҳа, икки йилдан бери пахта планини бажармади, пахта ҳосилини настига туширворди, деб гуноҳкор қилишди.

Кузнецов. Так, яна?

Дадавой. Муҳимлари шулар.

Кузнецов (*ўрнидан турди, уёқдан-буёққа, юради, пича уйланади*). Мен сизни виждонли, инсофли, партия ва ҳукуматга садоқатли киши, деб ўйласам бўладими?

Дадавой. Бўмасамчи, албатта!

Кузнецов. Бўлмаса, виждон ҳурмати, партия ҳурмати, ростини айтинг, шу хатолар содир бўлганми?

Дадавой (*пауза, уйланади, сўнг секин*). Ҳа, содир бўлган.

Кузнецов. Демак, танқидлари тўғри?

Дадавой (*ноилож*). Тўғри...

Кузнецов. Модомики шундай экан, нима учун айбингизга иқрор бўлмадингиз?

Дадавой (*айбдорларча, бошини қуйи солиб*). Энди, ўзим ҳам ҳайронман... Мазмунни мағрурлик, ўжарлик ҳалал берди чамаси...

Кузнецов. Ҳа, балли! Ана энди ўзингизга келдингиз... Ҳамма бало шунда; мағрурликда, ўжарликда...

Дадавой. Шунда-ю... лекин бир чекаси, уларда ҳам айб бор-да! Улар сизга ўхшаб ётиғи блан гапирганлари йўқ-да!

Кузнецов. Демак, гап мазмунда эмас-у, шаклда... Танқидлари тўғри-ю, тиллари аччиқ...

Дадавой. Ҳа, ўлманг!

Кузнецов. Қандай қилишсин, аввал хўб ётиғи блан айтиб кўришипти, писанд қилмабсиз. Кейин уларнинг ҳам тоқати тоқ бўлган, аччиқ-аччиқ, ботириб-ботириб гапирган, сиз эса, нафсониятимга тегди, мендай эски раисни, кечагина фронтдан келган, мактабдан янги чиққан тумшуғи сариқ, жўжалар танқид қилдими, деб ғазаблангансиз, бор бўмаса деб, тўнингизни тесқари ки-йиб олгансиз...

Дадавой. Э, ўлманг, худди дилимдаги гапни топиб гапирдингиз!

Кузнецов. Кейин, асосий масала бир чекада қолиб кетиб, гапни шахсиятга буриб юборгансиз... Танқид қилганларни туҳматчи, амалпараст, деб айблагансиз ва шу блан гуноҳингизга гуноҳ кўшгансиз...

Дадавой (*тушкун овоз блан*). Шунда-ю, лекин, ҳақиқатда туҳмат ҳам қилишдилар-да.

Кузнецов. Масалан?

Дадавой. Масалан, умумий мажлисда, биттаси чиқиб, мени совет ҳукуматига қарши, деди. Ахир бу туҳмат-да! Ахир, мени одам қилган, менга бахт берган совет ҳукумати-ку! Ахир мен қандай қилиб ўз ҳукуратимга, жонимдан азиз, жонажон совет ҳукуматига қарши бўлаоламан?

Кузнецов. Гапларингизга ишонаман, астойдил гапираётибсиз. Аммо совет ҳукуматига бўлган садоқотни сўз блан эмас, иш блан исбот қилиш керак. Ба'зи кишилар бор, совет ҳукуматига бўлган садоқатларини, доим гапириб юрадилар, аммо, кўпинча, гаплари блан ишлари айри чиқиб қолади. Оғизда совет ҳукуратини ёқлайдилару, амалда қарши иш қилиб қўядилар. Мен душманлар тўғрисида гапираётганим йўқ. Уларнинг йўли бошқа. Улар қасдан қиладилар. Мен ўзимизникиларни айтаётиман. Уларнинг кўнглида ҳақиқатан ҳам совет ҳукуратига садоқат, муҳаббат бор. Лекин улар, нўноқликлари, тушунмасликлари, калтабинликлари, бепарволиклари орқасида, ба'зан, қандай қилиб, совет ҳукуратининг зарарига иш қилиб қўйганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Менимча, сиз ҳам ўшанақа одамлардансиз.

Дадавой (*чўчиб*). Йўғе!

Кузнецов. Да! Да! Да!.. Мана қулоқ солинг, таҳлил қилиб кўрайлик. Совет ҳукурати колхозни ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамла дейди. Сиз эса, бўшаштириб юборгансиз. Совет ҳукурати колхоз уставини бузма, дейди — сиз эса бузгансиз. Совет ҳукурати халққа яхши муомала қил дейди, сиз эса дағал муомала қилгансиз. Совет ҳукурати йилдан-йилга пахта ҳосилини ошир дейди, сиз эса икки йилдан бери пахта планини бажармагансиз... Хўш, қани, ўзингиз айтингчи; натижада нима бўлиб чиқади? Натижада бу қилган ишларингиз, совет ҳукуратининг зарари бўлиб чиқмайлими? Гап шундай экан, кўкрагингизга уриб: мен совет ҳукуратини яхши кўраман деганингиздан нима фойда? Ким ишонади?

Дадавой (*оғир*). Нафсамбирга гапларингиз тўғри.

Кузнецов. Ҳа! Халқ, партия оғзаки сўзга қараб эмас, ишга қараб баҳо беради. Сиз бу ҳақиқатни яхши фаҳмлаб олмагансиз. Агар фаҳмлаб олганингизда, танқидларга ҳам дарров тушина-қолардингиз. Ўз-ўзини танқидга амал қилиб, нуқсонларингизни ўзингиз очиб ташлардингиз, ўз айбингизга ўзингиз иқрор бўлардингиз.

Дадавой. Мундай-ю... Лекин ўз-ўзини танқид хила оғир гап. Бошқаларни билмайман, аммо менга шундай туйилади. Кўпчиликнинг олдига чиқиб, мен ундай хато қилдим, мен бундай хато қилдим, тушунмаган эканман, тавба қилдим дейишдан оғир гап йўқ.

Кузнецов (*мийғида кулиб*). Шубҳасиз, оғир... Ундай бўлса бошқаларнинг танқидига тан беринг эди-да!

Дадавой. Буниси ундан ҳам оғир.

Кузнецов (*наша қилиб кулиб юборади*). Оббо, Дадавой ака-е! Тўғри... Тўғри айтасиз... Кўпчилик росо оловингизни чиқазиб тандиқ қилгандан кейин, секин туриб: танқидларинг тўғри, хатоларимни бўйнимга оламан, дейиш, хила оғир...

Дадавой (*жонланиб*). Айниқса, одамлар истехзо блан башарангизга тикилиб, ичида: „Энди ҳорма! Ҳолинг шу эканку! Бу кунингдан баттар бўл!“ деб турган пайтда...

Кузнецов. Ҳамма ҳам ундай қимайди.

Дадавой. Ҳа, шунақа, дўппи тор келиб турган пайтда, аламини оладиган одамлар ҳам бор-да!

Кузнецов. Улар шахсиятпараст, енгилтак одамлар.

Дадавой. Ба'зи одамлар бўлади: „Мен танқидни яхши кўраман, танқид қилсалар хурсанд бўламан“ дейди. Ҳатто танқид қилишаётган вақтларда, гапларинг тўғри, дегандек қилиб, бош силкитиб, кулиб ўтиради. Мен шунақа одамларга сра тушунолмайман.

Кузнецов. Улар ё танқидни севмайдиган одамлар, ё танқидга тушунмайдиган одамлар. Кўпинча танқидни севмайдиган одамлар танқид вақтида хўжа кўрсинга кулиб ўтирадилар, уларнинг юзи кулади-ю, ичи йиғлайди. Улар кўпчилик олдида танқид қилган кишига қараб: „Қойилман, тўғри танқид қилдингиз, сиздан хурсандман, раҳмат“ дейди, ҳатто қўлини маҳкам сиқиб ҳам қўяди. Аммо ичида, хўб сеними, вақти келар, қасосимни оларман, дейдию, танқид қилган кишининг пайига тушади. Бундай одамлар, бевурд одамлар.

Дадавой. Шу, ба'зан ўйлайман, хато ҳам қилинмаса-ю, танқид ҳам ейилмаса...

Кузнецов. Гап хато қилиш қилмасликда эмас, гап — содир бўлган хатони дарҳол фаҳмлаб, дарров йўқотишда. Ўз вақтида нуқсонларнинг олдини олишда, танқид ва ўз-ўзини танқидни ишга солишда. Танқид ва ўз-ўзини танқид тараққиётимизнинг асосий қонуни. Ўртоқ Сталин шундай деб ўргатади. Бусиз бир қадам ҳам илгарига қараб силжиш мумкин эмас. Агар қолоқлик, нуқсон, хато оёғимизга кишан бўлиб, бизни йўлдан қўйса, бу кишанни парчалаб, илгариларимизга имкон берадиган танқид ва ўз-ўзини танқид.

Дадавой. Тўғри айтасиз... Лекин, шу, танқид ва ўз-ўзини танқидни қабул қилиш ва ҳазм қилишнинг ўнгғайроқ бир йўли топилса...

Кузнецов. Ўнгғай йўли йўқ. Танқид ва ўз-ўзини танқидни қабул қилиш ва ҳазм қилиш осон эмас. Бунинг учун мардлик, жасорат ва ирода керак.

Дадавой. Назаримда шулардан менда камроққа ўхшайди.

Кузнецов (*кулиб*). Менинг назаримда эса, сра ҳам йўққа ўхшайди.

Дадавой (*кулиб*). Бундай деса ҳам бўлади.

Кузнецов. Лекин истасангиз, иродалик бўлишнинг ҳам йўли бор. Мард бўлишнинг ҳам.

Дадавой (*жонланиб*). Э, ўша йўлини кўрсатинг! Мен ўша йўлини тополмай гаранман!

Кузнецов. Йўли шуки, сиз ўз шахсий манфаатингизни халқ манфаатидан, партия манфаатидан юқори қўйманг! Майли, менинг шахсий манфаатимга зарар етса-етсин, аммо халқимнинг, партиямнинг манфаатига зарар етмасин, деб ўйланг! Ана шунда, мардлик ҳам, жасорат ҳам, ирода ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлади. Нима учун капитан Гастелло ёниб турган самолётни душман цистерналарига олиб бориб урди? Нима учун тўпчи Эрийгитов кўксини пулемётнинг ўқларига қолқон қилди? Нима учун Зоя бошини дорга қўйди? Бу, мисли кўрилмаган мардикнинг сабаби, манба'и қаерда? Халққа бўлган муҳаббатда! Ватанга бўлган садоқатда! Халқини, Ватанини астойдил севган одамлар, ҳечвақт, ўз шахсий манфаатларини халқ манфаатидан юқори қўйолмайдилар! Улар: майли биз ҳалок бўлайлик, аммо халқимиз мангу яшасин, майли биз қурбон бўлайлик, аммо Ватанимиз галаба қозонсин, деб ўйладилар. Қани, энди ўзингиз айтингчи, одамлар халқ манфаатини, Ватан манфаатини ўз шахсий манфаатларидан, ҳатто ўз ҳаётларидан юқори қўйиб, кўксини ўққа тутса-ю, сиз блан биз танқид ва ўз-ўзини танқидни қабул қилолмасак, ҳазм қилолмасак...

Дадавой (*бетоқат*). Бўлди... Бўлди, Сергей Иванович, ортиқча гапга ҳожат йўқ. Тушундим, кўзим мошдек очилди. Елкамдан тоғ оғдарилгандай енгил тортидим... Мен ҳам юрган эканман, партбилетни кўтариб, коммунистман деб... Э, юз ҳайф мандақа одамга!

Кузнецов (*кулиб*). Хўш, энди айбингизга иқрор бўласизми?

Дадавой. Э, бўганда қандай, ҳамма айбларимга иқрор бўлман, ҳали бошқалар томонидан айтилмаган айбларим ҳам бор, энди уларни ҳам, ўзим айтиб бераман.

Кузнецов. Ундай бўлса эҳтимол, ишингиз ўнгалиб кетар.

Дадавой (*енгил тортиб*). Айтганингиз келсин! (*Илтижо блан.*) Сергей Иванович, майли, мени аяманглар, бундан ҳам қаттиғроқ танқид қилинглар, майли, қаттиқ партия жазоси беринглар, розиман... Лекин, партиядан ўчириб юбормасаларинг бўлгани... Сергей Иванович, мен партиясиз яшолмайман!.

Кузнецов. Партияга шунча садоқатингиз бор экан, нима учун бу садоқатга доғ теккиздингиз?

Дадавой. Энди, Сергей Иванович, тирик жон нуқсондан ҳоли бўлмас экан. Ойда ҳам доғ бор дейдиларку.

Кузнецов. Ойда доғ бўлса бўлар, аммо сиз блан бизда доғ бўлмасин! Шунга ҳаракат қилишимиз керак. Гуноҳларингиз катта. Агар сиз қилган гуноҳнинг ярмини бошқа одамлар қилган бўлса, аллақачон партиядан ўчириб, колхоздан ҳайдаган бўлар эдик. Лекин эски хизматларингизни назарга олиб, айбларига иқрор бўлади, хатоларини иш блан тузатади, деган умид блан сизни сўямоқчимиз.

Дадавой (*қаттиқ ҳаяжонда*). Раҳмат, Сергей Иванович, раҳмат...

Кузнецов. Бундан кейин босадиган ҳарбир қадамингизни пайқаб босинг. Партия бир кечиради, икки кечиради, ҳа, деб, кечиравермайди. Олижанобликнинг, марҳаматнинг ҳам чегараси бўлади. Агар бундан буёқ зиғирча бўлсин, хато қилсангиз, халқдан марҳамат кутманг. Бошингиз олтиндан бўлса ҳам, баҳрингиздан ўтади.

Дадавой. Бундан буёқ партия йўлидан қилча тойсам, аяманглар, уволим ўзимга!

Кузнецов. Ҳозирча сизга рухсат, кечқурун бюрога етиб келинг.

Дадавой (*ўрнидан туриб*). Жоним блан!

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Дадавой акаларнинг уйи. Ҳечким йўқ. Бироздан сўнг, хурсанд ҳолда Дадавой ака киради. Аммо ичқарига киргач, қовоғини солади.

Дадавой (*атрофга қараб*). Бу ишим-ку ҳал бўлди... Энди буёғи қандоғ бўлади? Энди нима қилдим? Қайтиб келишармикан? (*Пешонасига уриб*.) Ҳе одам! Ҳе, жоҳил!

(*Ичқариги уйнинг эшиги очилиб, Хадича чиқади. У ўзини худди ҳеч воқиа юз бермагандай тутлади. Дадавой лол.*)

Хадича. Хуш келибсиз.

Дадавой (*эсини йиғиб олиб хурсанд бўлганидан бақариб юборади*). Хадича!.. Шуердамисан! Ҳалиги... Уйдამисан?

Хадича. Ҳа, уйда бўлмай қаёқда бўлардим?

Дадавой. Э, хайрият, мен ўша кетканларингча кетдиларинг, деб ўйлаб эдим. Мендан хафа бўганинг йўқми?

Хадича (*кулиб*). Хафа бўлиб қаёққа борардим? Хафа бўладиган бўлсам, ўттиз йилдан бери хафа бўлардим. Нимаики десангиз, жаҳл устида дедингиз-да...

Дадавой. Фаросатингга балли, хотин... Шунинг учун ҳам сени жонимдан азиз кўраман-да... Дарҳақиқат ўша кунини нимаики десам, жаҳл устида дедим... Силарга қаттиқ гапириб қўйиб, кейин хўб пушаймон бўлганман.

Хадича. Шунақалингизни билиб хафа бўлмадим-да.

Дадавой. Ана бу — вафо, ана бу — салоқат.

Хадича (*кулиб*). Ўртоқ Кузнецов тилингизни жуда ширин қилиб қўйибдимми?

Дадавой. Э, сўрама, Кузнецовда гап кўп экан. Турган-битгани ақл... Одоб. Мен илгари билмай, у кишидан ранжиб юрган эканман. Гаплари мулозим, беозор, бама'ни, етуқ, гапга жуда чапдаст одам экан... Қандай қилиб айбонини бўйнингга қўйиб қўйганини ўзинг ҳам билмай қоласан: Худди кишини сиҳрлаганга ўхшайди... Ўша киши сабаб бўлдию, партиядан қолдим! (*Ёнидан партбилетини чиқариб, ғурур блан.*) Мана партбилетим!

Хадича. Муборак бўлсин!

Дадавой. Хурсандмисан?

Хадича. Хурсанд бўлганда қандоқ! Худди гўр оғзидан қайтиб келгандай бўлдингиз.

Дадавой. Гапинг тўғри... Гўр оғзидан қайтиб келдим. (*Партбилетига қараб.*) Жонимни бир олиб қайтиб бердилар. (*Партбилетини ўниб ёнига солиб қўяди.*) Ҳа, айткандай, у кунни сен, ишлайман, дединг... Шу гапни жаҳл устида айтдингми, ё астойдилми?

Хадича. Астойдил... Ишлаб ётибман ҳам. Қулдошбуванинг звеносига кирдим.

Дадавой. Ҳа, жула соз. Шундай бўлиши керак. Халқ йўлида жонни аямаслик даркор. Ўз манфаатимиздан халқ манфаатини юқори қўяйлик, ана шунда омалимиз келади.

Хадича. Шундай... Шундай...

Дадавой. Аммо, лекин, жаҳлинг чиқмасин, сени ҳам бир танқид қилиб қўймоқчиман.

Хадича. Яна нима бўлди?

Дадавой. Пича субутинг йўқ... Гоҳ уёққа оғасан, гоҳ буёққа... Мустаҳкам бир фикринг йўқ.

Хадича. Ҳа, энди тирик жон нуқсондан ҳоли бўлмас экан. Ойда ҳам доғ бор дейдиларку.

Дадавой. Ойда доғ бўлса бўлаверсин! Аммо сен блан бизда доғ бўлмасин! Шунга ҳаракат қилишимиз керак.

Хадича. Бундан буёқ ҳаракат қиламиз.

Дадавой. Айткандай милтиқ қани?

Хадича. Яна ов қилмоқчимисиз?

Дадавой. Йўғ-е, кўзимдан йўқотмоқчиман.

Хадича. Ҳали ҳам йўқотдим... Бекитиб ташладим.

Дадавой. Ҳа, яхши қилибсан... Бу йил наҳоятда қаттиқ ишламоқчиман.

Хадича. Айткандек, бир хуш хабар эшитдик. Сулаймонлар қўлга тушибди, ростми?

Дадавой. Ҳа, рост... районда, тюрмада ётибди.

Хадича. Ҳа, гўрга-я.

Дадавой. Қаландаровни ҳам партиядан ўчириб, қамабдилар.

Хадича. Ажаб бўбди...

Дадавой. Хўш, бу, қизинг қалай? Ҳойнаҳой мандан хафадир?

Хадича (*ўсмоқлаб*). Ўзингиз қандай деб уйлайсиз? Хафа бўлиши керакми, ё йўқми?

Дадавой. Хафа бўлиши керак. Мандан ҳарқанча хафа бўлса арзийди. У бечора жонини жабборга бериб, мени ёмон йўлдан қайтармоқчи бўлибдию, мен нодон, унга, раҳмат, дейиш ўрнига дилини сиёҳ қилибман. Э, менга увол йўқ. Мен ҳозир бориб оёғига йиқиламан, узур сўрайман! (*Эшикка томон йўл олади.*)

Хадича. Шошманг. (*Дадавой тўхтади.*) Шу ерга чақириб берақолай?

Дадавой. Келармикан?

Хадича. Илтимос қилиб кўрамизда.

Дадавой (қайтиб). Ҳа, майли бўлмаса, олдин бир ош қилиб юбор.

Хадича. Ош тайёр. Ичкарида дастурхон солиғлиқ. Ҳамма нарса муҳайё.

Дадавой. Бўлмаса, чақириб кел!

Хадича. Ҳозир! (Чақиради.) Баҳор! Ҳо, Баҳор! (Ичкариги уйнинг эшиги очилиб, Баҳор, Музаффар, Ўрмон, Тошмат, Нурмат, Паттихон чиқишади. Дадавой шошиб қолади.)

Баҳор (отасининг кучоғига ташланиб). Отажон, табрик қиламан.

Дадавой (шошиб ҳаяжон блан қизининг пешонасидан ўпади). Раҳмат, қизим, раҳмат...

Музаффар. Эшитиб кўп хурсанд бўлдик. Бюрода жуда баҳодирлик кўрсатибсиз. Айбларингизни дангал бўйингизга олибсиз.

Дадавой. Қаранг, Мулламузаффар... Аллақачон шундай қилишим керак экан. Агар бошидаёқ айбларимга иқрор бўлсам, иш бунчаликка бориб етмас экан. (Қодир киради.)

Қодир (кулиб). Ўтган ишга саловот!

Дадавой (Тошматга). Келинингиз келдими?

Тошмат. Ҳа келди... Ишга тушиб кетди.

Дадавой. Ҳа, хайрият. (Паттихонга.) Уй ремонтдан чиқдим, келин?

Паттихон. Ҳа, битириб олдим.

Дадавой. Ҳа, яхши бўлибди... (Нурматга.) Сенинг ишинг қалай, жигар?

Нурмат. Военнийча! Ҳаммаси гатоп!

Тошмат (кулиб). Буники доим ўн иккию ноль-ноль! (Кулишади.)

Дадавой. Жуда хурсандман! Ҳаммаларингдан узур сўрайман. Ҳаммаларингдан миннатдорман. Мен жар ёқасига бориб қолган эканман, силар кўплашиб қўлимдан ушлаб қолдиларинг. Раҳмат. (Баҳорга.) Энди раис, менга битта звенони берасиз!

Баҳор. Биз маслаҳатлашиб, сизни ҳосилот қилмоқчи эдик.

Дадавой. Йўқ, қуллуқ, ҳосилотликка Мулламузаффар боб. Мен қайтадан, бошидан ҳижжалаб чиқмоқчиман. Менга звенони берасилар. Мен бу йил ҳар гектаридан юз центнердан пахта беришни зиммамга олиб, колхоздаги бошқа звеноларни орқамдан эргаштирмоқчиман. Пахта ҳосилини оширмоқчиман. Бюрода шундай, деб, ва'да бериб келдим.

Баҳор. Жуда соз. Майли, илтимосингизни қабул қиламиз. Ишингизга муваффақият тилаймиз... Бу йил астойдил гайрат қилайлик, „Навбаҳор“ ҳақиқий Навбаҳорга айлансин!

Дадавой. Зора ишимиз ўнгидан келиб, кузда юзимизнинг шивитини ювсак. (Баҳор блан Қодирга.) Колхоз тўйига қўшиб, силарнинг ҳам тўйларингни қиливарардик! (Кулишади.)

Хадича. Қани, азиз меҳмонлар, ичкарига! (Ҳамма ичкарига қараб йўл олади.)

Т а м о м

ШУКРУЛЛО

БАХТ КУЙЛАРИ

СТАЛИН ҚОНУНИ ЯШАЙДИ МАНГУ!

Нақадар гўзалдир колхоз қишлоғи,
Бир нусха оқ уйлар тизилган қатор.
Меҳнат қилар чоллар, қизлар, йигитлар,
Менй бошлаб юрди кекса пахтакор.

Эшитдим бахтиёр чолнинг сўзини,
Оналарнинг алласини тингладим.
Хўп завқ блан, пахта терган қизларнинг,
Тракторчи ялласини-тингладим.

Ҳаммасининг мазмуни бир — шодликдир,
Чунки қувноқ ҳаёти бор, бахти бор.
Ҳаммасининг ўз эрки бор, ҳуқуқи,
Юрағи бор — пахтадай оқ, беғубор.

Барчасининг асоси ва сабаби —
Сталин яратган муқаддас қонун.
Бу — ҳаёт қонуни, инсон қонуни,
Бахтиёр халқларга мудом хос қонун.

Халқлар севган нарса абад йўқолмас!
Авлоддан авлодга мерос қолур у.
Халқнинг иқбол, эрки, орзуси бўлган —
Сталин қонуни яшайди мангу.

4/ХП—1948 йил

БАХТ ҚЎШИҒИ

Тонг отардек, илк баҳордек, юрак беғубор,
Қалб севинчи, эл таянчи, азиз доҳий бор.

Шодлигимнинг тўлқинини ўлчагичи йўқ,
Кунларимда қанча файз бор, ҳар оним баҳор.

Ўз эрким бор, ҳуқуқим бор, бахтли одамман,
Ҳар истагим қуёш каби доим барқарор.

Бахт қонунин ёзиб берган улуғ Сталин,
Барча умид, орзуларим қилинган изҳор.

Минг ташаккур, минг ташаккур азиз доҳийга,
Ҳаммамиз шод, ҳамма мамнун, ҳамма минатдор.

1948 йил

МИХ. ИСАКОВСКИЙ

ЎРТОҚ СТАЛИНГА

Кутган айём келди, ўталди муҳлат,
Муаззам еримиз топди барқарор.
Зафарингиз учун, эй падар, раҳмат!—
Меҳнатингиз учун — олий, улуғвор.

Сиз бизга эрурсиз чинакам падар.
Оғир кунда фақат ишондик Сизга.
Сизга ишонамиз қалбдан шу қадар —
Шу қадар ишонмасмиз ўзимизга.

Жангларда қилдингиз Сиз чин оталик,
Кураш блан ёвга берилди барҳам!
Рухсат этинг, Сизни қиламан табрик,
Ҳамда қўлингизни сиқаман маҳкам,—

Она юртимизга содиқлигингиз,
Донолигингиз ва шонингиз учун.
Ҳаётигиз поклиги, ҳақлиги, яна —
Бу — Сиз эканлигингиз, я'ни Сиз учун.

Раҳмат сизга, тенгсиз офат кунлари,
Бизни ўйладингиз, Сиз, Кремльда.
Чунки биз блан Сиз биргасиз доим.
Чунки, Сиз яшайсиз биз-ла бир элда.

1945 йил

МИРМУҲСИННИНГ эркин таржимаси

МИРМУҲСИН

ОЛТИН КУЗ

Повесть

I

Сотиболди колхоз идорасига киратуриб, эшикдаги харсанг тошга этигини тап-тап урди. Кейин, ичкарига кирди. Ювиб қўйилган полга жуда эҳтиёткорлик блан оёқ қўяр эди.

— Қаёқда эдингиз? — деди идорада ўтирган табельчи йигит, — ҳаммаёқни қидириб тополмасак-а! — Кейин у, телефонга ишора қилди: — Райкомдан сизни сўраяпти...

Сотиболди тупроқли қўлини икки ёнига артиб, стол устидан телефон трубкасини кўтарди.

— Алло. Мен, Сотиболди... Салом, ўртоқ Ҳақназаров. Тузик, жуда соз. — У бирнеча дақиқа жим турди „ма'қул“ ишорасини қилиб, бошини қимирлатиб қўйди. — Раҳмат, ёмон эмас, хўп бўлади...

Трубкани илди. Бир минутча телефон ёнида туриб қолди.

Эртага, соат 10 га райкомга бориши керак... Нима учун? Ўйлаб тополмади.

— Ҳа, ким экан? — деди табельчи.

— Ўртоқ Ҳақназаров.

— Ўртоқ Ҳақназаров? Ўртоқ Ҳақназаров эканларми, танимабман-а! — Табельчи ачингансимон бошини чайқаб қўйди. — Ўртоқ Турсунбоев, агар мумкин бўлса Тошболдиевни чақириб берсангиз. Илтимос қилардим... дейдилар. Ўртоқ Ҳақназаров хўп шинаванда одам-да... Бизнинг Хидирвой-чи, тўғри гапни ҳам дўқуриб айтади.

Сотиболди кулимсиради. Бироздан сўнг, табельчи ёнидаги стулга чўкди. Икки кафтини тиззасининг устига қўйди. Полга тушиб қолган изига қаради. Ундан кейин, деволга илиб қўйилган диаграммага, бирнеча йилдан буён турадиган ғўза коллекцияларига қаради.

— Сизда яхши тамакидан бор, деб эшитаман...

— Марҳамат, марҳамат, — деди табельчи йигит чўнтагини кавлаб...

Сотиболди Ҳақназаровни бундан беш йил илгари кўрган эди. Бу беш йил ичида у нималарни кўрмади ва не-не ишларни қилмади... Кетман чопиб юрган кезларида саратон офтобида куйган бадани кураш оловларида мағиз-мағизигача сингиб пишди. У жанг қилди.

Бундан беш йил бурун, Сотиболди партия сафига кандидат бўлиб ўтаётганида, райком бюросида шу Ҳақназаров: „Ўртоқ Топиболдиев, кам ўқийсиз!“ деган эди. Бу гап ҳали ҳам қулоғида. У ўшанда ёниб кетди. Шундан бери, бюрода ўтирган одамлардан қай бирини кўрса, хижолат бўлиб, қизарди.

Сотиболди эрта блан туриб райкомга отланди. Фронтдан қайтиб келишига онаси тиктириб қўйган янги костюм блан чуств дўпписини кийди. Шими бироз қисқа келгани учун, ўзининг икки ёни чиққан, ҳарбийча шими блан солдат этигини кийди. Келиноийсининг уйига кириб, бурчакдаги катта тошойнага қаради. Намланган сочларини таради, даҳанидаги иккита ҳуснбузарни сиқиб ташлади. Костюмини чўткалади...

Сотиболди райкомга етиб келганида, соат бешта кам ўн эди. У райком секретарининг қабулхонасига кирди. Рўпарада, телефон олдида ўтирган секретарь қиздан сўради:

— Ўртоқ Ҳақназаров бормилар?

Қиз Сотиболдига қаради:

— Сиз қайси ташкilotдан?

— Мен „1-Май“ колхозидан келдим. Ўртоқ Ҳақназаров чақирган эдилар.

— Топиболдиев бўласизми?

— Шундай.

— Кираберинг. Ўртоқ Ҳақназаров менга тайинлаб қўйган эдилар...

Сотиболди, „Биринчи секретарь“ деб ёзиб қўйилган эшикни очиб, ичкарига кирди.

— Салом.

— Салом, э, келинг.

Сотиболди Ҳақназаровнинг қўлини сиқиб кўришди, Ҳақназаровнинг ёнида ўтирган киши блан ҳам кўришди.

— Марҳамат, ўтиринг. — Ҳақназаров жой кўрсатди. — Бир минут. — У ёнида ўтирган киши блан МТС ишлари ҳақида бораётган гапини давом этдирди.

Ҳаво жуда иссиқ. Дим. Узоқдан пиёда келган Сотиболди ҳалдослар, лекин у буни билдирмасликка тиришарди. Шимининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонаси ва бурни устидаги терларни артди. Кўйлагининг юқори туғмасини ечиб, кўксини елпиди.

Ҳақназаров анча ўзгариб қолибди. Пешонасидаги ажинлари яна ҳам қалинлашибди. Икки чаккасидаги сочи оқарибди. Юзлари қорайган. Гаплари ҳам кексаларга хос, оғир ва сермақол. Унинг сўзи ва ҳарбир ҳаракатидан энди кексаликка бўйин қўйганлиги сезилиб турарди.

Сотиболди Ҳақназаровнинг юзига биринчи қарашдаёқ, беш йиллик кураш ва захмат худди шу одамнинг бошида бўлган экан, деб ўйлади. Аммо ҳали ҳам назарида „Кам ўқийсиз, ўртоқ Топиболдиев“, деяётгандай туйиларди. Ҳақназаров блан гаплашиб ўтирган кўк комбинезонли йигит хайрлашиб чиқиб кетгандан кейин, Сотиболди Ҳақназаровнинг ёнига яқинроқ борди.

— Хў-ў-ўш, Сотиболди, омон-эсон келдингми? Қара, қандай катта йигит бўлиб кетибсан. Яқингинада бола эдинг, мана, сенларни кўриб одам қувонади. Кампирингни кўрсам, „Менинг ўғлим қачон келаркан?“ деб бир пастда кўзёши қиларди. Кампир тушқури тоза севиниб қолди дегин... Қани гапир: қайерларда бўлдинг? Нима ишлар қилдинг?.. Ҳарбий даражаниг қандай. Ахир, сизлар блан гаплашишга муштоқ эдик. Қани гапир! Ўртоқларинг ҳақида гапир, жанглар, шаҳарлар ҳақида гапир. Бизлар урушга боролмадик...

Сотиболди бошини кўтарди.

— Анча шаҳарларда бўлдим; чегарадан ўтгандан сўнг Варшава, Лодзь, Познань, Одер бўйидаги Франкфурт, Берлин... Ҳарбий даражам старший сержант. Энди, Расулжон ака, кўриб келганимизни гапириб, адоқ қилиб бўлмайди. Бир бўш вақтингизни топиб, ҳаммасини айтиб бераман...

— Бўпти, жуда соз, бир отамлашамиз.

Ҳақназаров столдаги қўғозга қаради ва қўлидаги ручканинг орқасини тишлади. Кейин ручкани стол устидаги ойнага тикиллатиб урабошлади.

— Мен сени чақирган эдим, — Ҳақназаров рўмолчаси блан кўксини елпиётган Сотиболдига қаради.

— Ўзингга маълум, „1-Май“ колхози орқада қолапти. Районимиз бўйича ҳам оқсаётган колхоз шу. Ука, „1-Май“ колхозига ёрдам беришимиз керак. Уни кўтаришимиз керак! „1-Май“ колхози урушдан аввал қандай эди!..

II

Шағал тўкилган катта йўлнинг икки томонидаги ерлар „1-Май“ колхозига қарайди. Колхоз ерларини айланиб, узоқдан Катта Фарғона канали ўтади. Кунботар томондаги серҳосил, кўмкўк ерлар то Қум қишлоғигача чўзилиб боради. Қум қишлоғи тинч ва кўмкўк. Катта йўлнинг икки томонига ўтқазилган ёш тераклар бу йилдан остига соя ташлайдиган бўлиб қолди. Қишлоқнинг ғарб томонида пахта пункти блан элеватор бор. Элеватор атрофида янги усулда солинган қатор оқ уйлар, клуб, ҳаммом бор. Булар яқин вақт ичида пайдо бўлди. Элеватор ёнидан ўтадиган тош йўл поезд станциясига чиқади. Станциядан район маркази Шаҳрихон узоқ эмас.

Куз бўлди дегунча Қум қишлоғидаги колхоз бозорига турлитуман мевалар, қовун-тарвузлар тикилиб кетади. Майдонларга аравалар тўлади. Карвон саройда отлар тепишиб, хангиллашгани хангиллашган...

Кўмкўк Қум қишлоғи атрофида „Карл Маркс“, „Сталин“, „Фрунзе“ ва „1-Май“ колхозлари бор. Катта Фарғона канали қазилмасдан илгари бу ерлар сувсизликдан қовжираб ётарди. Шаҳрихонсойдан олиб келинган ариқ, Қум қишлоғига аранг етиб келарди. Яқин-яқинда ҳам Қум қишлоғи атрофида катта-катта ерлар ташландиқ ҳолда ётарди. Канал қазилгандан сўнг бу ерларда сув қаҳатчилиги йўқолди.

Тўрт томон поёнсиз, кўмкўк дала. Узоқ-узоқларда, туман ичида тоғ чўққилари соядек кўринади. Атроф-ёқда гуж, қуюқ дарахтларга ўралиб колхоз қишлоқлари ётади...

Сотиболди Деҳқонбой ота билан иккинчи бригаданинг дала шийпонига кетатуриб:

— Райкомда шунақа гап! — деди, сўзининг охирида.

— Тўғри, — деди секин Деҳқонбой ота. У бироздан кейин яна қўшиб қўйди: — Жуда тўғри...

Сотиболдининг эғнида анча ранги кетган ва ёқасини очиб қўйилган гимнастёрка. Соқоли қорайган. Бошьяланг. Фуражка тагида эзилиб ётган сочларини шамол ўйнайди, кўзлари устига олиб туширади. Унинг ёнида бораётган колхоз раиси Деҳқонбой ота — ўрта бўйли, чуваккина, 60 ёшлардан ошиб қолган киши эди. Бароқ қошлари остида икки кўзи ёниб турарди. Бир тутамгина чўққи соқоли бор. Кичкина гавдасини тик тутиб юради. Унинг икки қўли орқасида, икки кўзи ерда. Чол хаёлга ботган эди.

Ўртага сукут тушди. Улар анча ергача жим боришди. Шийпонга яқинлашганларида, деҳқонбой ота яна секингина „тўғри“ деб қўйди.

Улар шийпон лабига ўтиришди. Деҳқонбой ота яхтагининг чўнтагидан носқовоғини олиб, кафтига қоқди. Сотиболди қўлидаги газетани буклаб-буклаб этигининг қўнжига тиқиб қўйди. У узоқда, ғўза ичида юрган одамлардан кўз узмас эди. Деҳқонбой ота маромига етказмасдан, оғзидаги носни пуркаб ташлади.

— Қариб қолдимми дейман... — деди Деҳқонбой ота Сотиболдига қараб. — Дарҳақиқат, айтган гапларингиз тўғри.

Деҳқонбой ота хўрсинди. Юрагидан эзилди. У ерга қаради.

— Одамларнинг юзига қарагани уяламан. Бўлмаса, ўғлим, ўзингизга малум, илгари колхозимиз қандоқ эди. Тешабой Мирзаевнинг ҳам ҳаваси келар эди. Чарчаб қолдимми, қариб қолдимми, ақлим етмайди. Уйлайман, уйлайман...

У Сотиболдига қаради.

— Мени қўйинглар... Мен звено бўлиб ишлай... Сизлар бор. Сизларда янги куч, катта билим бор. Мана, Сиз, Кенжа, Ширмонхон... Сизлар раис бўлишдан ҳам каттароқ ўринларда ўтиришингиз керак бўлган одамларсиз. Ҳа! Мен буни яхши биламан. Райком ҳам яхши билади. Ўғлим Сотиболди, мен шу қарорга келдим. Шундоқ бўлсин. Меннинг етти пуштим шу ерда ўтган. Мени қочаяпти, деб ўйламанг. Ўз колхозим... Азбаройи, жоним ачигандан... Мен бу гапларни ҳозир сизга айтаяпман. Сизга айтишим ҳам керак...

— Сиз нималар деяпсиз, бобой?..— Сотиболди Деҳқонбой отанинг сўзини бўлди.

— Қариб қолдим!— деди Деҳқонбой ота Сотиболдининг юзига қараб.

— Биз бошқа нарсани гаплашмоқчи эдик. Гапимиз бошқаёққа ўтиб кетди-ку!— деди кулимсираб Сотиболди.

— Мен сизга бу гапни айтмоқчи эдим...

— Колхозимизда кексалар бор; Ҳосилот Тешабой тоға, Норота... Уларга айтиш керак эди.— Сотиболди кулимсиради.— Бу ҳеч қутилмаган гап.

— Йўқ, йўқ. Мен бу тўғрида янглишаётганим йўқ. Мен буни аввал сизга айтишим керак эди. Чунки сиз партия ташкилотчиси эмасиз...

Сотиболди жим бўлиб қолди. У бармоғини тишлади.

— Энди навбат ёшларга. Бизлар ҳам ўз вақтида хизмат қилдик.

— Мен сизнинг хизматларингизни инкор этмайман. Айниқса сизнинг хизматингиз жуда катта,— деди Сотиболди,— лекин мен бутун бошқа нарсани ўйлаган эдим... Гап қариликда эмас.

— Нимада?!— Деҳқонбой ота Сотиболдига қаради.— Бўлмаса нимада?!

Сотиболди индамади. Ўзини оғирликка солди.

— Ўғлим! Хўш, бўлмаса нимада?

— Нимада эканлигини билсак, бу гапларга ўрин қолмас эди,— деди секингина Сотиболди.

— Қарилик қандай бўлишлигини, қариликнинг кўчасидан ўтмай туриб, айтиш қийин!— Деҳқонбой ота бироз тутоқди. У ерга қаради. Бироздан сўнг яна гапирди.— Кўп юрсам нафасим қисади, ҳаллослайман. Илгаригидай дармоним йўқ. Бошим айланади.

— Тўғри,— деди Сотиболди.— Соғлигингизга э'tибор беришингиз керак. Ҳеч докторга бормайсиз. Ҳарқандай шаройитда ҳам дарднинг олдини олиш керак. Лекин, отахон, мен, ҳамма айбни ўз устингизга олаберганингизга қўшилмайман.

Деҳқонбой ота бошини икки кафтига қўйди. Ерга қаради.

— Колхоз учун сиз жавобгарсиз, тўғри! Бизларчи? Эҳтимол, бизлар кам ўйлармиз. Бунга нима, дейсиз? Бизлар деб мен колхоздаги ҳамма одамни айтмоқчи эмасман...

Деҳқонбой ота гапирмади. У қимирламади ҳам. Сотиболди чолдан куз узмас эди.

— Қариб қолдим, деганингизга қўшилмайман!

Деҳқонбой ота бирдан бошини кўтарди.

— Қариб қолдим, қариб қолдим, ўғлим! Етар...

— Қариб қолдингизми?

— Қариб қолдим! Менинг беташвишироқ яшашим учун ёрдам беринг. Мен қат'ий шу қарордаман!

— Неча ёшга бордингиз?

— 64.

— Ўртоқ Сталин 70 ёшда. Ўртоқ Сталин ўз вазифасини адо этапти-ку!..

Сотиболди Олтиной звеноси ишлаётган ерга келди.

Ҳаммаёқ кўм-кўк гўза. Тоғ томондан келган шамол гўзаларни чайқар, ах'ён-ах'ёнда битта-яримта қалдирғоч чарх уриб ўтиб қолар. Ҳаво дим.

Олтиной звеноси тушки овқат учун эгатдан чиқиб, ер четидаги сада тагида тўпланган эди. Бу звенода тўрт қизу-бир ўрта ёшли хотин бор.

Сотиболди, гўза ичидан чиқиб, қизлар ёнига келди.

— Ҳорманглар.

Сояда доира бўлиб ўтирган қизлар ўринларидан туришди.

— Келинг.

— Келинг...

— Утираверинглар, бемалол. Сотиболди қўли блан ишора қилди.

Нарироқда, ўрта яшар хотин овқатни косаларга сузарди. Уртага дастурхон ёзилиб, иссиқ кулчалар бурдалаб қўйилди.

— Утиринг, ўтиринг, ўртоқ Топиболдиев, — деди Олтиной.

Сотиболди Олтиной блан кўришмаганига бир ҳафта бўлган эди. Унинг „Ўртоқ Топиболдиев“ дейиши Сотиболдига қаттиқ тегди. „Демак, ўша куни ранжиган экан-да...“ Сотиболдининг нафаси тиқилди.

— Раҳмат...

— Э, ўтиринг, — деди Олтиной. — Нима, бизлардан уяласизми? Йўқ, шошиб, тирибман.

— Ҳай, ука, — деди овқат сузаётган ўрта яшар, семиз хотин, — ўтиринг, менинг сиз блан гаплашадиган гапим бор.

Сотиболди ўтирди. Қизлар ҳам ўз ерларига секин-секин чўкишди. Олтинойдан ташқари, ҳамма қизлар уятчан эди. Қипқизаришиб, ўзларини уёқ-буёққа солишарди. Гоҳо, бир-бирлари блан пичирлашиб, гаплашиб ҳам қўйишарди.

Хотин аввал Сотиболдининг олдига чиройли чинни косада шўрва келтириб қўйди.

— Қўлингиздаги қандай китоб? — Олтиной Сотиболдидан сўради. Муқоваси жуда чиройли экан...

— Шу китобни сизга олиб келдим, — деди Сотиболди, Олтинойга қараб. Қизлар Олтинойга қарашди. Олтиной қипқизариб кетди. Утган куни Ҳалима Мехринисога Олтиной блан Сотиболди ўртасида „яқинлик“ бор дегани унинг қулогига ҳам етиб келган эди. Унинг, бугун „Сотиболди ака“ демаганига ҳам сабаб шу эди.

Сотиболдининг Олтиной учун китоб олиб келиши миш-мишни тасдиқлагандай бўлди.

Ҳамма ер тагидан Олтинойга қарайди. Олтиной ночор табассум қилишга мажбур бўлди.

— Кўрайлик, — деди Олтиной.

Сотиболди китобни унинг қўлига берди. Қизлар Олтиной қўлидаги китобга эгилишди. Олтиной ўқийбошлади.

— „Повесть о настоящем человеке“. Уруш ҳақидами? Қизиқми?
— Жуда қизиқ, — деди Сотиболди.

Олтиной „албатта ўқийман“ дегандай қилиб, бош қимирлатди. У жуда хурсанд бўлди, лекин аллақандай „гап“ уни ичдан ҳижолат қилиб турарди.

— Ўқиб бўлганингиздан кейин ўртоқларингизга ҳам беринг. Одამни зериктирмайдиган китоб...

Олтиной яна „хўб бўлади“ ишорасини қилиб, бош қимирлатди.

Қизлар китобни варақлашакетдилар.

Овқат сузиб келган семиз хотин қизларга қаради.

— Китобни кейин ўқийсизлар, овқат совиб қолди! — Кейин у Сотиболдига мулоимлик блан: — Овқатга қаранг, — деди.

Қизлар қайноқ шўрвани пуфлашиб ичиша бошлади.

Бироздан кейин семиз хотин гап бошлади:

— Ука, мен сизга айтмоқчи эдим; бу йил уйим ремонт қилиниши керак... Менинг ҳам рустамдек ўғлим бор эди, урушдан қайтмади...

Семиз хотиннинг кўзига ёш келди, қошиғини косага қўйди.

— Тунундим, — деди Сотиболди. — Бу йил уйингизни яхшилаб ремонт қилиб берамиз, менинг гапимга ишонаберинг. Мана шу колхоздаги қизлар — қизингиз, йигитлар — ўғлингиз... Сизни ҳечқачон ташлаб қўймаймиз. Колхозга суялинг, козхоз сизга тоғдек суянчиқ...

Семиз хотиннинг гилтиллаб турган кўзлари илгаригидай яшнаб кетди. У қошиғини яна шўрвага ботирди. Сотиболдиннинг гапидан жуда қониқди, секингина „барака топинг“ деб қўйди.

Сотиболди, нариги бригадада уни Деҳқонбой ота кутаётганини айтиб қўзғолди.

У ўрнидан турганда, ўтирган қизлар ҳам ўринларидан турдилар. Сотиболди хайрлашиб, ғўза денгизига кириб кетди. У кетгандан сўнг семиз хотин Сотиболдиннинг аллақаери унинг ўғлига ўхшашлигини айтди.

IV

„1-Май“ колхози уч йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажаролмайди. Республикага донги кетган Деҳқонбой ота негадир чука бошлади. Унинг илгариги шахти йўқ. Колхознинг илгариги дабдабалари қани? Ариллаган бригадирлар негадир жим. Деҳқонбой ота му'табар Ленин орденини ҳам камдан кам тақади. Илгари „1-Май“ колхози чиндан ҳам Биринчи май эди. Бу колхозда ҳар ҳафтада бир маросим бўларди. Колхознинг номи ўзига жуда ярашган эди. Ҳозир бундай эмас. Колхоз кам тилга олинади.

Деҳқонбой ота чиндан ҳам қариб қолдими? Буларнинг ҳаммасига қарилик сабабми? Деҳқонбой ота узоқ уйлади. Сотиболдиннинг гаплари отани ўйлашга мажбур қилди. Ота ўйлади. Узоқ ўйлади. Узоқ ўйласа ҳам бир фикрга келолмади.

Деҳқонбой ота раис бўлиб ишлагуси келарди. Уни ҳамма иззат қилади. У ўз колхозига жуда ярашган.

Аммо сурункаси бўлаётган муваффақиятсизлик отани гангитиб қўйди. Ота раисликдан бўшашга қарор қилди. Одамлардаги сукут мажлисларда раис ша'нига қаттиқ гапириб-қўйишдан қўрқини оқибати ёмон эканини ота ўйлаб топди. Шундан кейин у ўз-ўзидан хижолат бўлди. У аллақандай „катта хато“ларга йўл қўяётгандек бўлди. Буни одамлар билсалар ҳам, гўё „кекса раисларига ботиниб“ айтолмайётгандек туюлди. Ҳечким ачитиб гапирмайди.

Бир куни Деҳқонбой ота колхоз мажлисида:

— Чирогларим, дард нимада? Очиқ-ёриғ айтинглар? Бу аҳволга чидаб бўлмайди ахир! — деди.

Яна ҳамма жим. Фақат узун мўйлабли бригадир эринчоғлик блан ўрнидан туриб, об-ҳавонинг ноқулай келаётганини ва бошқа нарсаларни гапирди.

Ана шунақа гап...

Буларнинг ҳаммаси Деҳқонбой отани ноумид қилди. У айбни ўз устига олди. Шундан сўнг, раисликка ёш, билимли кишини қўйиш кераклигини ўйлади.

У ўзича шу қарорга келди.

Ҳозир шу фикрда қат'ий турибти.

Сотиболди Деҳқонбой отага: „Йўқ, сиздан бошқа одам раис бўлолмайди“, деб айтмади. Ё бўлмаса раисликни бошқа кишига ўтказиш кераклиги тўғрисида ҳам гапирмади.

На уёғлик, на буёғлик. У фақат айбнинг қарилик устига қўйилишига қарши бўлди.

Деҳқонбой отага, Сотиболдининг ўша кунги гаплари чучмал туюлди.

Кечқурун, кош қорайганда, Деҳқонбой ота блан Ҳосилот даладан қайтишди.

Кечки шамол турди. Фарб осмонида булут ёнаётди. Ғўза найкалларини ўраган тўмтоқ тут дарахти шохларида чумчуқлар чирқиллашар, узоқ-узоқлардан аллакимнинг қўшиғи эшитиларди.

Қошинг асли қорадир,
Ўсма қўйганинг ёлғон...

Пайкал ичидан чиққан баланд бўйли Мадумар деган йигит Деҳқонбой отанинг йўлини тўсди. У саломлашгандан сўнг, тавози блан гапирабошлади.

— Эртага рухсат берсангиз... Шаҳрихонда бир жияним бор эди. Ўзи етимча... Шунинг бир бошини иккита қилиб қўяётган эдик. Марҳамат қилиб, ўзингиз, отахон, Ҳосилот блан тўйга бош бўлсангиз...

У зорланиб сўради. Гапларини яна такрорлади.

— Ишни ташлаб кетасизми! — деди Деҳқонбой ота. — Ахир бу қандай бўлади?

— Жон, отахон, бир сўрадик-да...

— Бўлмайди! — деди Деҳқонбой ота, кейин Ҳосилотга қаради. Ҳосилот бўйнини қисди. Йигит ма'юс, индамай турарди. Бир нафасдан сўнг Деҳқонбой ота йигитга қаради.

— Бўлмаса, борақолинг. Лекин, бундан кейин ишни ташлаб, жавоб сўраб келабермайсиз-да.

— Йўқ-йўқ, отахон. — Йигит кулимсиради. — Раҳмат...

Йигит қуллуқ қилиб, орқасига қайтиб кетди.

Деҳқонбой ота блан Ҳосилот идора олдига яқинлашишганда, уларни пойлаб турган колхоз саркотиби Хидирбой бир парча қоғозни Деҳқонбой отага тутиб:

— Мана шунга қўл қўйиб юборинг, — деди.

— Бу нима ўзи? — Деҳқонбой ота сўради.

— Бизнинг ҳовлимизга 10 кг гурунч керак бўлиб қолди...

Деҳқонбой ота қоғозни қўлига олиб, бир нафас ҳайрон бўлди. Қоғознинг уёқ-буёғига қаради. Кейин, кўкрак чўнтагидан қизил қаламни олиб, қоғозга қўл қўйди.

Деҳқонбой ота блан Ҳосилот идора рўпарасидаги скамейкага ўтиришди.

— Юзидан ўтолмайсан киши, — деб гап бошлади Деҳқонбой ота.

V

Кеча Сотиболди блан Деҳқонбой ота бир масала устида қаттиқ тортишиб қолишди. Сотиболди устун келди. У чиндан ҳам ҳақли эди. Деҳқонбой ота ўз сўзининг ўрипсиз эканини пайқаган бўлса ҳам, қаттиқ тураберди. Ҳосилот блан икки бригадир отанинг кўра-билатуриб ўжарлик қилаётганини сезиб туришарди. Улар ўзларини туюлмай кулиб юборишди. Сотиболди ҳам кулиб юборди. Шундан кейин Деҳқонбой отанинг ўзи ҳам табассум қилди.

Кейин тортишув аскияга айланиб кетди.

— Жуда қайнаб кетасиз-да, — деди раисга Ҳосилот (Деҳқонбой отанинг лақами „Қора қумғон“ эди). Яна кулки кўтарилди...

...Деҳқонбой ота гап аро „сўзингиз тўғри, ука, аммо бу ерда тажрибанинг, агрономиянинг аҳамияти зўр. Бу ер фронт эмас!“ деган эди.

Бугун, эрта блан, биринчи бригада ерида Сотиболди блан Деҳқонбой ота учрашди. Иттифоқо, қишлоқ советининг раиси Ҳамроқул ака ҳам пайдо бўлиб қолди.

Улар пайкалларни айланиб, ҳосилни аниқлашар эди.

Йиқилган курашга тўймас... Деҳқонбой ота ғўзанинг парвариши, ғўза кушандалари бўлган ўргумчак кана, хасва ва бошқалар ҳақида анча гапирди. У жўрттага кўпроқ гапирарди. Сотиболди бунга пайқади, лекин зерикмай, жон қулоғи блан эшитади. У, Деҳқонбой ота айтаётган гапларнинг бир қисмини билса ҳам, билмагандек тинглади.

Деҳқонбой отани эзма, ҳамма биладиган гапларни такрорлаётир, деб айтиб бўлмайди. Унинг кўп гаплари Сотиболдидан ташқари, эски пахтакор Ҳамроқул ака учун ҳам янгилик эди. Деҳқонбой отанинг катта халқ агрономи эканлигига ҳечким шубҳа қилмайди.

— Сиз чиндан ҳам пахта устасисиз, — деди Сотиболди. — Мен бу соҳада сизни, бобой, ҳечкимга тенглаштиролмаيمان...

Дехқонбой ота ўзини оғирликка солди. Сотиболдининг гапи унга жуда ёқди. Чиройи очилиб кетди. Ҳамроқул ака ҳам Сотиболдининг гапини тасдиқлади.

— Пахта ҳосилини етиштириш — бўёқчининг нили эмас, — деди яна сўзида давом этиб Сотиболди. — Тўғри, бунинг учун жон чекаётирмиз, курашаётирмиз. Бу ер ҳам фронт!

Олтиной келиб қолди.

— Ишларинг қалай, оппоқ қизим, — деди Олтинойга қишлоқ советининг раиси Ҳамроқул ака. У суҳбатни бошқа томонга буриб юборди.

— Жуда яхши, — деди кулимсираб Олтиной.

Сотиболди бир нимани ўйлагандек, Олтинойга тикилди. Олтиной ерга қаради.

Олтиной 18—19 ёшлардаги тўлагина қиз эди. У майда сочларини бошига чамбар қилиб олган. Икки анор донасидек ёқут сирғаси қулоғида ёниб туради. Енги тирсагидан юқори шимарилиб қўйилган. Билаклари гудак боланикидек оппоқ, семиз. Юпқа батис кўйлагини ичкаридан итариб турган кўксини билинтирмасликка ҳаракат қилади. Кулганда, икки юзидаги „кулгич“и ўзига жуда ярашиб туради. У, икки қошига туташ қилиб, нозик тортилган ўсмасидан уяларди.

Канал томондан келаётган майингина шабада юзларга урилади. Дала бўйлаб чигирткалар бир текисда чириллар. Ҳаво иссиқ.

Боя, эгат оралаб югуриб кетган қизалоқ, олисда ишлаётган узун мўйлабля бригадирнинг ёнига боради. Бироздан сўнг, бригадир катта-катта қадам ташлаб, Дехқонбой отанинги олдига келди. Унинг ранги девордай оқариб кетган эди.

— Ҳовлиқмасдан гапир, — деди Дехқонбой ота. Бригадирга Сотиболди, Ҳамроқул ака, Олтиной, ҳамма хайрат блан қараб туради.

— Келинингизни дард тутаётган эди... Ғалати бўлиб қолган эмиш...

— Доктор бормиди? — деди дарҳол Сотиболди.

— Кампирдан булак ҳечким йўқ, — деди у.

— Мен телефон блан доктор чақирақолай, — деди Сотиболди Дехқонбой отага қараб.

— Телефонимиз ишламайди.

— Эҳ, қандай ёмон! Қаерда телефон бор? — сўради шошиб, Сотиболди.

— Қишлоқ советида.

Сотиболди шу оннинг ўзидаёқ сўқмоқ йўл блан югуриб кетди. Чопиб кетаётган Сотиболдининг орқасидан Ҳамроқул ака бор овози блан қичқирди:

— Қўрғонда отим бор, мина кетинг...

Сотиболди бош қимирлатди. У бир нафасда кўздан ғойиб бўлди. Каловланиб қолган бригадир уйига қараб югурди. Лабларигача оқариб кетган Олтиной, гўза орасига кириб кетди...

Сотиболди қишлоқ советига от чоптириб келди. У, ариқ лабидаги ичи кавак йўгон тол олдида ерга сакраб тушди-да, идорага кириб кетди.

Югуриб раис кабинетига кирди. Стол устидаги телефон трубкасини кўтариб, қулоғига босди. Бериги хонада ўтирган бир жувон Сотиболдининг кетидан ичкарига кирди.

— Телефон ишламайди.

— А!?

— Икки кундан буён ишламайди.

Сотиболди трубкани секин қулоғидан туширди. Жувонга тиклганича қараб қолди. Пешонасидан оқиб тушган икки томчи тер қуюқ қошининг чети блан қовоғига, ундан кейин юзига ва юзидан даҳанига оқиб тушди...

Сотиболди трубкани қўйди. Пешонасидан оқиб тушаётган терларни бармоғи блан сидирди. Ҳавсаласи пир бўлиб, секин ташқарига чиқди. Тол ёнида Ҳамроқул аканинг жийран тойи ер тепиб турарди. Сотиболди „Шаҳрихонга чолиб боришга чоғинг келадими?“ дегандек, отга қаради. От пишқирди. У бир сапчиб отга минди. Унинг кўз олдида ҳушидан кетиб ётган хотин турарди, Сотиболди уни кўрган эмас, лекин кимгадир ўхшатар... Жувон оқариб кетган юзларини Сотиболдига тўғрилар. Кўзларини каттакатта очар: „Оҳ, ёрдам беринг, ёрдам беринг!..“ деяётгандек бўларди.

Сотиболди отига қамчи босди. От тош йўлда тарақлаб чопиб кетди...

Бир соатлардан кейин, кечикиб бўлса ҳам колхозга „Тез ёрдам“ машинаси етиб келди.

VI

Масала анча равшанлашди. Шанба куни, кечга Сотиболди колхоз партия мажлисини чақирди.

Август ойи эди. Ғўзалар асад сувини ичди. Эрта-индин сунбула туғади. Ғарқ қовун пишиғи...

Қишлоқ совети олдидаги колхоз бозорига қовун-торвуз тиқилиб кетди. „Тўрлама“ дейсизми, „чўғир“ дейсизми, „амирий“ дейсизми, „ананас“, „олапўчоқ“, „айнама“, „босволди“ дейсизми, ҳаммаси бор. Лайлак қилиб қўйилган четан араваларнинг тағи тўлиб кетган...

.. фарғона далаларига оқшом чўкаётир. Қуёш Арслонбоб чўққилари орқасига ўтди. Баланд-баланд чўққилар қорамтир, соядек бўлиб кўринарди. Теракларда чумчуқлар чирқиллайди. Адирдан қайтаётган қўйларнинг маъраши, чўпоннинг „Қуррей, қуррей“и эшитиларди. Уш тоғларидан учиб келган салқин шамол гуллар блан ўйнашар, номошшомгул атрофида ғингиллаб айланаётган қўнғиз-капалаклар гулга тумшуқларидаги узун найзаларини санчиб қочиншар эди.

Роса соат 8 да идорага колхоз коммунистлари етиб келишди. Колхозда беш коммунист бор эди.

Сотиболди раис столига ўтди. Кейин у ўрнидан туриб:

— Мажлисни очишга қаршилиқ йўқми? — деди.

Ҳамма мажлиснинг очилишига розилик билдирди. Сотиболди, бугунги мажлис кун тартибида бир масала борлигини, я'ни колхознинг пахта йиғим-теримига тайёргарлиги ҳақида колхоз раиси Деҳқонбой отанинг ахбороти бўлишини э'лон қилди.

Шинамгина кабинетда беш киши ўтирарди. Кабинет поли тоза ювилган, стол устидаги снѐхдон ва бошқа ёзув қуроллари тартибга солиб қўйилган. Уйнинг тўрида И. В. Сталиннинг маршал юлдузини тақиб тушган портрети турарди. Кабинет деворига диаграммалар, ғўза коллекциялари илиб қўйилган. Раис столи ёнида жуда чиройли приёмник турар эди.

Колхоз раиси Деҳқонбой ота ўрнидан туриб, дала шийпонлари, сушилкалар ремонт қилинаётганини, хирмон учун майдончалар, этаклар, торозилар ҳозирдан тайёрланаётганини ва шунга ўхшаш яна анча ишлар қилиниши кераклигини айтди.

— Агар омадимиз келиб қолса, — деди сўзининг охирида раис, — бу йил ишимиз ёмон бўлмаса керак...

Шундан кейин Деҳқонбой ота секин ўз ўрнига ўтирди.

— Яна ким сўзлайди? — деди Сотиболди. Ўртада жимлик пайдо бўлди.

— Ҳечким гапирмайдимиз? — деди яна Сотиболди.

Яна сукут. Бироздан сўнг Ҳосилот секингина гапирди:

— Ҳамма гапни ота гапириб бердилар, шекилли. Бошқа нимани гапираман...

Узун мўйлабли бригадир ҳам, „Нимани гапираман“ дагандек қилиб, бош чайқади.

— Нимани гапираман, дейсизми? — Сотиболди Ҳосилотга қаради.

— Ҳа, энди...

— Гап кўп! Бўлмаса мен ўзим сўзлай қолай, — деди Сотиболди.

У белидаги энлик камарини тўғрилаб, гимнастёркасининг этагини тортиб қўйди.

— Деҳқонбой отанинг айтганлари тўғри. Жуда тўғри... Ҳозирдан бошлаб пахта йиғим теримига тайёргарликни кучайтиришимиз керак! Бу масалага ҳар йилгидан кўра пухта ва жиддий э'тибор беришимиз керак! — деди Сотиболди. — Мен бошқа бир масала устида гапирмоқчиман. Фақат бир нарса устида... Колхозимизда меҳнат интизоми йўқ! Меҳнат тўғри ташкил қилинмайди. Бунинг сабаби нимада? Ана шу масала устида гапирмоқчиман. Колхозда меҳнат интизоми йўқ! Қани, ким „бор“ деяолади? Ҳамма бало мана шунда. Тўғри, колхозда астойдил ишлаётганлар ҳам бор. Лекин ишламаётганлар ҳам бор. Ҳаромхўрлар ҳам бор... Мадумар уч кун ишга чиқмади. Тўйга кетган эмиш... Бу қандай гап! Мана, Ҳосилот, хотинлари колхоз а'зоси, соғ, аммо мен ҳеч қачон ишлаганларини кўрганим йўқ. Сонда бор, салмоқда йўқ. Колхоз саркотиби Хидирбой то тушгача тўқойга бориб ов қилади. Қирғовул овлайди... Тушдан сўнг идорага келиб ўтиради. Бригадир Сўфихонқулихон шийпонда ухлагани-ухлаган. Бу гап

райкомга ҳам бориб етипти... Бундақа мисоллар яна анча топилади. Колхоз омбори ҳақида гапирмайман. Бу ерда ҳам иш кўнгилдагидай эмаслиги ўзларингга малум. Хўш, нега бундай? Нега бундай нонкўрлик қиламиз? Ёки мен ножўя гапираяпманми?

— Тўғри гапираяпсиз! — деди бошини кўтариб тракторчи Кенжа, — тўғри!

— Колхозимизнинг орқада қолаётганига, уч йилдан буён ва'даимизни ўтолмаётганимизга, шарманда бўлаётганимизга сабаб ана шу! Бизда меҳнат ёмон уюштирилган! Колхоз учун биз жавобгармиз. Биринчи галда биз — коммунистлар жавобгармиз. Биз ношудмиз, жонажон колхозимиз ишларига юракдан куймаймиз, беоқибатмиз, кам ўйлаймиз, ўйлаганда ҳам ўзимизни ўйлаймиз. Келишмаган кўнгилчангмиз, иродамиз сусайиб кетган. Жиндак мушкул бошга тушиб қолса, минг оҳангга тушиб тўлғонамиз. Мушкулни енгил ўрнига ташлаб қочгимиз келади. Ахир биз совет кишисимиз-ку!

Деҳқонбой ота ерга қаради.

— Мен докладчи, раисимиз Деҳқонбой отам ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман, — деди яна Сотиболди. — Агар торозининг бир палласига Деҳқонбой отамни қўйиб, бир палласига олтин тўкиб, алиш деса, қим алишади. Тилла отамиз бор, отамиз блан ҳарқанча фахрлансак арзийди. Колхозимизни колхоз қилиб, шу паллага олиб келган ахир шулар! Аммо Деҳқонбой отамнинг ба'зан кўнгилчанглик қилиб юборишлари, қаттиқ турмасликлари, меҳнат интизомининг бузилишига сабабчи бўлаётир. Деҳқонбой ота бундан кейин раис бўлиб ишламоқчи эмаслар. Мажлис пунга нима дейди, мажлис ҳал қилсин.

Ҳамма Деҳқонбой отага қаради. Деҳқонбой ота Сотиболдига қаради.

— Ука, ўша гапни мен фақат сизга айтган эдим, — деди Деҳқонбой ота секин. Аравакаш Совурбойни койиб, та'бим тирриқ бўлиб турган эди.

— Шунақамиди, — деди тушинмай хато қилиб қўйган кишидек Сотиболди. Лекин чолнинг юрагини, унинг яна нима демоқчи бўлаётганини яхши биларди.

— Колхоз менинг уйим. Шу ерда туғилиб, шу ерда ўсганман, шу ерга бир қошиқ сувим тўкилади деди. — Деҳқонбой ота. — Мен ҳали чарчаганим йўқ. Менинг ҳали ўйлаган анча режаларим бор. Раисликни ташламоқчи эмасман, йўқ! Мени раисликдан туширишга ҳечкимнинг ҳадди ҳам йўқ! Мени халқ сийлаган, раҳматли Охунбобоев ма'қуллаган. Ҳа! тўғри Хатоларим йўқ эмас.

Деҳқонбой ота стулга ўтириши блан Ҳосилот қўл кўтарди.

— Биз ҳам икки оғиз сўзлайлик.

VII

Колхоз правленияси қарор қабул қилди. Бу қарорда кўрсатилишича, Ширмонхон деган қиз колхознинг саркотиби қилиб тайинланади. Чунки у Хидирга қараганда ҳам соводли, ҳам оғир ишга ярамас эди. Хидирбой ва колхоз чойхонасида ишловчи Аса-

дулло, учинчи бригада бошлиғининг хотини Ойимчахон ва бошқалар шу кундан бошлаб дала ишига тушиши керак! Колхоз омборининг калити Насибулла кори деган одамдан олиниб, яқинда ҳарбийдан бўшаб келган бир инвалид йигитга топширилади...

Бу қарордан барча колхоз а'золари қаноатланди. Одамлар илгари чекка-чеккада шунга ўхшаш гапларни шивирлаб юришса ҳам, лекин ҳечким очиқ айтаолмас эди. Правлениянинг қарори худди одамлар кўнглидагини топгандек бўлди.

Хидирбой ишдан бўшагандан кейин, касалман, деб уч кун далага чиқмади. Тўртинчи куни шоҳи кўйлагини ҳилпиратиб учинчи бригадага келди. Узун мўйлабли бригадир Хидирга қаради.

— Ке, ука, биз сени ўтган куни кутган эдик.

— Бироз тобим қочиб қолди.

— Офтоб кўрмай, дим идорада ўтирасанлар-да. Кувватинг бор ишла. Меҳнат қилганга не етсин.

Хидирбой билинар-билинемас тиржайди.

Кейин нарироқда, тўртта қизнинг ўртасига тушиб, ҳадеб кетмон ураётган Деҳқонбой отанинг ёнига борди. Ота, ер тагидан бир қаради-да, индамади. Хидирбой салом берди. Деҳқонбой ота секингина „ке“ деб қўяқолди. Хидирбой белини ушлаб, ғўдайиб турди. У бир нима демоқчи бўлиб тил чоғлаган эди, Деҳқонбой ота қизларга қараб: „Ишлямасдан бижирламанглар! Маҳмадонгарчилик қилаберсаларинг, ҳаммангни эрга бериб юбораман!“ деди. Қизлар хохлашиб кулишди.

Хидирбой нега келди, нима домоқчи? Барчаси чолга аён эди. Хидирбойнинг бир дун'ё ҳасрати бор, албатта. Хидирнинг назарида ҳар сафар майдалашиб, эзмаланадиган ота бугун бошқача. Бир нафасдан сўнг Хидирбой энди бир нима демоқчи эди, ундан олдин Деҳқонбой ота гап бошлади.

— Ҳа?

— Жиндак гап бор эди, — у чолни қизлар ўртасидан четроққа олиб бормоқчи бўлди.

— Кетманинг қани? — Отанинг пешонасидаги томири ўқлоғидек бўлиб кетди.

— Отахон, бир...

— Ҳажикизларга ўхшаб, ҳилпираб юрма! Ишла! Қанча гап бўлса кейин гаплашамиз!

Хидирбой турган ерида қотиб қолди. Лабларигача оқариб кетди. Отанинг олдига келганига минг пушаймон еди. Шу пайтда ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Қизлар ичларида „ўсалнинг қадоғи неча пул?“ дейишгандир.

Хидирбой индамади. Нима ҳам деяр эди. У келиб отанинг қўлидаги кетманни олди. Деҳқонбой ота ҳам шуни мўлжаллаб турган эди, сўраган эн кетманни тутқазди. Ота, қизларнинг ишига бир кўз ташлади-да, тўртинчи бригада томон кетди. У, йигирма қадамча юрганидан сўнг, орқасига қаради. — Эртага ўз кетманингни ола чиқ. Бу кетманни Ширмонхонга бериб қўй.

Куз бошланди... Сувлар шиша каби тиниди. Ёзи блан тўлиб оққан анҳор сувлари анча пасайиб, тагидан шағал ва қум уюмлари кўриниб қолди. Эрта блан қор ёққандай совуқ бўлади. Баданлар увишарди, лаблар кўкарарди, одам қалтирайди. Қиёмга келиб, саратондек қизиб кетади. Тонг совуғида кийиб чиқилган кийимлар оғирлик қилиб қолади.

Кўм-кўк япроқлар олтин ранги олабошлади. Ба'зи дарахтлар ҳаммадан олдин баргларини тўкиб, қишни кутарди. Ишкомларда сапсариг хусайнилар осилиб ётар, юзи муроббага ботириб олингандек „чойдиш“ ноклар таппа-таппа ерга тушар, ариқлардан тинмай хазон аралаш олма, нок ва ёнғоқлар оқиб келарди... Дехқон уйларининг шипи нашвати, қирмиска, қовун, макка, шодашода ўрик мағизларига тўлиб кетди. Қорамоллар эртадан кечгача жўхориюя ғажишади. Далаларда олтин куз бошланди. Тўкин-чочин куз кириб келди.

Сотиболди ноғора-карнай овози блан уйғонди. Саҳарлаб қишлоқ советининг томида карнайлар ғат-ғатлаб, сахархез хўрозларнинг овозини ҳам кўмиб юборди. Одамларда ҳаяжон, қизиқиш, ғайрат қайнарди.

Туни блан совуқда ивишиб ётган дала ноғора-карнай блан қизиб кетди. Болалар ноғорага югурди, катталар далага... Далаларда қизгин, ялпи терим бошланди.

Дастлабки кунлари Сотиболди ҳам этак тутиб ғўза орасига кирди. Гарчи унинг терган пахтаси Олтинойнинг энг кичкина укаси Зеби терганича бўлмаса ҳам, колхоздагиларнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Ёшу-қари, барча далага чиқди.

Дала байрам тусини олди... Тунги совуқ, кундузги иссиқ кусакларни бодроқдек очиб юборар эди. Одамлар оппоқ, мамуқ пахтани териб улгуролмас эдилар. Чевар қизлар эгатлар буйлаб сузишар, йигитлар терлашар, беллар зирқираб оғрир, елкалар офтобда куяр, қўллар ёрилиб, ачишар...

Қандай бўлмасин, етилган ҳосилни йиғиб олиш кураши бошланган эди...

* * *

Ишга барвақт чиқишда гап кўп.

Олтиной бувисининг „Терим пайти келганда барвақт тур, кийимингни йўл-йўлакай кийиб кет“ деган сўзини ҳеч унутмас эди.

Олтиной саҳарлаб туриб далага жўнади. У мусобақадoshi Ҳалимахондан ўзиш ва ундан аввалроқ чиқиш учун ошиқарди. Бу икки қизнинг терган пахтаси бир-биридан жуда оз фарқ қилади.

Терим пайти келганида уларнинг тенги бўлмас эди. Улар колхозда биринчи. Яқингинада улар қизалоқ эди. Ҳа демай қизалоқларнинг бўйи чўзилди. Одам кўзига йилтираб кўрина бошлади. Қошлар қорайди, сочлар ўсди, кўзларга фусун беркинди. Балки қишлоқдаги ба'зи йигитчалар киши билмас „оҳ“ чекишар ҳам...

Ҳалима юмалоқ, бугдой ранг, дўндиққина қиз. Икки юзи анор-дек қипқизил. Гаплари қозонда қовириб олгандек бийрон. У Олтинойдан икки энликча пастроқ.

Катта йўлда Олтиной жадал борар, тонгни салқин шабада қалтиратар, лабларини кўкартирар, чимлардаги шудринг оёғидаги юпқа чувагини сув қилар, у титрар, кўлтиғидаги, тахлаб олган этагини маҳкам сиқар, юрагида Ҳалимахондан олдинроқ чиқиш, уч-тўрт килограмм ортиқроқ пахта териб олиш шавқи қайнарди.

У пайкалга етмасданоқ орқадан кимдир чақирди:

— Олтиной-ю, ҳой Олтиной... Шошманг, гапим бор!

Олтиной орқасига қаради, яккачўп устида тўхтаб, унииг етиб келишини кутиб турди.

— Омонмисиз, — деди қўл узатиб Олтинойга Ҳалима. — Вой уртоқжон, мунча тез юрмасангиз, орқангиздан чопавериб нафасим тиқилиб кетди. Жуда барвақт чиқиб қолибсиз?

— Ўзингизчи?

— Мен сиздан кейин келаяпман-ку.

— Бир нафас кечиксам, мен ҳам сиздан кейин келардим.

— Ариқда юзимни ювиб турсам, ўтиб кетаётган экансиз.

— Мен ҳам сизнинг барвақт отни қамчилашингизни билдим...

Икки қиз хохолаб кулишди. Улар яккачўпдан ўтишиб, сўқмоқ блан пайкалга тушишди. Чечан қўллар оппоқ етилган пахтани завқ блан теракетди.

Бироздан кейин чор атрофдан одамлар келаберди. Пайкалларда қизгин терим бошланиб кетди. Узоқдан аллакимнинг ашуласи эшитилди.

Пахтамиз чаман-чаман.

Оқ мамуқни кучаман.

Бахт берди улуг дохий,

Бахтга кучоқ очаман...

Қош қорайганда яна Олтиной блан Ҳалима бирга даладан қайтишди. Уларнинг терган пахталари бугун ҳам баббаравар бўлди.

Йўлда Ҳалима Сотиболдини яхши йигит экан, деди. Бу гап Олтинойга ёқмади.

— Сизни ҳам юрак бағрингиздан урган дейман, — деди бир оздан сўнг кесатиб Олтиной.

— Вой! Ўша шалпанқулоқнинг нимаси урарди.

— Ўзингиз ҳам ойнага бир қараганмисиз, Ҳалимахон. Олдин ўзингизга бир боқинг!

— Товба қилдим, аччиғингиз чиқишини билсам ҳеч гапирмас-дям.

Улар ёнма-ён, индамасдан кетиша берди.

— Келйнг, „қиличми-тўқмоқ“ қилайлик, ўртоқжон...

Олтиной кулиб, секингина Ҳалиманинг бурнини чимчилаб қўйдди. Унинг чиройи очилди. Аммо негадир у жуда оғир, кўнгли гаш, а'зойи-бадани қақшаб оғир эди. Икки қулоғи бир текисда шанғилларди. У бир фалокат бўлиб, оғриб қолишдан жуда қўрқ-

ди. Нега бундай бўлаётганини билмади. Ҳалима „чарчаганликдан“ деди. „Ундай бўлса, кеча ҳам кўп иш қилган эдим“ деди. У, Ҳалиманинг гапидан қониқмай. Унинг икки чеккаси бигиз тикқандек санчиб оғрийбошлади.

Олтиной пешонасини ушлади. Ҳалима ҳам кафтининг орқасини текизиб кўрди.

— Жиндак иссиягингиз бор.

— Ётиб қолмасам, деб қўрқаман.

— Қўрқоқ бўлаберманг, дам олинг, эрталабгача тузалиб қоласиз.

— Йўқ, жуда бошқача, ҳеч бундай бўлмаган эдим.

— Қорнингиз ҳам очди?

— Йўқ, — деди Олтиной.

— Тузалиб қоласиз.

Ҳалима йўлда хайрлашиб, уйига бурилиб кетди. Олтиной катта кўчадан пастга тушиб, оқшом қоронғусида ёлғиз кетабошлади. Уни ваҳима босди, алақандай ёмон хаёллар атрофини ўрайбошлади. Наҳотки Олтиной ўлиб қолса...

Унинг кўзларига Сотиболди кўринди. У қулоғининг тагида „Свизга яна қизиқ бир китоб олиб келдим“ деди. Олтинойнинг хаёли бир зумда, бундан беш-олти кун илгари ўқиб тугатгани „Асл одам қиссаси“ деган китобга кетди. Унинг кўз олдида Мересьевнинг азоб-уқубат чекишлари, қийналишлари, чидами ишончи, мардлиги... ярқираб турарди. Одамзоднинг жони жуда қаттиқ эканлигини ўйлади. У негадир чеккалари санчилиб оғрийётганини унитиб, қаҳрамон Мересьев ҳақида ўйлай бошлади.

IX

Сотиболди ишдан кейин колхоз агитаторларини ўз кабинетига чақирди.

Кабинетда колхоз саркотиби Ширмонхон, тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитучиларидан Алымов, Набиев, колхоз комсомол ташкилотидан Олтиной, Самад, Ҳалима, Элмурод ва бошқалар ўтиришарди.

Сотиболди йиғилганларга масалани э’лон қилди. У, чўзис ўтирмасдан, қисқагина қилиб гапирди:

— Ўзларингга ма’лум, йил бўйи қилган меҳнатимизнинг ҳал қилучи даври — йиғим-терим бошланиб кетди. Колхозчиларни ас тойдил ишлашга, меҳнатга илҳомлантиришимиз керак. Бу жуда мас’улиятли вазифа. Бу вазифа сиз блан бизнинг зиммамизга тушади. Комсомоллар ёрдам берсин. Очиғини айтганда, колхозда агитация ишлари ёмон! Ишламаётимиз... Партия ташкилотими номидан, мен, сизларни ташвиқот ишида ёрдам беришга чақи раман!

Шундан кейин Сотиболди, стол устидаги бир варақ қоғозни олиб, ким қайси бригадага биркитилганлигини ўқиб берди.

— Кимда қандай фикр бор? — деди Сотиболди, ўтирганлар мурожаат қилиб.

Олтиной қўл кутарди.

- Мумкинми?
- Марҳамат.
- Тушки овқат пайтида ҳам мен эгатда бўламан. Ғўза ичида овқатланаман. Шундай қилмасам вақт кетиб қолади...
- 10 минут. Фақат 10 минут, Олтиной, — деди Сотиболди.
- 10 минут вақт эмасми?
- 10 минут бекор ўтмайди ахир! деди Сотиболди.
- 10 минутда анча пахта териш мумкин.
- Бу ҳам иш! Бу фахрли иш! — деди Сотиболди. Олтино секин стулга ўтирди. У ўтиратуриб яна Сотиболдига қаради.
- Тагин, ишламайман деяпти деб ўйламанг. Бўпти!
- Яна ким сўзлайди?

Одамлар масала жуда равшан эканлигини айтишди. Шундан сўнг Сотиболди эртадан иш бошлаш кераклигини тайинлади. Кингилган одамлар парторг кабинетидан чиқиша бошлади.

Ҳаммадан кейинда, эшикка томон бораётган Олтиной, қайрилиб орқасига қаради. Орқада турган Сотиболдига қараб кулиб қўйди. Сотиболди „Сизними, шошманг!..“ дегандек қилиб қўлини қимирлатди.

Улар ўртасида бўлган ишорани кабинетдан чиқиб кетаётган Ҳалима кўрган эди.



Давлатга пахта топшириш плани республика бўйича 50 процент бажарилди. „1-Май“ колхози эса 60 процент. Бултур, худди шу пайтда Республика бўйича 50 процент бўлиб, „1-Май“ колхози эса 45 процент бажарган эди.

Деҳқонбой ота бу рақамларни айвонининг устунига қалам блан ботириб ёзиб қўйди. Кейин, қаламини тишига уриб, хаёл суриб кетди.

У ғўза пайкаллари устида уча бошлади. Унинг қаноти остидан теримчилар блан тулган кўм-кўк ғўза пайкаллари, дарахтлар, ариқлар, иморатлар кино лентасидек ўтишарди. У бригадалар тепасида кезди. Қаноти остидаги оппоқ очилиб ётган ғўзалар „Ҳой, Деҳқонбой ота, сени қизартирмаймиз, қанотингни кенг ёз, яна ҳам баландга кўтарил!“ деярди.

У келини келтирган косадаги шўрвани қўлига олди, устидаги, тухум шаклидаги заранг қошиқни дастурхонга қўйди-да, коса юзидаги ёғини пуфлаб, шўрвадан ҳўлади. Косани ярим қилганидан сўнг, сабри чидамай, яна ҳаллослаб далага қараб жўнади.

Деҳқонбой ота биринчи бригададаги торози тепасига борди. Бу ерда колхоз табельчиси, бир қўлли инвалид йигит, Сотиболди териб чиққан пахтани тортарди.

— „Сталинчи“ колхози планни бажарибти, — деди Сотиболди Деҳқонбой отага. — Мана, бугунги „Қизил Ўзбекистон“да ёзилган... Турсунбой Холиқовнинг суратига қаранг!

— Шунақами, қандини урсин! — деди Деҳқонбой ота.

— Турсунбой Каримова дейман, Турсунбой Холиқовдан орқада қолибти-да? — Деҳқонбой ота сўради.

Шу кунда Турсуной Каримова ҳам 99 бўлиб ўтирган бўлса керак — деди Сотиболди, кейин у Деҳқонбой отага яқинроқ келиб гапирди. — Икки ҳафтадан кейин биз ҳам 99 га чиқиб ўтирсак ажаб эмас.

Деҳқонбой ота бир хўрсинди.

— Уч йилдан бери юзим шамгин, ўғлим Сотиболди...

Х

Куз кузлигини қилабошлади...

Кеча, тўпдан кейин ҳаво айнаб, кечга бориб ёмғир қуйиб юборди. Ёмғир кечаси блан қуйиб чиқди. Эрталаб яна зўрайди. Совуқ шамол елди. Йўллар лой бўлди, тарновлардан шариллаб қуйила бошлади.

Далада иш тўхтади. Дала жимжит. Аҳ'ён-ах'ёнда, колхоз ерини кесиб ўтган катта йўлдан пишқириб юк машинаси ўтиб қолади. Мўрилардан кўкимтил тутум чиқар, шамол гувуллар.

Колхоз идораси олдида айланишиб юрадиган товуклар ҳам молхонага қочиб кириб, тўдаланиб, жунжишиб туришарди.

Ҳечким далага чиқмади. Ёмғир одамларнинг кўкрагидан итариб, уйга олиб кириб қўйди. Ёмғир қизиган, ёниб турган баданларни совутмоқчи бўларди. Беҳад қуярди. Колхоз тепасида туриб, дағдага қиларди. Далаларни, уйларни эзиб, ивитиб, оқизиб юбормоқчи бўларди.

Одамлар сиқилар. Юраклар дала сари толпинар, лекин ёмғир, ёмғир, ёмғир...

Сотиболди ўз кабинетида ўтиради. Кабинет ичи жим, иссиқ. Бугун у печка ёқди. Кичкинагина печкада нам ўтин, учидан сув чиқариб, вижиллаб ёнарди. Радио... Аллақандай симфониянинг майин оҳанглари эшитилар. Ташқаридаги ёмғир музика оҳанглари ҳам босиб юбормоқчи бўлар эди.

Сотиболди ўз столи ёнида ўтирар, Кабинет дарчасидан узоқ далаларга, тошйўлга ва тошйўл четидаги қатор тушган уйларга қарар. Дераза ойналарига ёмғир урилар. Ёмғир ойна устидан узун-узун бўлиб оқиб тушарди.

Бутун қишлоқ жимжит. Фақат шариллатиб ёмғир қуяр, шамол елар, ҳарзамонда станцияда маневр қилаётган паровоз қичқириб қуяр...

Сотиболдининг икки кўзи деразада. Деразада бўлса ёмғир... Сотиболдини хаёл олди. Унинг кўзи деразада эди.

Сотиболдининг кўз олдига Ҳақназаров келди. У, одатдагидек, кўкрагини столга бериб, жиндак кулимсираган ҳолда, Сотиболди блан гаплаша бошлади.

- Аҳволлар қалай, ўртоқ Топиболдиев?
- Жойида, жуда яхши, ўртоқ Ҳақназаров.
- Чарчаб қолаётганингиз йўқми?
- Мутлақо.
- Деҳқонбой отанинг соғлиги қалай?
- Бобой яхши, бардам.

— Якун қалай?

Шу бугун планимиз тўлиши керак эди. 98,6. Ҳали далада пахта-
тамиз жуда кўп, ўртоқ Ҳақназаров.

— Жуда соз, — деди Ҳақназаров, ишқилиб, бушашманглар, ём-
ғир ўтиб кетади...

Шу пайт, кабинет эшигини очиб, Олтиной кириб келди.

— Мумкинми?

— Марҳамат, келинг.—Сотиболдининг хаёллари тарқалди. У
ўрнидан турди. Олтиной зонтигини ёпди, калошини ечиб, столга
яқин келди. Сотиболди блан қўл беришиб кўришди. Сотиболди
стул кўрсатди.

— Ёмғир нима қиламан дейди?—деди стулга ўтиратуриб Ол-
тиной.

— Буни қаранг-а, — деди Сотиболди бўғилиб.

— Энди нима бўлади?

— Ҳайронман.

— Тиниб қолармикан?

— Тинмас эмиш!—Кулимсиради Сотиболди.

— Йўғе! Ҳазил қилманг.

— Ҳазили йўқ!

— Унда, пахтамиз нима бўлади?

— Ёмғир сизнинг пахтангизни биладим!

— Билмаса ўлсин!—деди деразага қараб Олтиной. Бироздан
кейин у ўз-ўзига гапира бошлади.

— Вой-е, жуда ёмон бўлди-да! Бир кун сабр қилганда...

У ялт этиб Сотиболдига қаради.

— Бир кун сабр қилганда, бугун план 100 бўлармиди, Сотиб-
олди ака?

Сотиболди столнинг ғаладонини тортиб, бир варақ қоғоз олди:

— Мана,—у қоғозни стол устига қўйди.—Рапортни ҳам тайёр-
лаб қўйган эдик...

— Эсиз, эсиз! деди Олтиной.

— Бир кун кейинга судралади-да,—деди Сотиболди.

— Бир кун кейинга судралмаганда қандай яхши бўларди...

Олтиной деразага тирсагини қўйиб, ташқарига тикилди. Тар-
новлардан, бўғотлардан тушаётган сувга қараб турарди. Сотиболди
радиони буради. Музика зўрайди. Олтиной Сотиболдига қаради.

— Биласизми, ҳозирги кўринишингиз фронтда эканлигингизда
менга юборган суратингизга жуда ўхшайди. Ушанда ҳам... Ле-
кин суратда бироз кулиб турардингиз.

Сотиболди табассум қилди.

— Ўша сурат турибдими?

— Ҳа. Йўқолди деб ўйлабмидингиз?

— Йўқ.

— Бўлмаса нега сўрайсиз?

— Сўраб бўлмайдими?

— Қизиқ... — Олтиной Сотиболдига тикилиб қараб турарди.
Сотиболди столи устидаги китобни варақлай бошлади.

— Менинг суратим қани? — деди бироздан кейин Олтиной.

— Менинг суратим? — деди ўзини билмаганга солиб Сотиболди.

— Менинг сизга юборган суратим? — деди яна Олтиной.

— Тургандир.

— Тургандир? Мен сизга тушунолмаётирман.

— Нега?

— Негаси бўлмайди, — деди эркаланиб Олтиной.

— Менга қаранг, — деди Сотиболди ўрнидан туриб. Олтиной тескари қаради. — Суратингиз менинг юрагимда. Мана, ишонамангиз ҳозир кўрсатаман. Тўрт йил урушда ҳам шу ерда турган...

— Кўрсатингчи, — деди Сотиболдига қараб Олтиной.

Сотиболди кўкрак чўнтагидан суратни олиб кўрсатди. Олтинойнинг чиройи очилиб кетди. У кулди. Сотиболдига қараб эркаланди.

— Бизники қаерларда ётгандир, — деди Сотиболди.

— Ундақа деманг!

Сотиболди Олтинойнинг икки қўлидан ушлади. Олтиной Сотиболдининг кўзларига тикилди. Улар бир-бирларига тикилишди. Сотиболди Олтинойни ўзига тортиб, кейин юзидан ўпиб олди. Олтиной Сотиболдининг кўкрагидан итарди.

— Қўйинг! Кетаман... Иккинчи бунақа қилакўрманг!

Олтиной қизариб кетди. Сотиболди ҳам... Бирнеча минут жим туриб қолишди. Сотиболди нимадан гап бошлашини билмас эди. Бироздан сўнг Олтиной ерга қараб, гапирбошлади:

— Мен сизнинг олдингизга бир иш блан келган эдим; менга ВКП(б) устави ва программаси керак эди.

Сотиболди этажеркадаги китобларни қарай бошлади.

XI

Фарғона далаларига қуёш ёйилди. Майин, илиқ шамол эсабошлади. Ерларнинг ҳовирини чиқарди. Қуёш ҳарорати блан томлардан, мўрилардан, пахса девор тепаларидан буғ кўтариларди. Улкан дала муттасил ёққан шунча ёмғирни ютиб юборди. Осмон беғубор ва кўм-кўк. Аллақайси томдан кўтарилган бир тўда каптар мовий осмонда айланишарди; қанотларини тап-тап уриб, ўйин тушишарди.

Худди эрта баҳор. Илиқ еллар юзларга урилади. Шундай пайтда қайси деҳқон уйда ўтиради!

„1-Май“ колхозининг а'золари, ини бузилган аридек, гувуллаша бошлади... Колхоз раиси Деҳқонбой ота, бугун ҳечким теримга тушмасин, деб буйруқ берипти! Чунки, ёмғир пахталарни нам қилган эди. Аммо, ҳамманинг тергиси келарди...

Эртасига ҳаво яна яхши бўлди. Гуё водида кўклам бошланиб кетди. Сахий қуёш деҳқонлар қанча нур истаса шунча тўкиб сола бошлади. Жониворлар яйради... Қандай яхши кунлар!

„1-Май“ колхозининг а'золари эрта блан чуғурчуқдек ғўзага ёпирилди. Ҳамма теримга тушди. Деҳқонбой отанинг ўзидан тортиб колхоз отбоқари Саримсоқвойгача теримга тушди. Колхоз правленияси ялпи штурм э'лон қилган эди.

Ғўза чаман бўлиб очилган. Икки кун терим бўлмаганига кўсаклар оппоқ очилиб ётар эди. Иштаҳа, завқ блан пахта териларди. Олтинойнинг қўллари машина бўлиб кетди. Бир-биридан ўзиш шавқи қизларни энтиктирар, шоширар этаклар тўлайбошларди. Ундан кейин қоплар, қоплардан кейин қанорлар тўла бошлади. Ер четида катта қозон қурилди. Қозонга бутун бир „нимта“ солинди. Ер ўчоқда эски, қуруқ ғўзапоя гуруллаб ёнабошлади. Кечга яқин колхоз юк машинаси пахта пунктига икки марта бориб келди. Эртасига, машина яна пунктга бирнеча марта қатнади.

Икки кунлик меҳнат блан сўнги „1 процент“ бажарилди. „1-Май“ колхози район партия комитети ва район советига рапорт берди. Рапортга колхоз раиси Деҳқонбой ота, колхоз партия ташкилотчиси Сотиболди, колхоз ҳосилот советининг раиси Тешабой ака, колхоз комсомол ташкилотининг секретари Самад Элбоевлар қўл қўйишди.

* * *

Колхоз давлатга пландан ташқари пахта бераётган кунларнинг бирида, Сотиболди блан Деҳқонбой ота ёнма-ён икки пайкал ўртасидаги марза блан шийпон томонга юриб боришарди. Сотиболди елкасига шинелини солиб, чап қўли блан белидаги энлик камарини ушлаб борар эди. Бошида армияда кийган фуражкеси, оёғида этик.

Деҳқонбой ота бўлса сариқ чакманини кийган эди. Оёғида махси-ковуш. Секин-секин юриб боришади.

Икки томон кенг пахтазор. Пахтазорда теримчилар. Ҳар замонда қўшиқ эшитилиб қолади.

— Колхозимизга бир ҳоммом керак-да, — деди Деҳқонбой ота. — Эрта кўкламда қурилиш ишини бошлаб юборсак...

— Тўғри, — деди Сотиболди. — Энди сиз блан бир ишлашамиз. Ҳақиқий ишимиз энди бошланади.

Улар шийпон лабига бориб, ўтиришди. Сотиболди этиги қўнжидаги газетани олиб очди, овозини чиқармасдан ўқийбошлади.

Бир нафаслик сукутдан кейин, Деҳқонбой ота яна гапира бошлади.

— Назаримда, яшариб кетаётганга ўхшайман. — У кулимсиради. — Ажаб, вужудимда қувват пайдо бўлаётибти. Юриб чарчамайман. Илгари, далани бир айланиб чиққанимдан сўнг, чарчаб қолардим... Азаматларимизни кўриб одам қуванади-да. Ишқилиб, ҳардоим хурсандлик бўлсин.

— Тўғри, — деди газетани ёпиб Сотиболди. — Илгарига қараганда жуда тетиксиз. Мен бунни сезаётирман. Ҳалол меҳнат қилган одам бу юртда қаримайди, чўкмайди... Чунки бу — совет юрти. Бу юртда одам яшаради, ўсади. Ўртоқ Сталин 70 ёшда. Лекин ўртоқ Сталин жуда буюк вазифани адо этаётир. Биз ҳардоим ўртоқ Сталинга қарашимиз керак, Сталин ҳамма соҳада бизга ўрнак бўлади. Ҳамма вақт ўртоқ Сталинга қарашимиз керак!

Деҳқонбой ота Сотиболдига жон қулоғини тутиб турарди.

(Давоми бор)

1948 йил
Тошкент

ПУЛАТ МҶМИН

ЗОҲИРБОЙ ВА ТОҲИРБОЙ ҲАҚИДА

Бир колхозда яшайдилар
Икки тенгдош — биродор.
Номлари-чи: Зоҳир, Тоҳир...
Кўринишда баравар.

Зоҳирбойи зап азамат,
Чаққон йигит ҳар ишда.
Дўстларидан қолишмаган
Кўклам чигит экишда.
Звеносин кучи блан
Билқиллатди ерини.
Ғузаларни хўб чопишди
Тукиб меҳнат терини.
Бутун колхоз бўйлаб улар
Иши борди олдинда.
Сув беришди қондиришиб
Ғузаларга ойдинда.
Кўрибсизки Зоҳирбойлар
Хўб ишлашиб ёз бўйи,
Бошқалардан баланд бўлди
Аҳил дўстлар обрўйи.

Ўлкамизга куз ҳам келди
Йигим-терим авжида.
Катта хирмон уларники,
Товланар нур мавжида.

Колхоз бўйлаб кеча-кундуз
Қизгин борар терим-иш.
Аммо анав Тоҳирбойнинг
Иши жуда чатоқмиш.
Эрта кўклам Тоҳирбой ҳам

Звенога бўлган бош.
Бирга ишга тушган эди
Белни боғлаб беш тенгдош.
Лекин Тоҳир бошлиқман деб
Қилмади тер тўкиб иш.
Сансалорга қолиб кетди
Ўзаларни парвариш.
Дангасалик касалига
Йўлиққанди Тоҳирбой.
Ҳамма унинг аҳволига
Деяр эди: „Аттанг — вой“.
Танқид деган дори унга
Қолган эди кор қилмай.
Пасқам жойда ухлаганди
Дўстларидан ор қилмай.
Аҳл дўстлик бўлмади ҳеч
Меҳнатда ҳам гап сўзда.
Тоҳирбойлар ерга боқди
Куз келганда колхозда.

Зоҳирбойлар ясадилар —
Олтин хирмон пахтадан,
Аҳл дўстлар юзи ёруғ
Ҳалол меҳнат-бахтидан.

Ноябрь, 1948 йил

ШОНАЗАР

АҲИЛЛИК

Аллақачон яллиғланиб қуёш-ойбарқаш,
Ботиб кетди, пахтазордан қайтардим ман.
Ҳамроҳ эди кекса бир чол:

— Мана бизнинг уй.

Бўтам, қани бизникига, дам олинг, меҳмон.
Ҳеч қўймади меҳмон бўлдим чолнинг уйида
Ўтир, — деди, жой кўрсатиб уйнинг тўридан
Ўзи катта тарвуз сўйди.

Ичига сиғмай

Тоғ узумдан узиб келди кампир сўридан.
Чол тироғлик қоп-қанорни кўрсатиб: — мана
Томорқада ҳосил чакки бўлмади бу ёз...
Шипда осиқ турар эди қатор олма, нок,
Шода-шода гаримдори, уч бойлам пиёз.
Шянам уйга безак бўлиб турар балдоқдай
Шипдан ерга теккудайин уч атан узум
Бир бурчакда думалашиб ётар торвузлар.
Данак-мағиз тизилган ип маржондек узун.
Давлатидан мамнун бўлган чол кулиб, деди:
Катта ўғлим бўлса биргад, ишда биринчи
Ўзим, кампир олмазорда қоровул эдик,
Келиним ҳам колхозда кўп яхши теримчи.
Кампирга ҳам шоҳи кўйлак тегди мажлисда
Мақтанишмас, хизматимиз бизнинг, бир ёғи.
Яна колхоз дон бермоқчи меҳнатимизга
Давлатимиз яна зиёд бўлади, чоғи.
Ҳеч қўймади, меҳмон бўлдим чолнинг уйида
Булдим сахий деҳқонча мўл дастурхонида.
Юрагида содда, илиқ муҳаббат кўрдим,
Саховатин тотдим ўнинг парча нонида.
Пахтазорда чолни бир бор кўргандим, халос
Ҳеч қўймади, меҳмон бўлдим, шунда ишондим.
Бизнинг элда ҳамма тотув-иноқлигига
Ҳалқимизнинг дўстлигига яна бир қондим.

22 Октябрь, 1948 йил.
Юқоричирчиқ

МАННОН ҒАНИ

ПАХТА ТҮЙИДА

(Янгийўл пахтакорларига бағишланади)

Меҳнатингиз кетмади зойи',
Янгийўллик қадрдон дўстлар.
Элу-юртда юзингиз ёруғ,
Букун ватан, элимиз қутлар.

Куни кеча рапорт бердингиз
Тўлди дея пахта плани.
Зинатхондек чевар қизингиз
Юртимизнинг дўст-қадрдони.

Эрта куздан садафдай тушди,
Пахтазорга манглай терингиз,
Шудгор қилиб қавс сувидан,
Бўрсиллади бутун ернингиз.

Аёз тунда қиров тушганда
Қўлларингиз қаваргани рост.
Шу туфайли пахтаингиз бугун
Оппоқ қордек очилган қийғос.

Янгийўлнинг ҳар хонадони
Ўтказмоқда тўю ма'рака.
Келгусини ўйлаб турибди
Донг чиқарган Ҳамроқул ака.

Меҳнатингиз кетмади зойи',
Янгийўллик қадрдон дўстлар.
Элу-юртда юзингиз ёруғ,
Бугун ватан, элимиз қутлар.

11/ХІ, 1948 йил

ОҚ ҚУШЛАР

Кенг далага қўниб олибди,
Эрта тонгда оқ қуш галаси.
Гўё кеча босиб ёққан қор
Та'рифининг йўқ ниҳояси.

Бу қушчалар нега учмайди
Қанотлари синиқ, чўлтоқми?
Неча-неча тоғларни ошиб
Денгиз ёқдан келган қўноқми.

Йўқ, бу ўша му'жиза чигит,
Бутун ёзги қилинган меҳнат.
Колхозчининг пешона тери,
Бугун оппоқ оқ қушлар сифат.

17/XI, 1948
Янгиёул

КОМИЛ МУҲАММЕДОВ

УЧРАШУВ

Хикоя

Мен Карл Маркс кўчасидаги универмаг ичида кўларим қамашиб, анғқайиб юрарканман, кимдир тўсат қўлимдан ушлади-ю, ҳечнарсадан ҳечнарсга йўқ, олдинга қараб судраб кетаберди. Товба, ким экан бу? Тўладан келган, ўрта бўйли офицер. Юрагим шув этди: „бирон жиноят қилиб қўйдимми, ёки мени бировга ўхшатиб ҳазилкашлик қиляптими“ — деган хаёл миямни чизиб ўтди.

Мен „тухтаг, нима демоқчисиз“ дегандай оёғимни тираб олдим. У ҳам тўхтади-да, ялт этиб қаради. Менинг чўчиб тушганимни ва кучли ҳаяжонда қолганимни кўра, кулиб юборди — қипқизил семиз юзлари икки ёққа тортилиб, макка жўхоридай қатор терилган оппоқ тишлари ярқираб, шишадек тиниқ, кўм-кўк кўзлари йилтираб кетди.

У кўзимга ўтдек кўринди. Лекин шошиб қолганимданми, қачон, қайси жойда кўрганимни дарров эслайолмай, бақрайиб турабердим.

— Салом! — деди у қўллари блан икки ёғринимни ушлаб худди ўз туғишган укасини неча йиллар мобайнида энди кўргандай. — Мени танимаяпсанми, ҳо-о эсингдами кечаси лой кечиб сени етаклаб борганим?

Менинг ёдимга тушди. Юрагим бирдан худди дар'ёдай тўлқинланди, ҳаяжонли кўзларим ёниб кетаёзди, бирдан қичқириб ҳам юбордим:

— Салом ўртоқ лейтенант, наҳотки ўша сиз?.. — Бир-биримизни кучоқлаб қайтадан кўриша кетдик. У самимий кулиб деди:

— Ҳа, худди ўшанинг ўзиман... Броқ, ҳозир лейтенант эмас, капитанман.

— Кечирасиз ўртоқ капитан, мен шошиб қолдим. Сиз жуда ўзгариб кетибсиз. Шунинг учун ҳам тездан таний олмадим...

Бизлар қизишиб кетганимиздан, атрофимизга 5—6 одам тўплайиб қараб туришганини сезмай қолибмиз. Четроққа чикдик-да, яхшилаб ҳол-аҳвол сўрашдик.

Ажойиб нарсаки, одамлар тақдирини оғир вазиятга дуч келганда, аччиқ-аччиқ машаққатларни бирга бошидан кечирганларида, бир-бирига нақадар меҳрибон, нақадар қадрдон ва ажралмас дўст бўлиб қолишади. Мен блан капитан ўртамиздаги ана шундай дўстлик фронтда бўлиб ўтган бир воқиядан кейин бошланган эди.

Биз ҳозир ўша воқияни қисқача эслаб кулиша бошладик. Товба жиндаги ҳам эсимдан чиқмапти. Кўз олдимдан кино лентасидек ўта бошлади. Воқиа шундай бўлган:

1944 йил апрель ойининг бошида бизнинг корпусимиз Витебск учун кураш майдонидан Орша шаҳри ёқасига кўчиб келди.

Танклар, пиёда аскарлар, батареялар, миномётчилар... уларнинг ортида майда-чуйда хўжаликларнинг тақир-туқури ортилган машиналар, аравалар, хуллас корпуснинг борлиқ оиласи йўл-йўлакай резина сингари чўзилиб кетган эди. Улардан кўтарилган говур, кий-чув, гувиллаган мотор овозлари, ҳайқириқлар, қаҳқаҳаларни кўяберасиз.

Бугун пешиндан кейин корпусимиз деярлик манзилга етди. Бўлимларни катта йўл ёқалаб кетган узун ўрмон ичига ютди.

Ниҳоят, бизнинг радиоротамиз ҳам белгиланган маррага етиб келди. Радиостанция ўрнатилган машиналаримиз йўлда, гоҳда бузилиб, гоҳ, кундузми, зимистон тундами ўнгқир-чўнгқирга ёки ботқоққа тикилиб қолгандаги йўл азоби — гўр азобларини ҳам кўяберинг.

Катта йўлнинг регулировщик турган жойидан ўнгга бурилиб икки-уч чақиримча наридаги ўрмонга бориб кўнишимиз керак.

Кеча кун-тун тинмасдан роса ёмғир ёққан, ерлар ҳали билч-билч лой, кўлмак сувлар сингмаган, мумдек лойлар худди магнитга ёпишгандай оёқдан ажралмайди. Бугун ҳам ҳаво айнаб турипти. Осмон, кишининг баъзида бўладиган кўнглидай хира, борган сари лойқаланмоқда. Ёмғир ёғиш афти бор.

Катта йўлдан ўрмонгача бўлган масофанинг ярмидан кўпроғига, — ўртаси очиқ қолдирилиб, машина ҳамда араваларнинг иккала ён филдираклари сиға оладиган қилиб, — узун-узун тахталар тушалган эди. Кун кеч бўлай деб қолганда машиналаримиз ўша тахта йўлнинг бизларга керак бўлмаган томонга бурилиб кетган жойигача уринмай-нетмай юриб борди. Сўнг тўғрига — лой унча қалин бўлмаган ердан 50 метрча юрилгач, ўрмонга яқин ботқоқлик жойга дуч келиб, қандай ўтишни ўйлашиб қолдик. Бошқа ёқдан айланиб ўтишнинг иложи йўқ. Командирларимиз бир лаҳзада „Ҳа, ҳа“ қилиб ишни қизитиб юборишди. Биз солдатлар лойларда шалпоқлаб бориб, ўрмондаги ингичкароқ дарахтларни қирқдик, елкамизда ташиб келтира бердик. Ахир, кўпчиликдан қуён қочиб қутила олар дейсизми? Бир пасда қараб-сизки, ёғочларни ипга тизгандай кўндалангига қатор териб кўп-рик ясадик. Машиналарни итара-итара зўр-базўр ўрмонга кири-тиб олдик. Ҳамма эркин нафас ола бошлади. Елкамиздан юки-мизни тушургандай бўлдик.

Энди командирларимиз елиб-югуриб, қайси экипажнинг қайси жойда бўлишини аниқлаш блан овора.

Кун бўйи осмонни лойқа булутлар қоплаб тургани ва ҳамма-ёқ ҳўл бўлгани учунми, кун кеч бўла бошлаган сари ҳаво совуқлашиб борарди. Менинг қизди-қиздида терлаган баданим энди жунжиб, жиққа ҳўл оёқларим музлай бошлади.

Шу чоқда ўрмон ичида ҳарқаер-ҳарқаерда пайдо бўлган гулхонлар чатирлаб ёнар, бора-бора улғаяр эди.

Ўт қизигида ҳўл ва смолалик игнабаргли арча шохлари чатирлаб, ёки ҳўл оқ қайин ёғочлари пишиллаб ёнаберади. Гулхонларнинг зўр алангаси гўё ўрмоннинг бутун ичини ёритиб юбормоқчидек лоп ураркан, қарағай ва қайин дарахтларининг худди сирлангандай силлиқ таналари ўт шу'ласида қизариб ярқирайди. Буралиб-буралиб кўтарилаётган қуюқ оқ-қора тутунлар дарахтларнинг қалин шохларини қучоқлаб олар эди.

Мен ҳозир маза қилиб исинаман, деган хаёлда гулхон сари энди силжиган эдим, орқамдан қимдир:

— Муҳамед! — дея чақириб қолди.

Мен қайрилиб қарасам, новча, арриқ, узун бурунли командиримиз капитан Решетняк:

— Буёққа кел, дарров! — деди қат'ийлик блан қўлини силтаб.

Мен югурганимча унинг олдига келдим-да, чест бериб:

— Буйруғингизга ҳозирман. — дедим.

— Сен ҳозир дарров катта йўлга — ҳув, регулировшик турган жойга бориб тур. Катта йўлда „Марс“ экипажининг машинаси бузилиб қолган, яқинда келиб қолиши керак. Сен уларни буёққа бошлаб кел, бўлмаса, тўғрига ўтиб кетишлари мумкин. Агар келмаса, яхшиси уларнинг олдига бор-да улар блан бирга келасан.

Капитан кимга бўлмасин топшириқ берганда „хўп“ десанг, унга ёқиб тушади. Агар бирон баҳона кўрсатмоқчи бўлсанг-чи, „бас, айтдими, бажар!“ деб жеркиб ташлайдиган одатини билар эдим. Мен „хўп“ дедим-да, йўлга тушдим.

Қўлида байроқча, енгига қизил латта бойлаб олган регулировшик олдига келиб машинани бир пас пойлаб турдим. Регулировшик ўзи блан ўзи овора — уёқдан-буёққа гув-гув ўтаётган машиналарни тўхтатарди-да, нимасиндир текшириб ўтказар эди.

„Марс“ экипажининг машинаси мана ҳозир келиб қоладигандай тўрт бўлган кўзимни унг томондан узмас эдим. Лекин машина тушмагур, ҳа деганда келабермади. Энди у бузилиб қолган жойга бориш керак. Броқ, кўп ўтмай, қоронғилиқ ҳамаёқни ўраб олди. Мен қандайдир зимистон ғор ичига кириб қолгандай бўлдим. Бутун эс-ҳушим машинага оғиб, интизор бўлиб турганимданми, бир нарса эсимга ҳам келмапти. Юрагим ура бошлади. Энди аччиғим қўзиб, ғазаб блан ўзимни-ўзим сўксам керак деб ўйладим. Аммо, негадир ўзимга-ўзим кулгим қистар, ақлимни турли хаёллар олибқочади: „Ҳе, товба, буёғи қандай бўларкин, энди менинг ҳолимга маймун йиғлаши турган гап...“ Тақдирим қандай ҳал бўлмоғини ўзим ҳам кўргим келаётгандай

туюларди. „Аттанг, эсимга келмапти, капитанга айтганимда бошқа одамни юборармиди“ деб ўқиниб ҳам қўйдим.

Майли бўлар иш бўлди. Энди пушаймон чекишнинг ҳожати ҳам йўқ. Ўзи нима гап дейсизми, — бугун учинчи кунки, қоронғи тушиши ҳамона кўзим кўрмайдиган касалга дучор бўлган эдим. Мана ҳозир ҳечнарса кўрмаяпман. Кўз олдимни кўкимтил доғ қоплади олди. Қимир этсам башарамни деворга уриб оладигандай туюлади. Бахтга қарши донм киссамда олиб юрадиганим фонарни эса аксига бу сафар машинада қолдирибман.

Камбағални туянинг устида ит қопади дегандай, ана ёмғир ҳам томчилай бошлади. Муздек ёмғир доналари манглаймга, бурним уччига томаётганидан сезиб турибман.

Нима қилиш керак, энди ўтаётган машиналарни кўрмайман, регулировщик шофер блан нимадир гаплашганда, мотор овози туфайли тушуниб бўлмайдиган товушларинигина эшитаяпман ва ўтаётган машиналарнинг чирогинигина кўраяпман, халос. Биргина умидим — агар машинамиз келиб қолса, у блан бирга ротамизга етиб оламан. Афсуски, кучли ховотирда қолдим — бу ҳолда тура берсам, машинанинг албатта ўтиб кетишига шак-шубҳа йўқ. Тезда бирон чора излай бошладим. „Марс“ экипажининг машинасини кўз олдимга келтириб ўйладим: „Сўқирмиди, ёки иккала кўзи бутмиди... ҳа, айтгандек сўқир эди“. — Энди оғир аҳволдан қутилдим деб ҳис қилдим. Бир кўзи кўр машина келиб тўхташи бланоқ шоферимизнинг фамилиясини айтиб қичқираман:

— Шорохов, ҳо-о Шорохов...

Йўлинг бехатар бўлғурлар, ҳеч қайсиси „мен“ демайди. Демак, бизнинг машина ҳали келганча йўқ. Қичқирабериб овозим бўғилай деб қолди. Куларимни ҳам билмайман, йиғлашимни ҳам. „Ҳе товба, қандай кунга қолдим, буларнинг ҳаммасига уруш, уйнинг куйгур Гитлер, виноват...“ — дер эдим зўр бериб.

Қичқирини давом этдим:

— Шорохов, ҳо-о Шорохов...

Яна ҳечким жавоб бермайди. Регулировщикнинг жонига тегдим шекилли, у ҳайқириб қолди:

— Сен кимсан ўзинг, жинни-пинни бўлганмисан, нега қичқираялсан, ҳўкиз-пўкизинг қочиб кетдимми?

— Оғойни „кўрмисан“ деб сўрасангчи аввал—дедим.

— Ҳа, адашиб қолдим, дегин, қандай анқов одамсан, боятдан буён қаёққа боришинг кераклигини айтганингда-ку, мен сени йўлга солиб юборган бўлардим. — У мenden жавоб кутмасданоқ яна машиналар блан овора бўлиб кетди...

— Шорохов, ҳо-о Шорохов...

— Сен ростдан ақлдан озганга ўхшайсан — деди у яна жаҳли баттар қўзиб. Менга яқин келди-да, қўлидаги фонарининг сутдек шу'ласини юзимга тўқди. Мен қўлим блан кўзимни тўсди олдим. У:

— Сигирга ўхшаб ма'раб тура берасанми, ким керак сенга, айтсангчи?! — дея дўқ блан қўшиб қўйди. Мен юмшоқлик блан дедим:

— Оғойни, жаҳлинг чиқмасин, менинг кўзим қоронғи туш-
гач кўрмайди... Бизнинг бир машинамиз келиши керак эди. Ўтиб
кетмасин деб қичқираяпман.

— Шундай демайсанми, қанақа машина эди, тўхтаганда мен
сўраб кўрай?

— Бўлмаса шундай қилгин оғойни, барака топкур. Усти ёпиқ
машина — радиостанция. Ҳа, айтгандай эсингдан чиқарма, маши-
нанинг бир кўзи кўр...

— Ҳо-ҳо-ҳо... — у негадир шарақлаб кулди, — энди тушун-
дим, кўр кўрни қоронғида изляяпмиз дегин. Жим турабер. Ма-
шинангни топиб бераман, — деди у ва яна ўз жойига кетди.

Менинг кўнглим пича тинчиди, яна умид пайдо бўлди. Та-
нам ушиб елкамни қисиб олдим. Оёғим-ку музлаб қолди. Ёмғир
эса сепалаб турипти. Бошимдаги пилотка қондими, сув бўйнимга
оқиб туша бошлади. Шинелим ёмғирни шима-шима оғирлашиб кет-
ди. „Ҳе, товба...“

Кўзимни ишқалайман, пир-пиратиб кўраман, бояги-бояги —
бойхўжанинг таёғи. Кўз олдимдан кўкимтил доғ кетмас эди.
Қоп-қоронғи ўра ичига тушиб қолгандай турибман.

Тура бердим, тура бердим. Машинадан дарак йўқ. Умидим
узилди. Вақт анча-мунча бўлиб қолди. Борган сари машиналар
ҳам камайиб, ҳарзамон-ҳарзамонда биттаси ўтиб кетади. Регу-
лировшик жони кириб тинчиб қолди. Менинг олдимга келиб
афсус блан деди:

— Машинанг ё ўтиб кетди, ё бирон жойда бузилиб ётипти,
энди ҳо тонг отганда келиши мумкин.

Менинг нафасим ичимга тушиб кетди. Кўнглимга ғам тоши
ботди, ҳеч нарса дегим келмас эди, мунгкайиб тура бердим.

— Мен сенга айтсам, — деди у салмоқ блан, — ҳеч хафа бўлма.
Иккимиз гаплашиб ўтириб тонготдирамиз... Биз солдатларнинг
куни шу-да, биродар...

У ҳархил савол берабериб, мени гапиришга мажбур этди. Боя-
ги жекиришидан „ёмон одам экан“ деб ўйлагандим. Йўқ, жуда
меҳрибон, дилкаш одам экан (иш вақтида ҳамманинг ҳам жаҳли
чиқади-да). Менинг кўнглим очилиб кетди. Ақдан-бақдан суҳбат-
лашиб, дардлашиб турдик. Мохорка ўраб чекдик. Машина кел-
ганда у ўз жойига боради-да, яна менинг олдимга қайтиб кела-
ди... Вақт чамамда ярим кеча бўлди. Яна ғашланган кўнглимни
гўё қурт ковлар эди. Тоқатим тоқ бўлди, машинанинг келмасли-
гига аниқ ишондим. Энди қандай бўлсада, ўрмонга етиб олиш
чорасини излар эдим. Регулировшик ҳам мени бу ҳолдан қут-
қаришни ўйлаб кетдими, индамай қолди, тез-тез йўталиб кўяр
эди...

Шу аснода кимдир қўлида хира шу'лали фонар кўтариб, ичи-
га сув кирган этигини жилқ-жилқ эткизиб йўлдан ўта берди.
Мен қўлимни чўзиб олдимда турган регулировшикни туртдим:

— Сўраб кўрсангчи, балки биз томонга бораётгандир.

У ўткинчига қарата фонарини ёритиб юборди, шу'лада ялтираб
кўринган ёмғир томчилари игна ёғаётганга ўхшаб кетар эди.

Ўткинчи — этигидан тортиб, белига қадар лой сачраган, ёпиниб олган плаш-палаткаси жиқ ҳўл, орқасида плашни туртиб тўмпайиб турган қопчаси эса, худди букур одамнинг елкасини эслатар эди, ўрта бўйли, кўринишича офицер бўлса керак. У фонар ёригидан чўчиб тушгандай орқасига қайрилиб қараркан, шу'ладан кўзлари тинжираб, сув ювган юзини буриштириб олди ва:

— Ким бу?—деб сўради.

Регулировщик унинг олдига борди-да:

— Кечирасиз, сиз қайси қисмга қораяпсиз?— деди.

— Нима қилди?

— Бу ерда бир солдат бечора, ўз қисмига боролмай турипти. Қоронғида кўзи кўрмас экан.

Офицер ишонмагандай менга яқинроқ келиб, фонарни афтимга тутди:

— Қаёққа бормоқчисан?

— 36-нчи корпусга.

— 36-нчи корпусга? Қаерда жойлашганини биласанми?— У негадир шошиб сўради.

— Биладан. 2—3 чақиримча нарида. Шўтда тахта йўл бор, шундан борса бўлади.— Мен унинг ошиғич сўрогидан бизнинг корпусни қидириб юрганини англадим.

— Ростданми?— У қувониб кетди.— Мен ҳам ўша корпусданман. Қидира бериб абжағим чиқаёзди. Қандай қилиб топишимни билмай, ҳайрон бўлиб келаётган эдим. Яхшиям сен учраб қолдинг. Қайси бўлимдансан?

— Радиоротадан. Сизчи?

— Мен кабельний ротага боришим керак. Бўлмаса, вақт кетмасин, қани юр бирга борайлик.

— Менинг кўзим кўрмайди-да.

— Ҳеч қиси йўқ. Етаклаб оламан. Орқалаб бўлса ҳам олиб бораман. Менга йўлни тушунтирсанг бас... Тахта йўл деганинг мана шуми, шу йўлдан борсак бўладими?— У сал юргач, оёғи блан тахтани дукиллайтиб сўради.

— Ҳа, мана шу.

Мен регулировщикка машинамизнинг белгисини, шоферимизнинг фамилиясини такрорлаб, агар келиб қолса, шу тахта йўлдан бориб ўрмонга киришини тайинлаб қўйдим. Офицер мени етаклаб олди. Менга турли саволлар берар, мен Тошкентли эканимни, қачон ҳарбий хизматга чақирилганимни айтдим. У ҳам қайси бир вақтда Тошкентда бўлганини сўзлаб берди. Шу тарз гурунглашиб, тахта йўлни дусирлатиб борабердик. Мен „товба, умрбод кўрлар қандай қилиб юрар экан“ дея таажжубланар эдим. Худди капалакка ўхшаш кўкимтил доғ ҳануз кўз олдимда. Қанча илдамроқ юрганимиз сари, оёғим қўрқоқлик қиларди. Чунки, гўё мана ҳозир ўрага тушиб кетгудай, ёки башарамни бирон нарсага уриб олгудай эдим. Йўлдан тойиб лой-сувларга шалоб-шалоб йиқиламан, офицернинг устига лой сачратаман. Йиқилган заҳотим у мени тезда кўтариб турғизади, яна етаклашни давом этади. Шундай қилиб, бирнеча даф'а йиқилдим. Афтимга лойқа сувлар

сачраб, кўзимга, оғзимга кириб кетади. Тирсак ва тиззаларимни тахтага уриб майб қилаёздим. Шунга қарамай, сиримни бой бермайман. Майли, лат есамда, ротага зора етиб олсам, деган ният-даман. Менинг назаримда офицернинг ҳам авзойи бузилаяпти, балки мени йўлдош қилиб олганига минг пушаймон еяётгандир. Гоҳда беихтиёр: „Ҳали анча юрамизми?“ дея сўрар, йиқилганим-да эса, аччиқ аралаш: „Кўрмисан!“ деб юборар, ёки: „Қандай қилиб кўр бўлгансан ўзинг“ деб қўяр эди.

„Ҳали узоқми?“ деганда мен:

— Тахта йўл бориб-бориб чап томонга бурилади, ўша бурилишдан четга чиқиб ботқоқ орқали ўрмонга ўтишимиз керак,— дедим. Мен, у бу саволни узоқ йўлдан қўрқиб эмас, балки мен „бало“дан қачон қутилишнинг ўзоқми, яқинми эканини билмоқ учун бераётгандир, ҳақиқатан уни қийнаб қўйдим, деб хижолат торта ва иш қилиб, мени йўлда ташлаб кетмаса гўрга эди, деб хавотирлана бошладим.

Бахтга қарши унинг қўлидаги фонар қувватсизланиб лампочкаси чўгга ўхшаб қолди. Энди ўзи ҳам туртиниб-суртиниб боради. Атроф зимистон, кўзи соғ одамнинг ҳам бирон нарсани яққол қўра олиши маҳол. Бировни мададга қақирай десак, ҳаммаёқ зимзиё — гўё оламда иккимиздан ўзга ҳеч нарса қолмаган. Фақат қуюлиб ёғаётган ёмғирнигина эшитамиз.

У ҳам роса чарчади, амаллаб секин-аста мени етаклаб боради. Ба'зида унинг товонини босиб оламан... Бирдан нимагадир қоқилиб кетдим, уни қучоқлаб олганимда эҳтимол ёмон йиқилар эдим. Броқ, оёқларимиз чалишиб кетиб, иккаламиз ҳам гурсиллаб йиқилдик.

— Сен мени чарчатиб ўлдирасан шекилли — деди у ўрнидан тураркан, анчайинми, ёхуд „бошимга бало бўлдинг“ деган ма'нодами, англай олмадим. У ниҳоят қаттиқ „ух“ тортиди-да:

— Кел бир пас ўтириб дам олайлик,— дегач, иккимиз ҳам турган жойимизга ўтирдик.

— Тфу! — у қизиб турган ёғ бирдан ёниб кетгандай тутоқди.— Бундай аблаҳ уруш тезроқ тугай қолса эди... Эҳ, ука, хонавайрон бўлгур Гитлер фақат иккимизнигина эмас, бутун дун'ёни ташвишга солиб қўйди... Ма, папирос чекасанми?

Мен пайпаслаб унинг қўлидаги папиросни олдим, у зажигалкасини ёқиб, папиросимизни тутатдик. Ҳар ёқдан бир пас гаплашиб ўтирдик. Ҳордиғимиз чиқди. Менинг ҳам кўнглим очилгандай бўлди.

— Қани, тур вақт кетмасин! — У мени қўлтиқлаб турғизди. Мен жилла бўлмаса, гап блан унинг кўнглини қўтариб турай десам, қаттиқ хижолатда бўлганим сабабиданми, тилим сўзга келмай, махлуққа ўхшаб қолдим. Бундан ташқари, кўнгли қолдириш осону, кўнгли олиш қийин деганимиздек, ҳарҳолда гап блан киши кўнглини кўтара билмоқ учун хос фазилат бўлиш ҳам керак-да. Мен ниҳоят, ўзимни мажбур қилиб сўрадим:

— Сизни нима деб аташимни билмаяпман, унвонингиз нима?

— Лейтенант.

— Ўртоқ лейтенант, мени кечирасиз-да, сизни ёмон қийнаб қўйдим, жуда хижолат тортаяпман...

— Бе-е, шунга ҳам хижолат бўласанми, бу ҳаммаси чепуха. — деди у ўзини хафа бўлмагандай кўрсатишга уриниб. — Қўлимни маҳкам ушла, кетдик... Тўхтаб турчи, миямга бир фикр келди, — у тўхтади-да, қўлимни қўйиб юборди. Мен белидаги камарини „ғурт“ эткизиб ечганини эшитдим. У бирон сирни фош қилгандай бўлди:

— Биласанми нима қилмоқчиман?

— Нима?

— Ҳо-ҳо-о, энди ишимиз жойида бўлади. Боядан буён ақлимизга келмаганини қара. Мана бунга ушла. — У камарининг бир учини менга ушлатиб, нариги учини ўзи ушлаб торта кетди... — Ана энди орамиз анча узайди, бир-биримизни чалиб йиқитмаймиз.

Мен ҳам буёғига беозор юрсак керак деб ўйладим. Аммо бояги йиқилишлар ҳалво экан, орамиз қанча узайгани блан, мени биров етаклаб қетаяпти эмас, якка ўзим бораётгандай, йўлдан тез-тез тоябердим. Яна ўша-ўша „шалоб“ этиб йиқилиш...

Бирдан фалокат босиб яна нимагадир дўқ этиб қоқилдим, худди сигирга ўхшаб лейтенантни бошим блан сузиб юбордим ва шалоблаб лойга йиқилдим. Лейтенантнинг кўтариб қўйишини кутиб ўтирмай, жон ҳолатда дик оёққа турдим. „Энди иш тамом, менинг тақдирим ҳал бўлди. Ҳозир мени боплаб сукади, ёки шу ерга ташлаб кетади“ деб ўйладим. Броқ, ўтириб олган лейтенант қўллари блан тиззаларини шапиллатиб урар, зўр бериб қихиллаб кулар эдики, мен нақ учаги узилиб кетди дедим. Мен унинг мени койиш ўрнига кулаётганига қувониб кетдим, ўз ҳолимга ўзим ҳам кулгям қистаб ҳоҳолаб юбордим. Тахтага ўтирдим-да, лейтенант иккимиз юрагимиз толгунча кулдик. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ниҳоят ўзимизни босиб олдик. Менинг гаш блан кирланган, ғам блан тўлиб, тош солинган халтага ўхшаб қолган кўнглим, топ-тоза ювилгандай ва тошлари тўкилди-ю енгиллашгандай бўлди. Лейтенантнинг кўнгли ҳам шундай бўлди, албатта. Мен унинг бу хусусиятидан ниҳоятда руҳлана, кўнглим анча ўсди.

— Оббо сен-эй, ажойиб кўр бўлибсан, ажойиб... Энди қачон хафа бўлиб қолсам, сени албатта топаману, кечаси етаклаб юрман, — деди лейтенант яна бир кулиб олгач ўрнидан тураётиб, — камар ҳам иш бермади, қани тур, боягидай етаклаб олақолай.

Биз яна шатаклашиб йўл юришни давом этдик. Кўп ўтмай лейтенант тўхтади:

— Мана бурилишга ҳам келдик. Йўл чап томонга қайрилиб кетган.

Тахта йўлдан ажралиш вақти келгани учун менинг юрагимга яна тош ботди. Оғир нафас олдим-да:

— Энди тўғрига борамиз, яна бир оз юрсак ўрмонга кирамиз, — дедим.

Тахта йўлдан чиқдик-да, лой кечиб юра бошладик.

— Ўртоқ лейтенант, энди қўлимни қўйиб юборсангиз ҳам бўлар, бу ер тахта йўл эмас-ку, шарпангизни эшита борабераман,— деган эдим, у қўлимни бўшатди... 50 метрча йўл юрилгач, ботқоқлиқ жойга етдик. Бор кучни тўплаб болдир бўйи ботқоқда борарканмиз, мумдек лой тишлаб қолаётган оёғимизни зўрға суғириб оларканмиз, ер ҳар қадамда қувватимизни сўриб олади. Лейтенантнинг этиги бир-икки марта суғирилиб лойда қолди. Тинкаси қуриб гоҳда йиқилади, ғазабланиб сўкинади.

Ботқоқ борган сари чуқурлашар, мадоримиз қурир эди. Шунда бирдан ҳу кўприк ясаганимиз эсимга тушиб, бу ҳақда унга билдирдим. Броқ кўприкка дуч келмадик. Унинг атрофида адашиб юрган бўлсак керак.

— Сен шу жойда дамингни олиб туратур,— деди ниҳоят лейтенант,— бўлмаса чарчаб юролмайд қолишинг мумкин, мен уён-бўённи излаб кўрай, зора кўприкка дуч келсам.

Мен кўз олдимда пириллаб турган кўкимтил „капалак“ дан ўзга ҳеч нарса кўрмай, болдиримгача ботқоққа ботиб турабердим. Лейтенант оёғини лойдан гўлпиллатиб суғира-суғира бораётганини эшитаман.

Бирор вақтдан сўнг унинг шарпаси ўчди.

— Эҳҳе-е,— деган товушини эшитдим.— Кўприк уёқда турсин катта ариққа йўлиқдик-ку...

Мен адашиб кетганимизга аниқ ишондим. Кўнглимни ғам баттар ўраб олди.

— Қани, мен томонга келабер,— деди лейтенант мени эшитмайди дегандай қаттиқ товуш блан.— Мен овозимни чиқариб тураман. Бир, икки, уч... бир, икки, уч... келаяпсанми?

— Ҳа келаяпман.— Мен зўр-базўр унга етиб олдим. Кўрмасам ҳам, шувиллаб сув оқаётган ариқ бўйида турганимизни сезаяпман.

— Назаримда ўрмонга етганга ўхшаймиз, дарахтларни унча мунча кўриб турибман,— дея у пича севиюди.— Ариқдан сувни кечиб ўтолсак бас, менянг орқамдан тушабер, мен сувни бўйлаб ўтаман, оқишидан чуқур эмасга ўхшайди.

Мен унинг ортидан сув кеча бошладим. Муздек сув ботинкам ичига югуриб кирди. Ёмғир суви бўлса керак, жуда саёз, лекин туби юмшоқ лой, оёғимиз тиззагача ботиб кетар, ҳар қалай осонлик блан суғуриб олар эдик. Бир пасдан кейин сув туби тақирланиб, одамнинг бошидай-бошидай тошлар учрай бошлади. Шу чоқ бирдан қаттиқ қоқилдим-у, ўнг тиззам тошга гурс этиб урилди. Худди биров темир тўқмоқ блан тиззамга ургандай бўлди. Бутун вужудим зирқираб кетди. Нақ биров жонимни миямдан суғуриб олди дедим. Тиззамни маҳкам ушлаганимча, сувга ўтириб қолдим.

— Нега тўхтаб қолдинг, юрабер, қўрқма, мана ҳозир қирғоққа чиқамиз.— Лейтенант менинг йиқилганимни сув шовқинида эшитмадими, ҳайронликда туриб қолди.

Мен жоисиздек қотиб, тилим сўзга келмай индайлмадим. У захраси учиб, сувни шўмбирлата олдимга югуриб келди:

— Нима бўлди, нега индамайсан, ука, йиқилдингми?— У мени кўлтиқлаб турғизди. Зарб еган бежон оёғим шалвираб, ерга сал текказсам зирқираб оғрийди.

— Тoшга йиқилиб тушдим, ўртоқ лейтенант,— дедим ниҳоят. У тездан оёғимни уқалай бошлади. Мен оғриққа чидайолмай, белимгача сувга ботиб ўтириб олдим. Лейтенант нима қилишини билмай, тик турганча оғир хўрсинди-да:

— Эҳ, аблаҳ уруш!..— деб юборди тишларини гижирлатиб ва жим қолди. Устидаги плашга ёмғир томчиларининг қитирлаб тушаётгани эшитилиб турар эди.

Шувиллаб оқаётган муздек сувнинг совуғи суяк-суягимдан ўтиб кетди, белимни қирқиб юбораёзди. Мен қўнглим бузилиб, сал йиғламсираган овоз блан дедим:

— Ўртоқ лейтенант, шунчаки етақлаб келганингиз учун раҳмат, энди мени шу жойга ташлаб кетаберинг. Бўри еб кетмас. Бир оздан кейин тонг этади, ўзим топиб бораман.

— Бе-е, қўйсанг-чи, бунақа бема'ни гапларни. Шунча жойга келганда энди ташлаб кетармидим... Мана мен ҳозир чорасини топаман.— У елкасидан қопчасини олдим, апил-тапил уринди. Сўнг мени суяб турғизди-да, оғриққа чидайолмаганимга қарамай, нима бландир тиззамни маҳкам ўраб ташлади. Энди оёғимни ҳеч ҳам буколмайман — худди ёғоч оёққа ўхшаб қолди.

— Кел орқамга ўтир, тезроқ!— деди лейтенант шошиб.

— Ие, сиз офицер, мен солдат, қандай қилиб мени орқалайсиз, ўртоқ лейтенант, жуда хунук иш бўлади-ку?

— Товба, сен қизиқ одам экансан-ку, сен киму, мен ким. Ҳаммамиз бир одам, мен ҳам яқинда сен каби солдат эдим... Гапни кўп чўзма, қани бўл тез,— деди у жаҳл аралаш ва мени орқалаб олди. Ахир ариқнинг нариги қирғоғига чиқиб олдик. У томон ҳам ботқоқ экан. Лейтенант оёғини лойдан зўрға-зўрға суғуриб олар, ҳарсиллаб пишқирав эди.

„Ўрмонга тезроқ етақолсак эди“— деб қаттиқ хижолатда юргим эзилиб кетди.

— Уҳ... бўлмаса бундай қилайлик,— деди у мени ерга тушуриб,— сен шу жойда бир амаллаб туратур, мен ўрмонга кираманда, бир-икки одам топиб юбораман, ма'қулми?

— Хўп, жуда ма'қул.

— Лекин жойингдан жилма!

— Хўп.

У ботқоқдан қийнала-қийнала ўтди-ю, шарпаси тинди. Мен пича енгиллашдим. Оёғимни авайлаб юмшоққина лойга ёнбошладим-да, не-не хаёлларга чўмиб кетдим...

Чамамда ярим соатдан кўпроқ вақт ўтгач, қаршидан бир-икки фонарнинг йилтиллаб кўринаётган ёруғи кўзимга чалинди. Мен илжайиб, оғзимни йиғиштириб ололмас эдим, қўнглим чироғдай ёриб кетди. Ҳечнарса бўлмагандай, гўё бу азобларнинг ҳаммасини тушимда кўрдиму, ҳозир уйғониб кетгандай бўлдим.

Кимдир менинг исимини айтиб қичқира бошлади. Бу — экипаж командиримизнинг ёрдамчиси сержант Поляевнинг овози

эди. Мен амаллаб дарров ўрнимдан турдим-да, уларга қараб қичқирдим:

— ...Мен буёқдама-ан...

Бир зумда улар мени ўраб олишди. Қотиб-қотиб кулишарди. Мен ҳам уларга қўшилиб кула бердим. Мени орқалаб олиб кетишди. Ўрмон ичига — экипажимиз жойлашган ерга етиб келдик. Машинадан ўртоқларим отилиб чиқди. Орамизда Тоня деган қиз бор, у менинг ҳолимга гоҳ куйиб пишар, гоҳ пихиллаб кулар, — тезда сув блан усти-бошимни ювди. Машинада — қопчамдаги ювиб қўйилган кийимларимни олиб чиқиб, кийинтирди..! Ичида гуруллаб печка ёнаётган машинага кирсам, бояги лейтенант воқияни айтиб ҳаммани кулдириб ўтирган экан. Эндигина, сут янглиғ ёруғликда бир-биримизнинг башарамизни аниқ кўрдик. У, оғир кунларнинг машаққатларини чека бериб сўлиб қолган юзлари икки ёққа тортилиб, макка жўхоридай қатор терилган оппоқ тишлари ярқираб, кулар эди. Мен уялганимдан қизариб кетдим. Унга зўр миннатдорлик билдириб, қилган яхшилигини ёдимдан асло чиқармайжагимни айтдим. Бироз гаплашиб, ҳушвақт бўлиб ўтирдик. Лейтенант кетишга отланди. Худди ўз туғишган окам узоқ йиллардан буён энди келди-ю, бир куноқ туриб кетаётгандай — ҳали бир-биримизнинг дидоримизга тўймагандай суқ блан қўл сиқишиб хайрлашдик...

* * *

Мен санитария бўлимига уч марта борганимдан кейин кўзим тузалиб кетди. Ҳафталар ҳафталарни қувлаб ўтаберди. Аҳёнда лейтенант блан учрашиб қоламиз. Мен ўша куни тошга йиқилганимда унинг тиззамга ўраган қўйлагини Тоняга ювдириб дазмол бостириб, бир куни ўзига элтиб бердим...

Июнь ойининг охирида Орша шаҳри учун қирғинли ҳужум бошланди. Қўшинларимизнинг зарбасига бардош беролмаган немислар Оршани ташлаб қочди. Бизнинг корпус Оршадан ўтиб Минск томон силжий бошлади. Йўлда, немислар Минск шаҳрини бермаслик мақсадида жоғларининг борича уринаётган ерга — Неман кўлига етганимизда оғир қийинлик блан ўтишга тўғри келди. Сув бетига қатор тизиб қўйилган қайиқлар устига ясалган кўприк доим чайқалиб турарди. Айниқса оғир машиналар ўтаётганда бесарамжон бўлган сув кучли тўлқинланиб қайиқларни терватар, машина эса йиқилай-йиқилай деб ўтар эди... Корпуснинг олдинги қисмлари ўтиб бўлгандан кейин, алоқа батальонига гал келди. Лекин хоҳ кундуз, хоҳ тунда немис аэропланлари итпашша сингари кўприк тепасида тез-тез пайдо бўлар, бомба ташлаб кўприкни кун-фаякун қилиб ташлар, ё тўпланиб қолган машина, арава, от ҳамда одамларни тўзитиб юборар, ёки атропофдаги зенит тўпларнинг қаҳр блан сочган ўтлари ичида гангиб қочар эдилар...

Бугун кеч қоронғуси куюқлаша бошлаганда кўприкдан ўтиш учун, гарчи кабельний ротанинг навбати келган бўлса ҳам, аввал бизнинг радиоротамизга ўтишга рухсат берилди. Битта ра-

диостанциямиз чайқала-чайқала нариги қирғоққа энди ўтиб олган эди, тик тепамизда мотор овози гувиллаб қолди. Ён-атрофдаги прожекторларнинг ҳавога кўтарган узун-узун, йўғон нур чизиқлари бир-бирини кесиб қоронги осмондан аэропланни қидира кетдилар; зенит тўплар туш-тушдан ўт пуркашар экан, ёниб ўчаётган ўқлар, худди маржон сингари ипга тизилгандай, майда қизил лампочкаларга ўхшаб кетар эди.

Одамлар ўзларини шу заҳотиёқ 20—30 метрча наридаги қалин ўрмон ичига урдилар. Аэропланлар қочишга шошилиб, ётиб қолгунча отиб қолайлик дейишдими, бомбаларнинг ваҳимали ҳуштак овози эшитилди. Кўлдаги сув гумбурлаб узун ва йўғон устунга айланди-ю, тикка кўтарилди-да, яна чўкиб кетди. !

Ғуж-ғуж тўпланиб қолган машина, аравалар тўзғиб кўкка кўтарилди, отлар ўлгани ўлиб, ўлмагани тарақайлаб қочди.

Бизлар ўрмон ичида ўнқир-чўнқирларда буқиб ётарканмиз, ўрмонга ҳам бомба тушди шекилли, гумбирлаб кетди. Бурнимга порохнинг сассиқ ҳиди бурқиб кирди, устимга шувиллаб тупроқ тўкилди, синган шохлар келиб тушди, қулоғим остидан бир-икки парча гувиллаб учиб ўтди. Қий-чув, дод-фар'ёд кўтарилди. Ким ўлди, ким ярадор бўлди, қоронғида билиб бўлмайти. Табгиридан адашган санитарлар ярадорларни топанчича териб олишти.

Аэропланларнинг овози ўчгач, одамлар ўрмондан чиқасолиб,— ким-кимни йўқлаб, ким нимани қидириб,— чувиллар эдилар. Менинг дукиллаб ураётган юрагим босилди. Экипажимиздаги дўстларимни йўқлай бошлаган эдим, бирдан, белимдаги сувдоним йўқолганини англаб қолдим. Дарров чўнтак фонаримни ёқдим-да, ўрмонга югурдим, ётган жойимни мўлжаллаб қидира бошладим. Сувдон бир чуқурга тушиб қолган экан, олиб энди орқамга қайтаётган эдим, нарироқда кимнингдир инграётган товушини эшитдим. Юрагим хофриқиб кетди. Диққат блан тинглаб, овозга яқин келдим-да, синиб тушган дарахтнинг қалин шохлари орасини ёритишим блан, қонга бўялиб ётган,— қора клиёнка блан қопланган айвони ялтираб турган,— фуражкани кўрдим. Тезда дарахтни четга суриб ташладим-да, белигача тупроққа кўмилган ва зўр бериб инграётган одамни кўтариб тиззамга олдим. Фонарим блан бошидан оёқ ёритиб қарасам, унинг ўнг сони жиққа қон, боши эса қонга ботириб олингандай эди. Киссамдан дастурмолимни ола солиб унинг юзини артдим. У оғзига қон тўлиб қолгани учунми, зўрға алланарса деб пичирларди. Мен шошилиб сувдонимни очдим-у, оғзига сув қўйдим, у сувни ташналик блан лўқ-лўқ ютаркан, кўзини очди. Мен бирдан ҳаяжонланиб кетдим— кўзимга ишонмай фонарни унинг кўзига яқин тутиб қарасам, ҳу ўша лейтенант эканини таниб қолдим— нақ йиғлаб юбораёздим, юрагим тошиб:

— Ўртоқ лейтенант... Сизми бу?— дея ҳа деб унинг оғзига сув қуяр эдим. У жонланиб кетди, хира ва ҳорғин кўзларини катта очиб:

— Бу ким?— деди.

— Мен, мен ўртоқ лейтенант, ҳо эсингиздами, кечаси лой кечиб мани етаклаб келган эдингиз.

— Наҳотки ўша сен?

— Ҳа, худди ўшанинг ўзиман...

Мен дарров ички кўйлагимни ечдим-у „парр“ эткизиб иккига бўлдим, унинг бошини бойладим, сонини ҳам маҳкам ўраб қўйдим-да, уринтирмай орқалаб олдим. Ҳаллослаганимча ўрмондан чиқиб санитарни чақирдим. Елкасига сумка осган икки қиз югуриб келишди-да, уни замбилга солишди... Мен қизлар кўтариб кетаётган замбилга ёндашиб унинг қўлини ушладим, юзимни юзига келтириб:

— Хайр, ўртоқ лейтенант, эсан-омон тузалиб кетинг — дедим. У нимадир деб шивирлади. Фақат:

— ...Хайр, ўлмасак учрашамиз, — деганини эшитаолдим.

* * *

Универмаг ичида бояги учратганим — капитан ўша лейтенантнинг ўзгинаси эди. Ўша зайилда иккимиз узоқ гаплашиб турдик.

— Госпитальдан чиқиб бошқа қисмга борган эдингизми, кўринмай қолгандингиз? — деб сўрадим гап орасида.

— Ҳа, тузалганимдан кейин бошқа қисмга — пехотага юборишди. Берлин учун бўлган ҳужумда қатнашдим. Яна икки марта ярадор бўлдим...

— Ҳозир қаердасиз?

— Шу ерда, ТуркВОдаман. Ўзинг-чи, қанақа хизматдасан?

— Қишлоқ хўжалиги институтида ўқияпман...

Шу тарз бир-биримизга қониб бўлганимиздан кейин уйга борди-келди қилишга ва'да бердик. Худди ўз туғишган окам узоқ йиллардан буён энди келди-ю, бир куноқ туриб кетаётгандай, ҳали бир-биримизнинг дидоримизга тўймагандай суқ блан қўл сиқишиб хайрлашар эканмиз, у:

— Албатта кутаман, дам олиш кунин кел, менинг адресим: „Пушкин, 5“. Сеникичи? — деди иссиқ меҳрли кўзини кўзимга ташлаб. Мен ҳам самимият блан жавоб бердим:

— Албатта бораман. Менинг адресим: „Навоий, 6...“

— Хайр.

— Хайр.

1948 й.

НАИРИ ЗАРЯН

ГУЛЛАР ВА БУЛБУЛЛАР ЮРТИДА

(Еривандан Тошкентга саёҳат)

Менга Совет Ўзбекистонини зиёрат этиб, Тошкент блан Самарқандни кўриш насиб бўлди. Кўп вақтлардан бери юрагимда сақланиб келган бу орзу улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиши муносабати блан амалга ошди.

Афсуски, Ўзбекистонда узоқроқ қолиб, бу гўзал республиканинг ҳаётини яна ҳам мукамалроқ ўргана олмадим. Шундай бўлса ҳам, юбилей тантаналарининг жонли ва қизғин ҳаракатлари орасида жуда кўп таассуротлар ҳосил қилдим ва шу тарқоқ таассуротларни бир ерга тўплаб, ҳурматли ўқучиларимизнинг назари-диққатига ҳавола қилмоқни муносиб кўрдим, чунки гўзал ва чиройли Ўзбекистон ҳақида оз бўлса ҳам ба'зи малумотларга эга бўлиш, ўқучиларимиз учун фойдадан ҳоли эмас деб ўйладим.

Совет Иттифоқининг хилма-хил марказларида ўтказилган сиёсий ва маданий юбилейлар каби, Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиш байрами ҳам умумхалқ тантанасига ва совет халқларининг сиёсий ҳамда ма'навий бирлигининг яна бир намоёнишига айланди. Шундай байрам тантаналарида турли халқларнинг сан'ат ва маданият арбоблари бир-бирлари блан яна ҳам кўпроқ танишадилар ва бир-бирларига бўлган муҳаббатларини ортирадилар.

Тошкентда йиғилган совет ёзучилари ва сан'аткорлари — рус, украин, белорус, литвали, латиш, грузин, озарбайжонли, армани, туркман, тожик, қозоқ, татар, доғистонли, еврей, қирғиз, ожар тамом ўн кун бир-бирлари блан энг фаолиятли алоқада бўлдилар. Эски дўстлар бир-бирларила янада самимий дўстлашдилар. Авваллари бир-бирларининг фақат отларинигина эшитган ва яқиндан таниш бўлмаганлар эса бир-бирлари блан танишиб, дўстлик ипларини боғладилар. Яқин ўтмишда Низомий, Шота Руставели, Давит Сасунский, Тарас Шевченко, Пушкин ва бошқаларнинг юбилейлари вақтида бир-бирлари блан танишганлар шодли қичқириқлар ва кенг қучоқлар блан бир-бирларини қаршиладилар. Бу саё-

ҳатнинг ҳарбир қадамида халқлар дўстлиги тамом равшанлиги блан сезилиб турди. Шунинг учун мен Алишернинг юбилей тантаналарини бир саёҳатнома шаклида тасвир этиб, ўқучиларга тақдим қилмоқчи бўлдим.

Бокуда бир кун

Биз енгил чамадонларимизни кўтариб поезддан тушдик. Биз Еривандан Бокуга жўнаш олдида Озарбайжон ёзучилари союзига телеграмма юбориб, Тошкентга учадиган аэроплан учун бизга ҳам билетлар олиб қўйилишини илтимос қилган эдик. Бизни шу масала жуда ҳам қизиқтирар эди. Кема ёки темир йўл блан йўлга чиқадиган бўлсак, тантанали мажлисга етолмас эдик, вақт қолмаган эди.

Вокзалдаги одамларни ёриб, бир-бирларининг орқасидан бизни қаршилашга келаётган озарбайжонли ва Боку армани ёзучиларининг таниш сиймоларини кўришимиз блан ташвишимиз хотима топди. Телеграммамизни олган ва бизни қаршиламоқ мақсадида Маҳди Хусайн, Жалол, Маркал, Давитян, Хамо Сох'ян ва М. Хаккопян ўртоқлар вокзалга келдилар. Ҳамма нарса тахт эди. Закавказия вакиллари учун маҳсус аэроплан ажратилгани ва у вакилларни тантанали мажлисдан икки кун аввал Тошкентга етказажаги бизни бениҳоят қувонтирди. Биз, кўнглимиз тўқ бўлиб, „Москвич“ларга ўтирдик-да, „Интурист“ мусофирхонасига қараб жўнадик. У ерда бокули ўртоқларимиз биз учун ҳашаматли бир номер тайёрлаб қўйибдилар. Бизнинг кичкина хонамизда қизгин суҳбат бошланди ва у ярим соатча давом этгандан кейин меҳмондўст издонларимиз бизни ҳоли қолдириб кетдилар.

Эртасига машиналарга тушиб шаҳарни айланишга чиқдик. Ильич кўрфази нефть қувурлари блан қаршимизда чўзилиб ётади. Буюк бир шаҳар тусини олган бу жой икки бешйиллик бундан аввал бун'ёдга келтирилгандир. Бу юксалиш бизнинг юрагимизда Бокунинг қаҳрамон халқи ва унинг раҳбарлари ҳақида буюк ифтихор ва чексиз ҳайратлар уйғотди. Машинамиз асфальтли йўлдан ғизиллаб боради. Йўлнинг икки томонида нефтьни ўз-ўзидан тортиб оладиган машиналар тинмай ишлаб туради. Бизда ҳосил бўлган иккинчи тушунча шу бўлдики, қаҳрамон совет кишилари Бокуни немиеларга сра бомбардимон қилдирмадилар.

Ильич кўрфазидан юқорига чиқдик. Бу ердан Кировнинг забардаст ҳайкали бутун шаҳарга кўриниб туради. Большевик нотиқнинг бронзадан ишланган ҳайкали машҳур нефть шаҳрини гуё олқишлаётгандай туюлади. Бу ерда бун'ёдга келтирилган ҳарбир нарса — нефть қудуқларининг сонсиз ўрмони, шаҳарни қоплаб олган кўп қаватли юксак бинолар — социалистик давлат ва қудрат шоҳидларидир.

Кечаси соат тўртда Сулаймон Рустамнинг „Москвич“ига тушиб, Боку аэропортига жўнадик. Бир оздан кейин грузин дўстларимиз Иракли Абашидзе, Сандро Шаншиашвили ва Леон Асатинилар ҳам етиб келдилар. Кўзларидан ҳали уйқу кетмаган дўстлар бир-

oirлари блан саломлашиб кўришдилар. Закавказия вакиллари учишга тайёр эди.

Каспий денгизининг шарқий қирғоғи Красноводскка қадар бир саҳро манзарасини беради. Денгиз блан қумлоқ ерлар бир-бирига қаришади-да, саноқсиз ороллар, ярим ороллар, кўрфаз ва кўллар ташкил этади. Денгиздан анча узоқликдаги қумлоқлар орасида йилтирашиб кўринган кўллар аэропландан қараган кишига порсиллоқ бойлаб ётган яраларга ўхшаб туюлади. Кўллар ва ботқоқликлар блан қопланган саҳрога назар солсанг, пастда гўё қоплон териси ёйилганми деб ўйлайсан.

Энди аэропланимиз туркман чўллари устида учиб боради. Ҳа демай ўзининг тўғри, узун ва тартибли кўчалари ва яшил дарахтлари блан Ашхобод кўринади.

— Бу шаҳар поёнсиз қумлар орасида қандай яшнар экан?

Бу саволни берган киши — аэропландан чиқиб, кўз ойнаклари орқали шаҳарга тикилган грузин танқидчиси Асатини эди. Бунга жавобан озарбайжонли танқидчи Рафили шундай изоҳ берди:

— Халқ ўз меҳнати блан қумлардан ҳаёт яратаётир.

Ашхобод аэродроми ҳам Ериван, Тбилиси ва Боку аэропортларига ўхшайди. Фақат бу ерда маҳаллий муҳитни кўрсатиб турган бир нарса бўлса, у ҳам янги келган меҳмонларни буюк илтифот ва мароқ блан қаршилаган туркман хотин-қизлари эди. Туркманча кийинган бир ўсмир, велосипед миниб олиб, аэропорт олдида ўйнаб юради. Бунга кўрган Абашидзе:

— Муни қаранг, Кирбобоевнинг ватандоши, попоқ кийиб олиб, велосипедда ҳузур қилиб ўйнаб юрипти, — дейди.

Биз яна аэропланга ўтирамыз. Кўп ўтмасдан чўл-саҳро тугайди. Сирдар'ё ва Аму дар'ё блан чизиб олинган Ўзбекистон поёнсиз бир бўстон каби кўринади. Шу кўркам ва муҳташам бўстон орасида Тошкент порлайди. Аэроплан, қанотларини қайиргандай бўлиб, аста-секин пастланади...

Бўстон ичида бир шаҳар

Аэропорт ўзбек ёзучилари, юбилей мутасаддилари, фоторепортерлар ва енгил автомашиналар блан тўлиқ эди. Бизни, машиналарга ўтқазиб, шаҳарга олиб келдилар. Тошкент кўчаларида машиналар гизиллаб боради. Булар биз кўрган ва билган кўчаларга ўхшамайди; баланд бўйли, қалин япроқли дарахтлар остидан мўралаб турган бир ва баъзан икки-уч қабатли уйлар ўртасида чўзилиб борган асфальтли кенг хиёбонлардир. Марҳум М. И. Калининнинг Тошкентни ҳамма шаҳарлардан ҳам кўкаламзорроқ шаҳар деб берган баҳосини тошкентлилар фахр блан тилга оладилар.

Неверов тасвир этган „Нон шаҳари“ ва у ерда кичкина Мишка Дороновнинг ўз оиласини очликдан қутқазиб учун кўп азиятлар блан бироз егулик топгани ҳали-ҳали эсимда. У кунлардан бери чорак аср ўтди ва бу озгина замон ичида қинғир-қийшиқ кўчалар ва еру-кўкни босган чанглар ўрнида асфальт блан порлаган янги кўркам шаҳар бун'ёдга келди.

Машиналаримиз шаҳардан чиби, шарққа иуналган узун пушти тушди. Кўп ўтмасдан оқ ва стунли бир чорвоқ биносининг олдида тўхтадик. Бу Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Министрлар Советининг юбилейга келган меҳмонларга ажратган дам олиш уйи эди. Москва ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг вакиллари аллақачон келишган. Дам олиш уйининг йўлаклари ва айвонларида бир-бири блан учрашган меҳмонлар шодлик блан қичқиришиб, қўл сиқишиб ва қучоқлашиб кўришар эдилар. Бу нарса кишига шундай туйилардики, бу одамлар бошқа шаҳарга эмас, ўз уйларига қайтиб келганлару, мана энди қавми-қариндошлари ва ёру-биродорлари блан кўришаётирлар. Тихонов блан Симонов меҳмонлар блан қучоқлашиб кўришар экан, улардан бири ҳазил мутойиба шикоят қилади:

— Мен Тошкентга келмоқчи эдим, малум бўлдики, Москвага тушиб қолибман...

Зиёфат бошланганда, Сергей Бородин меҳмонлар шарафига бирма-бир қадаҳ кўтариб, ҳарбир қардош республиканинг шарафига шу даража ёқимли ва ўринли мадҳлар сузладдики, „Дмитрий Донской“нинг бу сеvimли автори ҳарбир совет республикасига оид чуқур билими блан ҳаммани ҳайратга солар эди. У ҳаммани танийди ва ҳаммага меҳрибон муомалада бўлади.

Столлар қучоққа сиғмайдиган катта гулдасталар блан безатилган. Деразалардан кўриниб турган қизил, оқ, сариқ ва пушти гуллар кишини ўзига чарлаётгандай бўлади.

Эртасига майнинг 14-нчи куни. Бутун кун бўшмиз. Шунинг учун теварак-атроф ва муҳит блан танишмоқчи бўлдик. Биз тушган ернинг оти Дурман дейилар экан. Бу шаҳардан 18 километр узоқликда. Дам олиш уйининг олмурудлар ва олмалар блан тўлиқ боғини сайр қилгандан сўнг, қўшни „Қизил азамат“ колхозига бордик. Бу ерларнинг табиати ва манзараси бизнинг Араратимизни эслатади. Бу ерда ҳам пахса деворлар ва қалин дарахтлар блан ўралган кўчалар бор. Бунинг фарқи шунда эдики, бу ерда пахталар ва узумлар етишади, булбуллар сайраб туришади. Араратда эса булар йўқ.

Кўчада, бир колхозчи уйининг деразаси олдида ёш қизлар ва турли ёшдаги болалар ўйнаб юришади. Уларнинг эгнидаги кийимларининг тоза ва янгилиги диққатимизни жалб этди. Шу ерда турган чиройли бир ёш жувон юзини яширмоқчи бўлди-ю, лекин бизнинг орамиздаги меҳмонлардан бири боши очиқ ва оёқларида кавуш ўрнига туфли кийган хотин киши эканини кўриб, бу ниятидан қайтди.

Ўзбек деҳқонлари бизни жуда қизиқтирди. Кўчада ўйнаган болаларнинг, келган-кетган хотин ва эркакларнинг уст-бошлари уларнинг яхши яшашларини ва маданиятда анча илгари кетганликларини кўрсатади. Ўзбек болалари ҳайрон қоларли даражада чиройли, соғлом ва тетикдирлар. Ба'зилари бизнинг саволларимизга русча жавоб беришади. Ёши бирмунча катта болалар, бизни кўришиб, бир-бирларига шивирлашади:

— Алишер Навоий юбилейига...

Биз ўзбек деҳқонларининг уй ичларини кўрмоқчи бўлдик. Бизнинг истагимизни мамнуният блан қарши олдилар. Икки уйга кирдик. Улардан бири колхоз ҳисобчисиники, иккинчиси эса бир оддий колхозчиники эди. Уй эгалари хоналардаги тартиб ва тозаликни бузмаслик учун кавушларини ташқарига ечиб киришар экан. Тахмонга устма-уст йиғиб юборилган кўрпа-тўшаклар уй эгаларининг ҳаёти фаровон эканлигини кўрсатар эди. Ҳовлининг уч томони девор блан ўраб олинган. Бир томони боқчага туташган саҳн. Уйнинг олдида айвон. Унга шолчалар солинган. Уй эгалари ва шу вақт у ерда бўлган қўшни хотин бизни очиқ чеҳра блан қарши олди. Биз колхозчилар уйдан мамнун бўлиб чиқдик.

Меҳмонлардан бирмунчамиз Тошкентнинг эски маҳаллалари ва бозорини кўриш мақсадида шаҳарга тушдик. Бизнинг бу саёҳатимизга Сергей Бородин раҳбарлик қилди. Янги шаҳарнинг дарахтлар блан безалган кўчаларидан ўтгач, машиналаримиз Навоий кўчасига кирди. Бу кўчада бирнеча қаватли юксак бинолар қурилмоқда. Миллий кийимда кийинган ўзбек хотин-қизлари кўчаларда сайр қилиб юрадилар.

Алишер Навоий кўчаси, эски Тошкентнинг бутун қиёфасини ўзгартириб, забардаст гавдасини кўтариб бормоқда. Янгилек блан эскилик ўртасидаги зиддият шу кўчада яна ҳам равшан кўринади. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири чойхонадир. Самоварчилар бизни кўк чой ва тандирдан янги узилган уй нонлар блан меҳмон қилдилар. Иссиқдан беҳол бўлганимиз учун, жондил блан чой ичдик. Меҳмондўст ўзбек самоварчилари Алишер Навоийнинг юбилейига буюк ҳурмат блан келган вакилларни ўзларининг азиз меҳмонлари сифатида қабул қилдилар...

Тантанали мажлис

Тошкентнинг энг обод ва кўркем марказига солинган Навоий номли опера ва балет театри Ўзбекистон миллий меъморчилигининг мисли кўрилмаган бир обидасидир. Унинг ташқи фасадлари бири-биридан гўзал. Зийнатига киши қараб тўймайди. Бу азамат ва муҳташам бинонинг ичига кирган киши ўз ҳайратини яшира олмайди.

- Афсоналардаги сингари гўзал!
- Мисли кўрилмаган бир бино!
- Забардаст қурилиш!..

Ҳарбир қаватида кишининг суқи кирадиган ажойиб фоелар. Буларнинг ҳарбири ўзига хос бир услубда: Бухоро, Самарқанд, Тошкент услубларида безатилган. Самарқанд услуби блан безалган фоелар ойнабанд қилиб ишланган ва бу ойналарга энг нозик ва латиф безаклар солинган. Қолган ҳамма заллар ва фоелар оқ, ярқироқ ва чиройли ҳайкаллар блан безатилган. Бу ерда инсон ўз руҳини ордоқловчи бир енгиллик ҳис этади. Бу муҳташам ва кўркем қубба остида ўзбек совет халқи роҳат ва ўзига амин бир вазиятда тамошалар кўради. Эркаклар эгнида жужун костюмлар, хотинларда атлас кўйлақлар, бошларида чамандагул

дўппилар. Барча эркак ва хотинлар виқорли бир фахр блан театр залига кириб боради. Биз ҳам тамоша залига кирамиз. Лекин бу муҳташам театрнинг залига кириб, унинг теварак-атрофига ва музайян шипига қараган киши, фоеларда олган таассуротидан яна ҳам юксак таассуротлар ичида қолади. Истар-истамас Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ достонидаги саройлар тасвирини кўз олдига келтиради. Буюк шоирнинг хаёли шу муҳташам бино каби кўринади. Шипдаги музайян қандил улуғ шоирнинг орзу-ҳавасларидек порлайди. Бу театрнинг ички ва ташқи гўзаллигини муқоёйиса этганда, ташқи кўриниши бинонинг ички гўзаллигини асраб турган бир парда каби таассурот қолдиради. Самарқанднинг энг эски архитектура ёдгорликларини орқада қолдириб кетган бу дабдабали бинони тиклаган саккиз кишининг, я'ни архитектор Шусев ва етти ўзбек устасининг Сталин мукофотлари блан тақдирланиши бино зийнатига жонли шоҳиддир.

Катта зал тантанага қатнашиш учун келганлар блан тўлиқ эди. Уларнинг ҳаммаси саҳнанинг тўрига ўрнатилган Алишернинг катта суратидан кўзларини узолмайди. Ёғли бўёқлар порлаб атрофга нур сочади. Бу эса сурат остида қувватли электр лампалари ёнаётгандек таассурот қолдиради. Лекин аслда бундай эмас. Шоирнинг сурати нурли бўёқлар блан ишланган. Нур сочиб турган бу бўёқлар, фосфорланмиш соатлар каби, қоронғида ҳам кўриниб туради.

Саҳнада юбилей комиссиясининг а'золари блан бир қаторда меҳмонлар ҳам ўтиради. Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси ўртоқ Абдураҳмонов ўзбекча ва русча нутқ блан тантанали мажлисни очади. Баланд қоматли, қалин сочли, кулар юзли ўртоқ Абдураҳмонов бу гулгун мамлакатнинг асл фарзандларидан биридир.

Совет Ўзбекистони қардош халқларнинг назари диққати ва муҳаббатини қозонган экан, бунинг сабаби ёлғиз ўз пахтаси, нефти, кўмири ва нодир маданлари блан изоҳ этилмайди. Унинг кўкаламзорларга бурканган шаҳар ва қишлоқларида ҳозир бир миллиондан ортиқ болалар учун 4500 мактаб, 96 ВУЗ ва техникумларнинг ишлаб туриши ҳайратга шоёндыр. Бу илм ва ма'рифат уйлари Ўзбекистоннинг миллий зиёлий кадрларини йил сайин янги кучлар блан тўлдириб боради. Ҳарбири неча ўн минглаб китобга эга бўлган 600 та оммавий кутубхонаси, Совет Иттифоқида энг буюк ва энг бой ҳисобланган Шарқ қўл'ёзмалари кутубхонаси бўлган Ўзбекистон ҳурмат ва муҳаббатга лойиқдир.

Мажлис ҳай'атидаги Ўзбекистон зиёлаларининг энг илғор вакиллари орасида шоир ва адиб, академик Ойбек, шоир Ғафур Ғуллом, шоир ва драматург Уйғун, кино режиссёр Ерматов ва бошқалар ўтиради. Буларнинг номлари Ўзбекистон чегараларидан ошиб, бутун Совет Иттифоқида ва унинг халқларига малум бўлгандир.

Ўзбек халқи ўз ўтмишида ҳам миллий фахрга арзигулик асарлар яратган. XV асрда унинг ҳайрон қоларли архитектура оби-

далари, номлари бутун маданий оламга ёйилган олимлари, файласуфлари ва шоирлари бун'ёдга келган. Улар орасида давлат арбоби, гуманист ва шоир Навоий ўзининг юксак ва порлоқ асарлари билан ажралиб туради. Алишер Навоий Шарқ ахлоқсизлиги ботқоғида ботиб қолган ҳукмдорларнинг, феодалларнинг қонли қамчилари меҳнаткашлар бошида ўйнаган даврда, мамлакатда зулмат ва бид'ат ҳукм сурган даврда туғилди, ўсди, меҳнат қилди ва ўзининг ўлмас шоҳ асарларини яратди.

„Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким йўқ халқ ғамидан ғами“.

деган устоз шоирнинг қалин жилдли асарларидаги ҳақ ва адолат қўшиқлари бир кун жарангламай қолмас эди. Мана бугун унинг ҳаққоний қўшиқлари янграмоқда. Навоийнинг Ширини, Хисров подшонинг зўрликларига қарамай, юрт ғамхўри тошкесар Фарҳодга кўнгил қўйган экан, бундай ёрқин мафкура асрларча яшайди. Зулм ва истибдодга қарши, ҳақ ва адолат куйларини куйлаган Алишер Навоий маданият осмонида чўлпон юлдузидай чақнаб туради. У бизнинг социалистик жамиятимизга жонли бир а'зо бўлиб киради.

Ўртоқ Абдурахмоновнинг кириш сўздан кейин қардош республикалардан келган ўртоқлар бир-бир кетин минбарга чиқиб, юбилейни табриклайдилар. Константин Симоновни залдагилар узоқ ва қизғин олқишлар билан қаршилайди. У буюк рус адабиётининг вакили сифатида чуқур мазмун билан сўзлайди. Украина вакили ўртоқ Усенкoning нутқи кучли та'сир қолдиради. У Украинани озод қилиш учун олиб борилган курашларда қаҳрамонларча ҳалоқ бўлиб, у ерда дафн этилган бир қора кўз ўзбек йигити ҳақидаги қўшиқни Украина қизлари ҳалигача куйлашмоқда эканини ҳаяжон билан сўзлайди. Халқлар дўстлигига оид бу сўзлар, чуқур ма'ноли та'рифлар бутун зални ларзага келтиради. Нотиқлар, тантанали мажлис ҳай'атига Алишер Навоий асарларидан қилинган таржималардан намуналар тақдим этиб, ўз нутқларини тугатадилар.

„Фарҳод ва Ширин“ дostonи ҳаммасидан ҳам кўпроқ таржима этилган асардир. „Лайли ва Мажнун“ ва Навоийнинг „Ҳамса“ сивдаги бошқа дostonлар ҳам таржима қилинган. Шунини айтиш керакки, Навоийнинг асарлари Совет Иттифоқидаги ҳамма давлат тилларига таржима этилган. Бу эса юбилейнинг умумиттифоқ миқ'ёсида ўтаётганлигига бир далилдир.

Таржималардан бошқа, ба'зи республикалар ўз ҳад'яларини ҳам тақдим қилдилар. Латвия — мармар тошдан ясалган бир идишни, Озарбайжон — Навоий асарларининг қўл'ёзмалари ва Озарбайжон ҳаётини тасвир этган суратлардан иборат бир жилдли альбомини, Арманистон — Навоийнинг тери жилдга жойланган эски қўл'ёзмаларининг фото нусхаларини, Туркманистон — Навоийнинг суратини ҳайрон қоларлик даражада чиройлик қилиб солинган бир гиламни тақдим этдилар. Ҳад'яларнинг ҳаммаси

залдаги ва ҳай'атдаги одамлар томонидан қизгин олқишлар блан қаршиланди.

Тантанали мажлисдан кейин катта юбилей концерти берилди. Биз ўзбек халқининг ёқимли ўйинларини ўз элида кўриш бахтига мушарраф бўлдик. Бу ўйинлар меҳнат ва муҳаббатни гавдалантирган энг чиройли, энг ёқимли миллий рақслардан иборат эди. Ўйинчи ўзбек қизлари чиройли, енгил ва кутилмаган ҳаракатлар блан тамошабинларнинг кўнглини силагандек бўладилар. Улар менга армани халқ ўйинларини хотирлатади...

Майнинг 16 сида Навоий номли кўчада, Область Советининг олдидаги майдонда, Навоийга ҳайкал қўйиш маросими бўлди. 17—18 нчи май кунлари Республика Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий ижодини ва унинг замонага оид материалларни ўрганишга бағишланган сессия очилди. Олий советнинг мажлислар зали техниканиннг сўнгги сўзига уйғунлаштириб қурилган. Залдаги камбар ёзув столларига қулоқ радиоси ўрнатилган. Ҳарбир мажлис қатнашувчиси рус ва ё ўзбек тилида сўзланаётган нутқларни ўзи хоҳлаган ва тушунган тилида тинглаши мумкин. Бутун Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган ва аҳолиси бирнеча юз минглаб бўлган бу маданий марказда халқ учун бутун қулайликлар та'мин этилган...

Унутилмас кунлар

Сессиядан сўнгра ҳукумат раҳбарлари меҳмонлар блан кўришиш ниятида уларни Министрлар Советига таклиф қилдилар.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Юсупов блан Министрлар Советининг раиси ўртоқ Абдураҳмонов меҳрибон табассумлар блан бизни боғда кўтиб олдилар. Гўзал гиштин айвонлар ва поёнсиздек туйилган хиёбонлар ранг-баранг гуллар блан ўралган. Бу ерда қизил, сариқ ва олов рангли гуллар хушбўйлари блан товганиб туради. Ҳали кун ботмаганига қарамай, ҳукумат биносининг бу гўзал боғи кишини ҳайратга солучи булбулларнинг турли садолари блан тўлган. Мен булбулларнинг бу қадар кўплигини умримда ҳечвақт кўрмаган эдим.

Катта ёпроқли дарахт соясида ўтирган меҳмонлардан бири, булбулларга ишора қилиб, ҳазил мутойиба шундай дейди:

— Бу навозандалар бугун жўрттага чақириб келинган бўлсалар керак...

Генерал Петров ҳам меҳмонлар орасида. Бизнинг ҳарбий кучларимиз шу генералнинг қўмондонлиги остида Қирим блан Севастопольни озод қилган эдилар. У ҳурмат блан қўлларимизни сиқиб, хотинларга қизил гуллар ҳад'я қилади. Боғ шундай чиройли, шундай жозибалики, унинг ҳар ерини кўргинг, тўрига айланиб боринг келади. Нарироқда бир кенг ҳовуз ва унинг ёнида чиройли чодир бор. Генерал бизга та'рифлаб берди. Бу ҳовуз блан чодир бир вақтлар жориялар учун хизмат қилар, ҳоким шу чодирга кириб олиб, ҳовузда чўмилган хотинларни тамоша этар

экан. Мана энди ўзбек қизлари у қуллик ва хўрлик занжирларидан тамом озод бўлиб, Совет Иттифоқининг бошқа қизлари каби бу гулистонларда ҳур ва қувноқ сайр этадилар.

Издмонлар бизни дастурхонга таклиф этдилар. Гуллар ва булбуллардан зўрға айриламиз. Зиёфат дастурхони боғ томонга қараган энг гўзал айвонларнинг бирига ёзилган. Мен блан Ирақли Абашидзе ёнма-ён ўтирамыз.

Ўртоқ Абдураҳмонов зиёфатни очиб, биринчи қадаҳни Совет Иттифоқи халқларининг энг севикли, энг жонажон кишиси шарафига кўтаришни таклиф этади. Ҳамма оёққа туриб олқишлайди. Ўзбекистонда етишган „Ҳосилот“ ботиб бораётган қуёш шуларари остида ёқутдай товланади. Нутқлар такрорланган сари, қадаҳлар ҳам такрорланади. Айниқса Эрон ва Афғонистондан келган меҳмонлар узун сўзлайдилар. Улар Совет Ўзбекистонининг тараққисига ҳайрон бўладилар.

Кейин Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Юсупов сўз олади. У умидли ва кучли сўзлари блан бу бахтиёр республиканиннг янада юксалишига ва истиқболининг янада порлоқ эканига кишида кучли ишонч туғдиради. У ўз сўзида ажнабий меҳмонларга хитоб этиб шундай дейди:

— Энди кўринг, Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг тенг ҳуқуқли ва кенг маданиятли бир а'зосидир. Ажабо, буржуазия газеталари да'во қилган қолоқ мамлакатга сра ўхшайдими бу?

У нутқининг сўнгги қисмини форсича сўзлайди. Чет элдан келган меҳмонлар жонли бир диққат блан тинглайдилар.

Қадаҳ нутқларнинг ма'носи шу эдики, агар биз Ўзбекистонни бир совет гулзори деб айтсак, бу шоирона тасвир бўлмай, содда ва ҳақиқий бир характеристика бўлур эди...

Биз Латвия шоираси Мирдзе Кемпе ва латиш шоири В. Гревинь блан бир машинада уйга қайтамыз. Йўл-йўлакай латиш ва армани халқ куйларини айтиб борамиз. Мирдзе Кемпенинг жуда чиройли овози бор экан. У халқ кўшиқларини ёниқли айтади. Ўзи ҳам одамларга меҳр ва мароқ блан қарайди. Бошқа халқларнинг ёзучилари блан хат алоқаси қилиб туради. Вальдис Гревинь, кайфи винодан кўтарилганиданми ва ё самимий дўстлик сабабиданми, сукунатли бир табассум блан кўшиқларимизни тинглаб боради.

Эртаси кун нонуштани барвақт қилиб, колхозга жўнадик. Машиналаримиз шаҳарнинг обод ва кўркем кўчаларидан чиқиб, Янгийўлга борадиган асфальтда ғизиллаб боради. Бу оддий қишлоқ йўли эмас. Охири йўқдай кўринган чиройли, хуш ҳаво йўл; унинг икки юзини дарахтлар ўраб олган. Ора-сра мева дарахтлари учраб қолади. Бу томонларда усимлик яна ҳам кўп, Далалар яна ҳам кенг, тоғлар яна ҳам узоқ. Пахтазорларнинг охири кўринмайди. Гоҳо олма, олмуруд боғлари ва узумзорлар кўзга чалинади.

Машиналаримиз Янгийўл шаҳрини оралаб ўтади. Кўчаларда қизил юзли, соғлом баданли ёш болалар ўйнашиб юради. Боғларда қизил гуллар очилиб, булбуллар сайрайди.

Колхоз раисининг уйига етганимизда, жала қуя бошлаган эди. Биздан илгари жўнаган меҳмонлар аллақачон етиб келишганлар. Грузия ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг вакиллари ҳам шу ерда эдилар. Колхоз раиси Ҳамроқул Турсунқулов бизни кутиб олди. Сўнгра боғнинг ўртасига қурилган каттакон шийпонга таклиф қилди.

Колхоз раиси Турсунқулов, 60 ёшга кирганига қарамай, ҳали бақувват бир киши эди. Унинг тўртта Ленин ордени бор. Яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвон ҳам олган. У СССР Олий Советнинг депутати ва Бутун Иттифоқ Министрлар Совети қошидаги колхоз советининг а'зосидир. Тошкент ва районлардан биз билан бирга келган раҳбар ўртоқлар у тўғрисида яхши фикрлар билдириб, 1941 йили чўлда колхоз ташкил қилганини сўзлайдилар. Колхозда 110 минг туп дарахт экилган. Бир вақтлар алаф унмайдиган бу чўл энди бустонга айланган. Янги ташкил этилганда колхоз ҳар гектаридан 5 центнердан пахта олган экан. Ўтган йили бешни 45 га етказибдилар. Ҳосилотнинг бу қадар кўтарилиши — Ҳамроқул аканинг сазовор бўлган ҳурмати ва давлат ишидаги юксак вазиятини ва айни замонда колхозда 7 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва 150 та ордендор ва медальдор кишиларнинг борлигидан англашилади.

Ҳарбир колхоз оиласи ўтган йил ўз меҳнат кучларининг эвазига уч — беш тоннадан дов, 40 — 50 минг сўмдан пул, 80 — 100 килограмдан ёғ, шу даражада асал ва мева, юз метрчадан газлама олган. Томорқадан олинган даромадлар бунга кирмайди. Шунинг учун Турсунқуловнинг ёш хотини, қизи, қўшинлари зиёфатни афсонавий бир бойлик блан ташкил қилганлар. Мирдзе Кемпе ўз блокнотига 30 хил ноз-не'мат қўйилган деб ёзипти. Дастурхон устида игна тушарлик жой қолмаганлигидан, товоқлар устма-уст қўйиб юборилган. Дастурхоннинг тузилиши яна ҳам ажойиб. Турли мева-чевалар, қазни-қарталар, яхна гўштлар, сомса, кулчалар, патирлар қўйилган. Сўнгра хўрда келтирилди. Ҳаммасидан кейин энг ҳурматли ва ҳашаматли палов тортилди. Паловдан кейин кишининг чанқоғини босадиган хушхўр кўк чой келтирилди. Кўк чой ичкиликнинг та'сирини бўшаштириб, овқат ҳазмига ёрдам беради. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Турсунқулов олдимизга қўйган овқат ва ичкиликларнинг ҳаммаси энг а'ло сифатли бўлиб, лаззати ва та'мида тенги йўқ эди. Лекин бу зиёфатнинг янада ширин ва ёқимли жиҳати атрофда ҳукм сурган дўстлик муҳити эди. Меҳмондорчиликка Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг раҳбарларидан бири, ўртоқ Чиковани, бошчилик қилди. У жонли бир грузин талаффузи блан қадаҳ нутқларига раҳбарлик қилар, лаззатли, ўткир сўзлари блан ўртани гулгун этарди. У ҳаммани дўстлик суҳбатига тортди. Ҳатто машҳур грузин шоири ва драматурги Сандро Шаншиашвили ҳам қадаҳ кўтариб юборди. Ҳолбуки у дастлабки кунларда ичкиликка қўл урмас ва ортиқча гапирмас эди. У ўз-ўзидан оёққа туриб, ҳаяжон блан сўз бошлади ва грузин тилида ёзилган ше'рини ўқиб берди.

Озарбайжонлилар блан ўзбеклар Багиров ва Юсупов ўртоқларининг шарафига қадаҳлар кўтаришиб, ўз колхозлари ўртасида да-

вом этаётган социалистик мусобақага муваффақиятлар тиладилар, Социалистик мусобақада озарбайжонлилар ўзбекларга, ўзбеклар эса озарбайжонлиларга ғалабалар тиладилар. Озарбайжон лирик шоири Муҳаммад Раҳим ўзининг майда ишқий ше'рлари блан қиз-жувонлар орасида олқиш қичқириқларини уйғотди.

Янгийўл Партия Комитетининг секретари ўртоқ Тўхтабоев сўз олди.

— Нефт, пахта ватани бўлган қардош Озарбайжон шарафига, бутун инсоният доҳисининг ватани бўлган қардош Грузиянинг тотли, лаззатли мевалари, шифобахш сувлари, жозибали қизлари шарафига, ме'морликнинг ватани бўлган қардош Арманистон шарафига ичаман.

Мен қадаҳимни унинг қадаҳига уратуриб:

— Ташаккур этаман, сиз менинг ватанимга юксак баҳо бердингиз, — дедим.

Тўхтабоев, кулиб туриб, жавоб қилди:

— Мен сизнинг Арзини курортингизда шифо топганман.

Меҳмондўст ўзбеклар зиёфатни қадим бир одат блан тамомладилар. Меҳмонларга беқасам тўнлар ва тус дўппилар кийгиздилар. Шодлик устига шодлик бўлди. Литва ёзучиси Паутинас Ҳамроқул акага шу сўзлар блан хитоб қилди:

— Қийматли ҳад'яларингиз учун мен сўнг даража бахтиёрман. Мен ҳаётимда бундай чопонни кийиш бахтига мушарраф бўлмаган эдим. Менинг мамлакатимда бундай чопонларни бурунлари фақат бойларгина кияр эдилар. Мана энди, Литвада совет тузуми ўрнашгандан кейин, мен ҳам кийишга муяссар бўлдим. Йўқ, чопонни буржуа одати деб ҳисоблагани учун киймагандир деб ўйламамиз. Зинҳор ундай эмас; қурбим етмагани учун киймаганман. Энди ўз совет ватаним — қардош Ўзбекистон мени шундай юксак шарафга эриштирди. Мен бу чопонни совет халқлари дўстлигининг, совет воқи'лигининг бир симболи сифатида қадрлаб кияман. Паутинас узун бўйли, чиройли бир киши. Қуюқ ва бароқ қошлари остида яширинган кўзлари мулоийм ва мовий бир нур блан порлайди. Кўзлардаги бу бахтиёр нур Болтиқ бўйи халқларининг ўз социалистик ватанлари учун буюк ифтихорлари борлигини акс этдиради.

Турсунқулов меҳмонларга чопон кийдириб, уларни қучоқлайди, забардаст қўллари орасида нима қилишини билмай қолган меҳмонни ўпади.

Шундай иссиқ ва порлоқ ҳислар блан биз уйга қайтамыз. Қаттиқ жаладан кейин йўл бўйларидаги чечаклар янада чарақлаб очилган. Булбуллар минг хил овозда қувониб-қувониб сайрайдилар.

Самарқанд

Амир Темур замонидан қолган архитектура асарлари ва ёдгорликлари блан танишиш мақсадида уч нафар аэропланга ўтириб, саҳар Самарқандга учдик.

Хуросон гилами сингари ранго-ранг бўлиб остимизда ёйилиб ётган Ўзбекистон кўз ўнгимизда яна ҳам музайяндир. Пастда шахмат шаклида экилган турли экинлар ўзига хос бир гўзаллик блан мароғимизни уйғотади. Булар ёмғир блан эмас, сун'ий суғо-риш йўли блан унадиган экинзорлардир.

Тошкентдан Самарқандгача бир соат чамаси учиб бордик. Аэро-дромда бизни кутиб турган енгил машиналарга ўтириб, шаҳарга жўнадик. Самарқанд Тошкентдан катта бўлмаса-да, унинг ўзига хос манзараси бор. Унинг тарихий юзи кўзларимизни қамашти-ради. Буюк бир дабдаба ва тантана блан кўкларга чўзилган муҳ-ташам қадимги мадраса ва миноралар кишини ҳайратга солади. Дун'ёни титратган чўлоқ Темур бу дабдабали архитектура ёдгор-ликларидан бирини ўзининг энг севикли хотини Бибиҳоним шара-фига тиклагандир. Бибиҳоним мадрасаси шу кунгача мен кўрган тарих ёдгорликларининг энг ажойибидир. Темурнинг фикри ва тасавури блан тикланган бу бино ўз асрининг қурилиш техника-сидан таққос қилиб бўлмайдиган даражада юксак ва дабдабали. Бибиҳоним мадрасасининг кишини қўрқув ва даҳшатга солади-ган ҳайбатли салобати чўлоқ Темурнинг даҳшатли давлатига, ҳукмронлигига символ бўлиб туради. Унинг давлати ҳам, Биби-хоним мадрасаси каби, Темур вафотидан сўнг йиқилди.

Самарқанднинг тарих музейида Бибиҳонимнинг қорайган, бу-зилган ва ярим скилет ҳолига айланган мумиясини кўрдик. Биби-хоним мадрасаси шу ярим хароба ҳолида нақадар муҳташам бўлса, Бибиҳонимнинг ўзи—мумияси ҳам шу қадар жозибалидир. Бунинг сабаби ва ма'носи ажабо нимада? Биздан беш аср аввал мингларча меҳнаткашларнинг оғир захмати орқасида бун'ёдга келтирилган бу муҳташам бино ўз замонасининг қуллик меҳна-тига бир шоҳид эканлигида эмасмикан?

Самарқандни архитектура жиҳатидан шон ва шуҳратга сазо-вор қилган қадим ёдгорликларидан бири Регистон мадрасасидир. Бу мадраса чўлоқ Темурнинг невараси Улуғбек замонида унинг ташаббуси блан тикланган. Улуғбек чўлоқ Темур ҳукмронлиги-нинг саркардаларидан бири бўлиш блан бирга, энг буюк олим, астроном ва файласуф ҳам эди. Унинг замонида Хуросон ўз маданий тараққиётининг чўққисига кўтарилган эди. Ана шу мада-ниятнинг энг шарафли ёдгорликларидан бири ҳам шу мадрасадир. Биз ҳозир шу мадраса қаршисида турибмиз. Деворлари турли ялтироқ ҳашамлар блан безалган бу дабдабали мадрасанинг мино-раси бироз қийшайган. У ҳозир йиқилиб кетадигандек таассурот қолдиради. Лекин бу минора шу қийшқлиги блан 500 йилдан бери туради ва яна минг йиллаб шу аҳволда тура олади.

Бу мадрасада мамлакатнинг энг машҳур олимлари тўпланиб, давлатманд кишиларнинг авлодларини ўқитар, тарбия қилар эди-лар. Кенг саҳннинг уч тарафида бир ва нкки қаватли бинолар бор; булар талабалар ва муаллимларга хос қатор хужралардан иборат. Бу мадраса эски арманистонда бўлган монастыр мактабларини эслатади.

Қизиги шуки, Самарқанд мадрасаларида фақат Алишер Навоийгина эмас, балки совет ёзучиси Сергей Бородин ҳам таҳсил кўрган. Бородин ўзининг ёшлик хотираларини ҳазил мутойиба сўзлаб, бизни мадраса дунёвий бир мактабга айлангач, ўзи яшаган ва таҳсил кўрган ҳужрага бошлаб борди.

Мадраса деворларининг рангли ғиштларини ушлаб кўрамиз. Булар оддий ғиштлар ва оддий бўёқлардан иборат. Яқиндан бу ғишт ва бўёқлар хира кўринса ҳам, узоқдан тамоша қилинганда ҳайратга шобън бир оҳанг ва ранглар блан кўзларни қамаштиради. Ҳақиқатан ҳам соддаликнинг олий юксаклиги ва ё юксакликнинг олий соддалиги деб шуни оташ мумкин.

Чўлоқ Темурнинг қабридан тарихий тушунчаларга тўлиб, машиналаримиз ёнига қайтамыз. Бу тушунчалар кейинча Грузия, Арманистон ва бошқа бир қатор мамлакатларга биз блан бирга боради.

Бирнеча соат ичида Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини буюк бир маълоқ блан кўрганимиздан кейин, яна Тошкентга учдик.

Айрилиқ дақиқалари

Неча кун туришимизга қарамай, Тошкентни ва Ўзбекистоннинг бошқа санойи ва маданий бойликларини тўла-тўқис кўраолмадик. Ҳатто машҳур Катта Фарғона канални ҳам кўраолмадик. Юбилей кунлари автомобиль ва аэроплан тезлиги блан ўтиб кетди. Уйга қайтиш вақти яқинлашди. Тошкентда сўнги кечани ўтказмоқдамиз. Закавказия вакиллари айрилиш қадаҳларини дастурхон атрофида ўтказмоқдалар. Қадрдон дўстлар блан сўнги қадаҳларни уруштириб ичамиз ва меҳмондўст қардошларимизга чуқур миннатдорлик блан юракдан муваффақиятлар тилаймиз.

Эрта блан машиналарга ўтириб аэродромга борамиз. Ўзбекистонни мукамал кўриб чиқишга вақт етмаганлигига ҳамма афсус ейди ва яқин ватқларда яна бир бор келиб, узоқ туришни орзу этади. Бизни узатиб, Ўзбекистон ёзучилари ҳам аэродромга келдилар. Биз бир-биримиздан айрилгимиз келмайди. Ширин суҳбатимиз гўё тамом бўлмагандек туюлади. Бизни олиб, аэропланлар аста-секин ердан узиладилар...

Кўкаламзор ичидаги Тошкент ва унинг теварагидаги боғ-бўстонлар остимизда жим-живма қилиб кўринади. Туркменистоннинг қуёшда қақраган саҳролари ўртасида яшил шахмат тахтаси каби кўринган Ашхобод орқамизда қолади. Ана, қоплон терисига ўхшаш Закаспий қумлиқлари, Красноводскнинг ёнидаги сийрак дарахтлар, Каспий денгизнинг мовий сувлари ва ниҳоят, нефть вишкаларининг ўрмони — Боку!

Бокуда бизни ва Грузия вакилларини қўлларимиздан тортиб уйга таклиф этадилар. Биз Сулаймон Рустамнинг уйига тушамиз. Ахир биз Сулаймон Рустам блан пролетар ёзучилари ўз фаолиятини бошлаган кунларидан бери дустмиз. Сулаймон Рустам Озарбайжоннинг энг мўҳир шоирларидан биридир. У фақат шоир ва драматург сифатидагина эмас, балки юксак билими блан Озарбайжонда

ва унинг чегараларидан ташқарида ҳамманинг муҳаббатини қозонган севимли кишидир.

Сулаймоннинг уйи жиддий ва ма'ноли бир тарзда тартибга солинган. Шоирнинг айниқса кабинети мени ўзига жалб қилди. Чиройли китоб шкафи ва гўзал ёзув столи мароғимни қўзғатди. Уй балконида Боқунинг марказий қисми, Шаумян боғидаги арман театри ва поёнсиз кўк денгиз кўриниб туради.

Ниҳоят, биз Абашидзе, Шаншиашвили ва Асатини билан бирликда поездга минамиз. Озарбайжонли ўртоқларнинг меҳмондўстлигидан гоят миннатдор бўламиз. Улар бизни энг азиз қариндошлари ўрнида қабул этиб, вокзалга ҳам чиқариб қўйдилар.

Инсонлар кўп вақт узоқдан ўзгача та'сир қолдирадилар. Четдан қараганда, Шаншиашвили жамоатга қўшилмайдиган бир одам та'сирини қолдиради. Лекин ҳақиқатда у хушчақчақ ва ҳамроҳбоп киши. Буни Абашидзе билан Асатини ҳам неча бор та'кидлади. Бу ҳақиқатни мен Тошкент сафаримизда яна равшан кўрдим.

Бу саёҳат ва зиёратнинг энг қийматли натижаларидан бири — Грузия ва Озарбайжон ёзучилари ўртасида ўрнатган самимий яқинлигимиз бўлди. Халқлар дўстлиги фақат бизнинг совет жамиятимиздагина бўлиши мумкин. Биз инсоният идрокнинг шундай бир юксаклигига кўтарилганмизки, ҳарқандай совет мамлакатининг гуллаб-яшнаши қўшни совет мамлакатини севинчларга тўлдирди.

Гуллаган қардош Ўзбекистондан — гуллар ва булбуллар юртидан — ҳайрат ва шодлик ҳиссиётлари билан ўз мамлакатимизга қайтиб келдик.

Октябрь, 1948 йил

ШАРОФ РАШИД

БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА ҲАҚИДА

I

Владимир Ильич Ленин ўзининг „Революцион кунлар“ деган мақоласида публицистика ҳақида шундай деган эди: „Биз публицистларнинг ишини донмий ишга айлантиришимиз лозим. Ҳозирги замон тарихини ёзмоқ керак, бу тарихни шундай ёзмоқ керакки, ҳаёт тўғрисидаги лавҳаларимиз, ҳаракат бораётган жойда бу ҳаракатнинг бевосита иштирокчиларига, қаҳрамон пролетарларга қўлдан келган қадар ёрдам берсин,— шундай ёзмоқ керакки, ҳаракатнинг кенгайишига ёрдам берадиган бўлсин, кураш воситалари, усул ва методларини онгли суратда танлаб олишга ёрдам берадиган бўлсин...“¹

Улуғ Ленин айтганидай, совет адабиётида публицистларнинг иши доимий ишга, публицистика жанри — муҳим жанрга айланди. Бадий адабиётимизга жанговар публицистика қўшилди. Совет адабиётининг ҳамма жанрларида ёзилган асарлар жанговар публицистик руҳда бўлганларидагина коммунизм қураётган халқнинг олижаноб фазилатларини тасвирлашга қобил бўлади. Шу ҳақиқатни ўзига мазмун қилиб олган совет адабиёти, коммунизм жамиятини қуришда, халқимизни коммунизм руҳида тарбиялашда Ленин—Сталин партияси қўлидаги қудратли қуролдир.

Жаҳонда энг илғор бўлган совет адабиёти ўзининг тараққиёт йўлида янги бир даврга кирди. Кундан-кун туғилиб, ўсиб, етилиб бораётган янги ҳаёт лавҳаларининг овозида — „киши руҳининг инженерлари“ бўлмиш ёзучиларимизнинг ажойиб большевистик садолари ҳам жаранглаб эшитилмоқда. „Адабиётимиздаги энг яхши асарлар, коммунизм билан ғоявий жиҳатдан чамбарчас боғланганликларини ҳис этаётган ёзучилар томонидан ёзилган асарлардир. Буни тасодифий бир ҳол деб бўлмайди. Бизнинг мамлакатимизда коммунизм ижодий меҳнатга, Ватан учун қаҳрамонона

¹ В. И. Ленин. Асарлар, том VII, 83 бет.

курашга, юксак ғоявий ижодий ишларга илҳомлантирмоқда“ (Молотов).¹

Мамлакатимиз қиёфасини ўзгартириб юборган буюк тадбирлар, большевиклар партиясининг янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган улуғ ишлари, коммунистик меҳнатда янги-янги намуналар бунёд қилаётган халқимизнинг битмас-туганмас ижодий ғайрати бадий адабиётда ўз аксини топди. Совет кишиларининг ма'навий қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган бу воқиалар бадий адабиётни янги юксалишга чақирди. Бу воқиаларни тасвирлаш учун янги-янги адабий шакллар излаш эҳтиёжи туғилди. Ёзучиларимиз, халқимиз ҳаётидаги, мамлакатимиз ҳаётидаги буюк воқиаларни муносиб тасвирлаш, бугуннинг талаблари даражасидаги юксак тасвирлар ва ифодалар топиш йўлида буюк ижодий ихтирос блан ишламоқдалар. Ёзучиларимиз адабиётда большевикча партиявийликнинг ленинча-сталинча принципларини, социалистик реализм принципларини зўр жиддият блан ўргандилар. Бу ижодий интилиш адабиётимизда анча самаралар берди: сиёсий ўткир, ғоявий юксак, бадий пишиқ асарлар яратилди. Бу асарларнинг кўпчилиги, қайси жанрларда бўлишидан қат'ий назар, ўзининг принципаал партиявийлиги ва жанговар публицистик руҳ блан сугорилганлиги учун ҳам муҳимдир, кучлидир.

Совет халқи, Улуғ Ватан уруши йилларини ҳечқачон эсдан чиқармайди. Шунингдек, оташин совет публицистлари томонидан уруш йилларида зўр ихтирос блан ёзилган ажойиб мақолалар ҳам унинг эсидан чиқмас. А. Толстой, И. Эренбург, М. Шолохов, В. Иванов, В. Гроссман ва бошқа совет ёзучиларининг ҳаяжонли сўзлари, ватанпарварлик ҳисси блан тўлиб-тошган публицистик мақолалари халқимиз юрагига нақш этилганлар.

Жанговар публицистика, халқимиз юрагида ўч — қасос ўтини ёндирди, она тупроғимизни ва фашизм кишанида ётган бошқа халқларни озод қилишга чақирди. Бадий публицистика бизда мисли кўрилмаган сиёсий ўткирлик ва бадий юксакликка кўтарилди. Бундай публицистика дун'ёнинг ҳечқайси адабиётида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

Совет адабиёти илғор классик рус адабиётининг публицистик ан'аналарини давом этдирди. Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Герцен, Тургенев, Л. Толстой, Успенский, Короленко, Горький, Маяковскийларнинг оташин публицистикасини биз ижодий юксалтирдик, ўстириб камолатга етказдик, шакл ва мазмун жиҳатидан ғоят бойитдик.

Улуғ Ленин янги, қудратли большевик публицистикага асос қўйди. Чуқур илмий муҳокамаларни ажойиб адабий шаклларда тасвир қилаолган Лениннинг ҳар жумласи киши қалбини ларзага келтиради, ҳаяжонга солади. Уртоқ Сталиннинг асарлари шундай бир пафос блан ёзилганки, у бадий, сиёсий, фалсафий публицистиканинг мукамал намунасидир. Улуғ Ленин асосий

¹ В. М. Молотов. „Улуғ октябрь социалистик революциясининг ўттиз йиллиги“. „Қизил Ўзбекистон“, „Пр. Востока“ нашр. 47 йил, 28 бет.

касби ҳақидаги саволга журналист деб, улуғ Сталин эса публицист деб жавоб берганлар. Совет ёзучиларимиз Ленин—Сталин публицистикасининг фазилатларини ўрганиб келдилар ва бундан буён яна ҳам чуқурроқ эгаллаб олишлари лозим.

Публицистика — бу тушунча ғоят кенг ва чуқур ма'нога эгадир. Совет адабиёти — буюк публицистик идеялар адабиётидир. Бу адабиётдаги ҳарбир яхши асар замонимиздаги улуғ воқи'ликларни ва коммунизмга қараб интилишимизни тасвирлаб беришга. Унинг вазифаси яна буюқдир! Ёзучи — публицистларимиз коммунизмнинг буюк ғояларини ифодалаш учун энг гўзал ва ўткир шакл ва ифодаларни тинмай қидириб топишлари, омани ма'рифатли қилишлари, уларнинг фикрини қўзғоғиб Ленин—Сталин партияси томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар қилишлари лозим.

II

Ўзбек совет ёзучилари қаторида фақат публицистик ёзучи бўлиб танилган адиблар ҳозирча йўқ бўлса ҳам, аммо улар ёзган асар ички пафоси ва йўналишида публицистик элементлар яққол кўзга ташланади. Бу ҳолни ўзбек совет адабиётдаги поэзия, проза ва драматургия соҳасидаги барча асарларда учратиш мумкин. Айниқса Ғ. Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода ва бошқа ёзучиларимизнинг кўпгина асарлари публицистик характерда ёзилгандир.

Дун'ёда энг илғор бўлган совет адабиёти уруш йилларида ҳам халқни ғоявий қуроқлантиришда катта роль уйнади. Бу йиллар адабиётда оташин большевистик публицистика алоҳида ўрин тутди. Чунки бошқа жанрлардаги асарларнинг кўп қисми жанговар публицистика руҳида ёзилганидек, алоҳида публицистик мақолалар жанри ҳам ўсди, юксалди, бадий, сиёсий жиҳатдан ҳечқачон кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Ўзбек ёзучилари рус совет ёзучиларидан ўрганиб, кўпгина жанговар асарлар, публицистик мақолалар яратдилар.

Улуғ Ватан урушининг тарихини ёзган олим, унинг жанговар кишиларини ва кунларини тасвирга олган ёзучи, ғалаба ва озодликнинг сўнмас маш'али бўлган жонажон Сталин ҳақида ёзишни ўзи учун катта бахт деб билади. Шоир Ғафур Ғулумнинг улуғ Сталин ҳақида ёзган кўпгина ше'рлари ўзининг публицистик характери блан ажралади. Ғафур Ғулум доҳи Сталин ҳақида ёзар экан, совет мамлакати, Октябрь нури, шонли партиямиз ва улуғ Сталин иродаси бутун кишилик жамияти учун янги порлоқ йўл кўрсатаётганини, бутун кишиликнинг халоскори совет Иттифоқи, доҳи Сталин эканлигини тасвирлайди. Унинг уруш ва урушдан кейинги йилларда яратган асарларида замонамизнинг кўпгина муҳим масалалари қўйилади. У, ўзининг оташин ше'рлари блан халқни ғайратга чақиради, бадий сўз кучи блан халқ юрагида ғайрат, ихтирос уйғотади.

Ғафур Ғуломнинг жўшқин поэзияси — ўткир сиёсий поэзиядир. У, ўзининг оригинал муҳокамаси натижасида ҳаққоний ва доно яқун чиқариб беришга қобилдир. Шоир ма'лум мавзу' устида юритган кенг ва чуқур мулоҳазаларини кучли бадиий сўз воситаси билан ҳаяжонли қилиб, большевик публицистикаси руҳида тасвир қилади. Унинг „Сен етим эмассан“, „Мен яҳудий“, „Вақт“, „Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак“, „Қозоқ элининг улуғ тўйи“, „Ассалом“, „Инсоният байрами“ деган ше'рлари чуқур фалсафий, ўткир публицистик хусусиятга эга бўлган ше'рлардир.

Ғафур Ғуломнинг „Иосиф Сталин“ циклига кирган ше'рлари, порлоқ сиёсий ше'рлар бўлиб, унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоир „Владимир Ильич Ленин“, „Дебоча“ номли ше'рларида улуғ Ленин, Сталин шарафига мадҳия ўқийди.

Бир бутун асрнинг танлагани сиз,
Йигирманчи аср — бу сиз демак, демак —
Эндиги минг йиллар шоҳроҳида,
Ёзилган бир маш'ал, бир маяк — демак.¹

Шоир Ғафур Ғулом ўзининг кучли публицистик шоирлик таланти билан уруш оловини ёқучиларнинг дун'ёга ҳоким бўлишдан иборат разил ниятларини фош қилади. Ўзларининг атом қуролларини пеш қилиб, янги уруш очишга тайёрланаётган Америка империалистларига нафрат ёғдиради. Шоир бу ҳақда ёзиб улarga:

Бизга бахш этилган зиҳн — ме'рифат
Атомлар қудратин тасхир эткулик.
Керак бўла қолса, бу она тупроқ
Атом қудратин тугар еткулик.²

деб жавоб беради. Янги уруш оловини ёқучиларнинг кузири Черчилль ва унинг малайлари зўр бериб янги урушни пропаганда қилмоқдалар. Халқ бошига уруш кулфатини туширган гитлерчиларнинг тақдири қандай тугаган бўлса, янги уруш оловини ёқучиларнинг кузири Черчилль ва унинг малайлари ҳам шундай шармандай-шармисор бўлажаклар. Шоир ўзининг „Инсоният байрами“ ше'рида бундай дейди:

„Гитлер қабри устида бўлганидек, сизга ҳам,
Иблис истеҳзо билан солажақдир қаҳқаҳа.“³

Капиталizm ҳозир инсоният тараққиётига тўсқин бўлиб қолди. Жамиятнинг юксалиш қонунлари, капитализмнинг ҳалокатидан дарак бермоқда. Шоир Ғафур Ғулом инсоният тараққиётининг ашаддий душманлари — империалистларнинг қилмишларини

¹ Ғ. Ғулом. „Танланган ше'рлар“. Ўздавнашр, 1947 йил 217 бет.

² „Ассалом“. „Қизил Ўзбекистон“ 1947 йил, 6 ноябрь сони.

³ „Инсоният байрами“. „Қизил Ўзбекистон“ 1948 йил, 6 ноябрь.

ўткир сиёсий публицистика блан фон қилади. „Инсоният тараққиётини қирғин блан чеклаш“га уринаётган урушқоқларга қараб: „Маршаллар, Черчилльларнинг вабодан не фарқи бор!“ деб хитоб қилади ва уларнинг оёқлари остидаги замин бўшаб қолганини, ҳамда ўлимга маҳкум эканини тасвирлайди.

Поэзияда катта маҳоратга эга бўлган Ғафур Ғулом ўткир публицистик мақолалар устаси ҳамдир. У, халқни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига доир бирнеча мавзуларда ажойиб публицистик мақолалар ёзди. Ғафур Ғулом ёзган мақолалар мавзуининг ҳажми ва мазмунининг кенглиги, сиёсий ўткирлиги блан характерлидир. У, „унутилмас кишилар тўғрисида“ги мақоласида „Ҳамиша ақл ва тафаккур бид'ат ва хурофотнинг зидди бўлиб келган“¹ дейди. Дарҳақиқат бу мақолада билаолиш блан билмаслик, тафаккур блан бид'ат, фан блан дин ўртасидаги кураш ажойиб маҳорат блан тасвирлангандир.

Тарих, дин ва шариат арбоблари қилган жирканч ёвузликлардан, Улуғбек ва Фирқат, Машраб ва Ҳакимзодага ўхшаш катта ақл эгаларининг бегуноҳ қатл этилганидан гувоҳлик бермоқда. Дин байроғини қурол қилган текинхўрларнинг қуйқалари ҳали ҳам халқ онгини заҳарлашга уринади. Гарчи бундай қуйқалар энди денгиздан томчи бўлса ҳам, абадий ўлимга маҳкум қилингандир. Ғафур Ғулом бу ҳақиқатни жуда ўткир, чиройли бадиий ифодалар блан тасвир қилаолган.

Унинг „Оналар“ деган мақоласи бадиий публицистиканинг гўзал намунасидир. Унда хотинларнинг жамиятдаги буюк роли қуйидагича ифодаланади:

„Жамият, давлат тузуми, оила, халқ ва ҳуқуқ бутун инсониятга шериклик. Инсоният, бу — эркак ва аёллардан иборат жамиятдир. Бу икки жуфт ҳаётда, меҳнатда, оилада бир-бирига меҳрибон ва вафодор бўлмаса — ҳар икки жинсда ҳам жаҳонга арзирлик меҳнаткашлик, жанговарлик, оилапарварлик, ишқ-муҳаббат бўлмас эди“.²

Совет тузуми хотин-қизларга бахт, озодлик йўлини очиб берди. Ленин—Сталин партияси хотин-қизларга кенг ва порлоқ истиқбол йўлини кўрсатди. Ғафур Ғулом бу ҳақиқатни кучли бадиий сўз воситаси ва юксак пафос блан тасвирлайди. Бу мавзуни қаламга оларкан, унинг ўзи ҳам та'сирланиб кетади. Ҳаяжонга тушади, янги фикрлар, ифодалар блан тўлиб тошади. Дун'ёда энг бахтли совет хотин-қизларига, уларнинг озод турмушга муяссар қилган Ленин — Сталин партиясига мадҳия ўқийди.

Ғафур Ғулом кейинги йилларда ижтимоий, сиёсий мавзуларда энг гўзал ше'рлар, публицистик мақолалар ёзмоқда. Бу асарлар турмушимизнинг энг актуал мавзуларида бўлиши блан характерлидир. Иккинчидан шуни кўрсатиш керакки, Ғафур Ғулом ўзи танлаётган мавзуларнинг ҳажми ва мазмунининг кенг миқ'ёсда бўлишига катта э'тибор бермоқда.

¹ „Қизил Ўзбекистон“. 1948 йил, 9 июнь.

² „Қизил Ўзбекистон“. 1948 йил, 19 июнь.

Марҳум Ҳамид Олимжоннинг оловли сўзлари, ўткир мақола-лари, кишини ҳаяжонга солучи шеърлари ҳали ҳам жаранглаб эшитилмоқда. Унинг сиёсий поэзияси ўзининг ғоявий юксаклиги, сиёсий ўткирлиги, принципиал партиявийлиги ва жўшқин публицистик хусусияти билан ўзбек совет адабиётида алоҳида ўрин тутди.

Тобора ижодий камолатга етиш, давримизга, халқимизга муносиб асарлар яратиш ва шу йўл билан коммунистик бурчини адо этиш — Ҳамид Олимжоннинг ягона орзуси эди. У, ана шу орзуга етмоқ ниятида кўпроқ рус классикларига мурожаат қилди. Уларнинг асарларини таржима қилди. Уларнинг битмас-туганмас ижодий ҳазиналаридан тўла баҳраманд бўлди. Бу эса, Ҳамид Олимжон ижодига янги мазмун, янги, яна мукамал ва гўзал адабий шакл, сиёсий ўткирлик ва публицистик руҳ бағишлади.

Ўзбекистонда сув танқислигини йўқотиш учун бошланган қудратли умумхалқ ҳаракати адабий фронт аҳлларига катта илҳом бағишлади. Ўзбек совет поэзиясида янги жанр — „хат“ жанри, прозада ажойиб публицистик мақолалар чиқди. Гафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ўйғун ва бошқалар публицистик руҳда бўлган ажойиб асарлар яратдилар. Ҳамид Олимжон бу ишда олдингилар қаторида бориб, улўғ Сталин номига ёзилган хатларнинг ёзилишида фаол иштирок этди. Бу давр Ҳамид Олимжон ижодида алоҳида ўрин тутди. У ана шундан сўнг кўпроқ сиёсий мавзуларда публицистик руҳда ёза бошлади.

Улўғ Ватан уруши бошланган кунларда Ҳамид Олимжон Москвада эди. Урушнинг биринчи кунларидаёқ, у ажойиб шеърлар ёзиб, Гитлер фашизми ўлимга маҳкум эканлигини, ғалаба бизда бўлажаги ҳақида ёзди. 1941 йил 24 июнда ёзган „Ғалаба қўшиғи“ шеърида Ҳамид „Тарихнинг ҳукмидир бу! Бизникидир чин зафар“ деб таъкидлади. Ҳамид ўзининг бутун ижодий маҳоратини улўғ Ватан урушида совет халқининг ғалабасига сафарбар қилди.

У, бу ҳақда халқ ўртасида оташин нутқлар сўзлади, газеталарга ўткир публицистик мақолалар ёзди. Кучли сиёсий-ҳарбий лирика яратди, драматургия соҳасида анча салмоқли асарлар ёзди.

Ҳамид Олимжоннинг уруш йилларида нашр этилган „Она ва ўғил“ (1942 йил), „Қўлингга қурол ол“ (1942 йил), „Ишонч“ (1943 йил) тўпламларига кирган шеърлари шубҳасиз адабиёти-мизнинг зўр ютуғи бўлди. Бу тўпламларга кирган шеърлар ўз ватанига охиригача содиқ бўлган, она ўлканинг ишқи билан тўлиб тошган қалбнинг лирик қўшиқлари, баҳодир халқимизга ўқилган мадҳияси, немис одамхўрлари устидан чиқарган ҳукми эди! Бу шеърлар ўзбек совет адабиётидаги ҳарбий-сиёсий поэзиянинг энг гўзал намунаси бўлиши билан бирга, публицистик поэзиянинг ҳам ажойиб намунасидир.

У, ўзбек совет лирикасининг устаси эди. У, ўзининг сиёсий лирикасига ҳам, интим, ишқий, табиат лирикасига ҳам алоҳида жўшқинлик, кўтаринки публицистик руҳ бағишлади. „Ҳарқандай поэзиянинг ҳаёти ва руҳи лирикадир, лирика поэзиянинг асси-

дир, у, поэзиянинг поэзиясидир“¹. Шоир Ҳамид Олимжоннинг поэзияси лирика дар’есидан тўлқин уриб оққан фикрлар, ҳис, туйғулар қўшиғидир. Унинг ше’рларида ана шу фикрлар, ҳис, туйғулар устида чуқур партиявийлик нуқтаий назаридан яқун чиқарилади ва бу блан халқимизнинг улуғ курашига муносиб ҳисса қўшади, унинг юрагида ғайрат, ишонч туйғусини кучайтиради. Халқимизни меҳнатга, курашга руҳлантиради. Ҳамид Олимжон поэзиясидаги публицистика ана шундадир.

Унинг „Башар қуёшига“, „Сосо“ ше’рлари ўзбек совет поэзиясида сиёсий лириканинг энг чиройли намуналаридандир. Шоир бу ше’рларида халқнинг улуғ доҳига бўлган меҳр-муҳаббатини жуда чуқур, кенг ва гузал ифодалади:

„Инсонликка бўлиб бир қуёш,
Севиқлимиз, сен кўтардинг бош.
Сен элимнинг кўздаги нури,
Сен элимнинг топган сурури.
Сен суянган буюк тоғимиз,
Сен бизларнинг жаннат боғимиз.
Паноҳимиз, ишончимизсан,
Омолимиз, қувончимизсан.

Бахтимизнинг номи сен ўзинг,
Саодатга бошлар ҳар сўзинг“²

Улуғ Сталин образи шоир қалбига битмас-туганмас илҳом бағишлайди. Шоир битмас-туганмас илҳом ва қувончга тўлган ҳолда, зўр мамнунлик блан улуғ доҳига мурожаат қилиб:

„Номинг блан йўқолур зулм,
Номинг блан йўқолур ўлим
Сен тарихнинг томирида қон,
Сен оламнинг танидаги жон“³

деди. Ҳамид Олимжоннинг „Пушкин“, „Бахт тўғрисида“, „1924 йилнинг 22 январида Самарқанд“, „Горький ҳақида“, „Россия“ каби ше’рлари, „Жангчи Турсун“, „Роксананинг кўз ёшлари“ деган балладалари публицистик руҳда ёзилгандир. Ҳамид ўзининг бу ше’рларида кишилик тарихида янги дун’ё яратган улуғ Ленин, Сталин шарафига мадҳия ўқийди. Ватанпарварлик, халқлар дўстлиги туйғуларини улуғлайди. Коммунизм бинокорлари бўлган совет халқининг янги олижаноб фазилатларини тасвирлайди. Куйга солади. Унинг куйи ҳароратли, жўшқинлиги, қиличдан ўткир сўзлари, ажойиб бадий ифодалари ва кўтаринки руҳда бўлиши блан ўзбек совет поэзиясида катта ўрин тутади. Ҳа-

¹ В. Белинский — „Мақолалар“, Ўздавнашр 1948 йил, 35 бет.

² Ҳамид Олимжон „Танланган асарлар“, Ўздавнашр, 1944 йил 173 бет.

³ Ҳамид Олимжон „Танланган асарлар“, Ўздавнашр, 1944 йил 174 бет.

мид Олимжон поэзиясининг большевикча публицистика руҳида ёзилганлиги ҳам ана шундандир.

Шоир Шайхзоданинг ижодида ўткир сиёсий лирика ва пафос блан тўла граждан поэзияси характерли ўрин тутади. Унинг шеърларидаги сиёсий ўткирлик, Улуғ Ватан уруши йилларида яна кескинлашди, унинг граждан поэзияси жиддий такомилга эришди. Шайхзода шеърларининг энг яхши бадий ва сиёсий фазилати — унинг чуқур партиявийлигидадир. Шоирнинг жуда кўп шеърларида давримизнинг улуғ идеаллари, халқимизнинг буюк вазифалари бадий оҳангларда, кўтаринки руҳда тасвир қилинади, бу шеърлар тўла маънода жанговар шior бўлиб жаранглайди. Шайхзоданинг шеърлари ўзининг шакли ва мазмуни эътибори блан шior, чақириқ вазифасини бажариш даражасида сафарбар қилу-чилик кучига эгадир.

Шайхзода шеърларининг яна бир фазилати — унинг партия, ҳуқумат томонидан халқ олдида қўйилган вазифаларга шоирона бир нидо блан жавоб беришлигидадир. Унинг кейинги йилларда ёзган шеърлари, публицистик мақолалари тематикасини кўздан кечир-сак, қурашимизнинг энг актуал масалалари шоирнинг диққат марказида турганини кўрамиз. Шоир олдимизда турган вазифаларни бажаришнинг катта аҳамиятини бадий сўз воситаси блан, жуда таъсирли қилиб, публицистик руҳда тасвир этади, шу блан халқ юрагига таъсир қилиб, уни янги меҳнат намуналари яратишга руҳлантиради. Унинг „Пахтамиз“ деган шеъри бу жиҳатдан жуда характерлидир. Бу шеърда ўзбек халқининг она юртга пахта етказиб беришдан иборат муқаддас бурчи, бу бурчни шараф блан бажариш зарурлиги юксак пафос блан тасвирланади. Шоир пахтакорларга мурожаат қилиб, давлатга пахта етказиб бериш — бу вқтисодий вазифагина эмас, балки зўр сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган вазифа деб тушинтиради.

„Ўзбек диёрида шонли одат бу,
Юртни кийинтириш эзгу вадамиз.
Ҳар ўлка тутаркан туҳфа ормуғон,
Ватанга совғамиз — азиз пахтамиз.
Бизни бу шарафга сазовор кўрди,
Ишонди Москва, улуғ шаҳримиз,
Бизга бу ҳунарга ёзилди мандат
Тупроқ восиқамиз, қуёш муҳримиз.
Пўлатдир аҳдимиз, ондир вадамиз,
Бойитсин ясатсин, юртни пахтамиз“.

Шайхзода ўзининг кичик маззу'даги шеърларида ҳам воқе'иликни ажойиб бадий усталик блан чуқур таҳлил қилади. Унинг „Рақамлар“ деган шеърида сталинча янги бешйиллик ғалабаларини ифодаловчи процентлар ва рақамларнинг мазмуни очиб берилади. Бу рақамлар, процентлар аслида совет кишисининг Ватанга садоқатини, иродасини, меҳнатга ихлосини баён қилучи бир белги эканлиги кўрсатилади.

„Не-не чечаклар бор рақам боғида...
Мен на мунажжиман ва на ҳисобдон,
Ва лекин кўраман сонлар мағзида —
Осмонча ма'нолар, юртни ободон“.

(„Рақамлар“ 1948 йил)

Сиёсий-маданий ҳаётимиздаги улуғвор воқиалар ҳамиша шоир қаламида ўз ифодасини топади. У кейинги вақтларда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш мавзу'ида „Юрак қасами“, „Менинг дўстим“, „Комсомолга“ деган ше'рларини, пахта учун кураш мавзу'ида „Пахтамиз“, „Мирзо“, „Оқшом“, „Нафисахон“, „Қуёш, ой ва қиз“ деган шер'лари ва „Элҳиммати“ деган катта қасидасини ёзди. Шоир халқ хўжалигимизнинг кўпгина тармоқлари ҳақида ҳам ана шундай публицистик ше'рлар яратди.

У „Оқшом“ деган ше'рида, ўқучи юрагига катта та'сир қолдиручи ва уни руҳлантиручи чиройли тасвирий воситаларни топади. Бу ше'р ўқучида ғайрат уйғотади, ҳавасини оширади.

„Пахтакорни, голиб колхозни,
Жануб кузин, чинни торбузни,
Ҳовузни ҳам, ану қизни ҳам,
Чўққисоқол Дўст-раисни ҳам
Ойни, сувни, боғни, булутни,
Фақат севмак мумкин бу юртни.
Ҳаммасига муҳаббат ширин,
Сўрасангки, айтиб бер сирин,
Дерман: Бари сенга аёнку.
Бу ер, бу эл бизники мангу!“

Шайхзоданинг улуғ Сталин, буюк рус халқи, Москва ҳақида ёзган кўплаб ше'рлари публицистик поэзиянинг намунасидир. Бу ше'рлар тантанали оҳангда, кўтаринки руҳда, чиройли бадий шаклда ёзилиб, жуда катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Шоир Шайхзоданинг публицистик мақолалари ўқучи юрагида катта та'сир қолдиргандир. Унинг уруш йилларида ва айниқса урушдан кейинги йилларда ёзган кўпгина публицистик мақолаларида совет воқи'лигининг актуал масалалари— ватанпарварлик ғояси, халқлар дўстлиги, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги масалалари тасвирланади. Унинг „Совет кишисида Ватан севгиси“ деган публицистик мақоласи „Башариятнинг жафокаш ва саргузаштларга тўла тарихида ажойиб бир даврнинг фарзандларимиз! Ўттиз йилдирки кишилик таржимаий ҳолида янги бир саҳифа — чинакам инсон тарихининг саҳифаси очилди“¹ деган оташин сўзлар блан бошланади. Шайхзода бу мақолада совет кишиси қалбида ҳукмрон бўлган ягона ғояни Ватан севгисини юксак пафос блан ҳаяжонли қилиб беради. Бу мақолада бизнинг

¹ „Қизил Ўзбекистон“ 1947 йил 26 август.

«социалистик тузумимизни ҳарқандай капиталистик тузимдан афзаллиги, давлат тузумимизнинг ҳарқандай капиталистик давлат тузумидан устунлиги тасвирланади. Мамлакатимизда фан, сан'ат қанчалик тараққий этгани кўрсатилади ва шоир қуйидаги ҳаққоний якуни чиқаради.

«Совет Иттифоқи жаҳоннинг ёруғ илм марказидир. Дарҳақиқат, Европа ва Американинг хусусий чўнтак манфаатларига қарам илми блан бизнинг халқчил илму — ма'рифатимиз ўртасида ер блан осмон қадар фарқ бор эмасми?».

Шоир Шайхзода совет кишида Ватан севгисини тасвирлашга киришар экан, ўзи ҳам та'сирланиб ҳаяжонланади. Коммунизм қураётган халқнинг янги олижаноб фазилати, меҳнатга янгича муносабатда бўлаётган, Ватанга, Ленин — Сталин партиясига садоқат шоирга битмас-туганмас илҳом бағишлайди. Шоир ана шундай улуғ мавзу'да асар ёзганига чин қалбидан қувонади, фахрланади ва бу кечирмаларини ўткир публицистик жумлаларда ифода қилади. Шайхзода янги жамият бинокори бўлмиш халқимизнинг улуғ мақсад йўлида қилаётган фидокорона меҳнатини тасвирлаб, она юртимизни улуғлайди.

«Советлар Иттифоқи тарих океанида шундай муаззам бир кемадирки, унинг йўлловчи дастагида ўлмас Ленин, Буюк Сталин турмоқдалар. Бу кемани улуғ дорғаларнинг тажрибали шоғирдлари юргузмоқда. Бу кемада пўлат асабли большевиклар партияси садоқатли хизматкор... Бу кема — Ватан, кема аҳли — халқ; денгиз — замона; соҳил — коммунизмдир».

Шайхзоданинг ватанпарварлик мавзу'ида ёзилган кўпгина мақолалари ҳам, пахтачилик ҳақида ёзган ва «Қизил Ўзбекистон» газетасида э'лон қилинган бирнеча мақолалари ҳам ана шундай большевикча публицистика шираси блан озуқланган.

Ўткир сиёсий ше'рлар, публицистик мақолаларни адабиётимизнинг порлоқ келажаги бўлиб етишаётган ёшларимиз ижодида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳамид Ғулом, Туроб Тула, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Шуҳрат, Ёнғин Мирва ўртоқларнинг ше'рлари ва кўпгина мақолаларида большевикча публицистик элементлари кўпдир.

Ёзучи давримизнинг кўз-қулоғи бўлиши, халқимиз ҳаётидаги ҳамма воқеаларга, партия, ҳукуратимиз чақириқларига ўз ижоди блан жавоб бериши керак. Ҳозир партиямиз, совет адабиёти аҳилларидан янги-янги мавзу'ларда асарлар ёзишни, янги қаҳрамонларнинг олийжаноб фазилатларини муносиб тасвирлашни, коммунизм қуришдан иборат улуғ ишда фаол қатнашишни талаб этмоқда. Ёзучиларимиз коммунистик қурилиш ҳақидаги публицистик асарлари блан газета, журналларда, радиода, халқ олдида тез-тез чиқишлари керак. Афсуски, бизда совет ёзучиси олдида қуйилган бу улуғвор талаб айрим ўртоқлар томонидан бажарилмаётир. Кейинги икки йил ичида Миртемир, Уйғун, Иззат Султон, Темур Фаттоҳ ўртоқларнинг газета, журнал саҳифаларида бирорта публицистик мақола блан чиқмаганликларини қандай баҳолаш керак. Айрим ёзу-

чиларимиз партия ташкилотимизнинг эскилик сарқитларига қарши олиб бораётган курашидан кейинда қолмоқдалар. Бу ҳақда ҳечнарсга ёзаётганлари йўқ. Англия, Америка империалистларининг янги уруш очиш, жаҳонга ҳоким бўлиш ниятларини фош қилиб халққа кўрсатиш бадий адабиётимизнинг катта вазифасидир. Халқаро мавзуларда Ғ. Ғулом, Шайхзода, Туроб Тула, М. Бобоев ўртоқлар ёзган баъзи асарларни мустасно қилганда, адабиётимизда чуқур публицистик мақолалар, ҳикоялар, фелъетонлар, шеърлар мутлақо етарли эмаслигини исбот қилиб ўлтиришга ҳожат борми? Ёзучи — публицистларимиз ўз ижодлари билан курашимизнинг олдинги қаторларида бўлишлари керак.

ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат соҳасидаги қарорлари совет адабиёти ва совет ёзучилари учун янги юксалиш йўлини кўрсатиб берди. Совет адабиётидаги коммунистик ғоявийлик ҳозир ҳарқачонгидан кўра ўсди, мустақкамланди. Ҳозир коммунистик ғоявийлик совет адабиётининг асосий ва ҳал қилуви белгиси бўлиб қолди. Адабиётимизнинг кейинги йиллар ичида қўлга киритган ютуқлари — бу энг олдин партиямиз Марказий Комитети кўрган тадбирларининг порлоқ самарасидир. Ленин — Сталин партиясини миллий сиёсатининг тантанаси натижасида юксалётган, кундан-кун ўсаётган, ғоявий — сиёсий жиҳатдан янада чуқур, мазмундор бўлаётган ўзбек совет адабиёти кенг публицистик ғоялар адабиёти бўлиб такомил топпоқдасидир. Партиямиз Марказий Комитетининг мафкура соҳасидаги қарорларидан сўнг ўзбек совет адабиётида ҳам анчагина замонавий мавзуларда асарлар яратилди. Брок бу бошланғич ва биринчи қадамдир. Партиямиз талаб қилган даражада кўп ва мазмундор, ғоявий юксак асарлар яратиш — бу билан коммунизм қураётган халқимизни янада ма'рифатли қилишга, тарбиялашга ёрдам бериш, ҳарбир ёзучининг муқаддас бурчидир.

Халқимиз сталинча бешйиллик вазифаларини шараф билан бажармоқда. Халқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида буюк кўтарилиш, юксалиш бошланди, тарих саҳнасида янги қаҳрамон чиқди. Бу янги қаҳрамон — актив суратда, онгли равишда социалистик воқилик яратаяётган ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқнинг ўзидир. Бу Ленин — Сталин партиясини доно сиёсатининг натижаси, совет тузумининг тантанаси, совет халқи қудратининг ҳаётбахш самарасидир. Мана бу ҳақиқат дунёда энг илғор совет адабиётимизнинг мазмуни, совет ёзучиларимизнинг илҳом булоғидир. Ёзучиларимиз ана шу воқиликни муносиб тасвирлаш, чиройли ва ўткир ифодалаш учун курашмоғи керак. Газета, журналларимизнинг редакциялари авторларга, ёзучиларга бўлган, бадий асарга бўлган талабни кучайтиришлари керак. Унинг большевистик публицистика руҳида ёзилишига эришмоқ керак. Газета, журналлардаги „...Материаллар адабий жиҳатдан қанча кўпроқ хилма-хил бўлса, унинг саҳифаларида жанговар большевистик публицисти-

¹ „Правда“ 1948 йил 9 июньдаги бош мақоласи.

ка нақадар кўп бўлса, у муқаррар муваффақият қозонади, оммага шу қадар кучли та'сир кўрсата олади.¹

Социализм мамлакатининг, совет халқининг эришган ва эришаётган ютуқлари, империалистларни қаттиқ безовта қилмоқда. Улар социалистик давлатимиздан, иккинчи жаҳон урушида қозонган мислсиз ғалабаларимиздан қўрқадилар. Шунинг учун ҳам Англия, Америка империалистлари ва уларнинг мафкура майдонидаги малайлари — ёзучилар, журналистлар, сие-сатдонлар қандай қилиб бўлсада совет мамлакатини ёмонлашга, унга тухмат — бўҳтон қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Янги уруш очиш ҳақида жар солмоқдалар. Адабиётимиз империалистларнинг бу найрангларини аёвсиз фош қилмоғи керак. "...Дадил ва мардонавор ҳаракат қилиб, фасот боғлаб ириб-чириб кетган буржуазия маданиятининг бутун маразларини очиб ташламоқ ва унинг устига ҳужум қилмоқ керак!" (Жданов). Бунинг учун жанговар большевистик публицистикадан кўпроқ фойдаланиш зарур. Чунки „Марксизм-ленинизм публицистикаси кескин мунозара юргизиш учун энг бой манба'дир.“² Ёзучиларимиз марксизм-ленинизм публицистикаси ан'аналарини чуқур ўрганишлари, ана шу асосда ёзилган сиёсий ўткир, ғоявий юксак асарлари блан курашимизга актив қатнашишлари керак.

Бадий асарнинг замонга, даврга мослиги — унинг жамият тараққиётидаги энг тараққийпарвар вазифалар блан узвий боғланишидир. Воқе'ликни чуқур ўрганиш, ундаги воқиалар ҳамда жараёнларни ўзига хос бутун хусусиятлари блан бадий суратда умумлаштириш, Ленин—Сталин партиясининг буюк тарихий ролини очиқ-ойдин ва образли қилиб кўрсатиш, янги, коммунистик тараққиётимизни меҳр ва ихтирос блан тарғиб қилиш—совет адабиёти ва совет ёзучисининг муқаддас ишидир!

Совет адабиёти улуг организм экан, ундаги публицистика қони яна қайнасин, кўпирсин!

¹ „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида ўртоқ Жданов доклади. „Шарқ юлдузи“ 1946 йил 7—8 сон.

² „Вопросы философий“ — № 1, 1947 г. стр. 185.

АЛЕКСАНДР КОРНЕЙЧУК

УКРАИНА АДАБИЁТИ ЮКСАЛИШДА

6 декабрьда Киев шаҳрида Украина Совет ёзучиларининг иккинчи қурултойи очилди. Қурултойнинг вазифаси — Украина совет ёзучиларининг биринчи қурултойидан кейин ўтган ўн тўрт йил давомида украин ёзучиларининг қилган ишларига якун ясаш, украин совет адабиётининг бундан кейинги тараққиёт йўлларини белгилаб беришдир.

Украина совет ёзучиларининг иккинчи қурултойи бутун республикамизда меҳнат ғайрати тўлиб-тошган пайтда ўтаётир.

Немис-фашист вахшийлари емириб кетган украин саноати жадал сур'ат блан тикланмоқда. Қайтадан қурилган юзлаб заводлар, кўмир конлари ишга солинди, тикланган домналар яна пўлат қуя бошлади, республикамизнинг ифтихори бўлмиш ДнепрогЭС яна нур берабошлади. Тикланган корхоналар блан бир қаторда янги корхоналар ҳам қурилиб ишга солинмоқда.

Социалистик қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳам украин халқи кўп ишлар қилди. 1946 йилги жуда қаттиқ қуруқчиликка қарамай, Украина колхоз ва совхозлари урушдан олдинги йилларга нисбатан анча кўп ғалла етиштирмоқдалар. ВКП(б) Марказий Комитети ва Украина К(б)П Марказий Комитети тарихий қарорлари блан қурулланган Украина большевиклари социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, қуруқчилик оқибатларини тугатиш ва сталинча мўл ҳосил етиштириш учун бошланган халқ курашига бош бўлмоқдалар. 1948 йилда Украина далаларида партия раҳбарлиги остида эришилган ғалаба Украина колхозчи деҳқонларининг юксак ватанпарварлигини, колхоз тузумининг қудратли эканлигини кўрсатади.

Украин халқи ўз маданиятини янада юксалтириш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди.

Украин совет адабиётининг ютуқлари халқ шон-шуҳратига гулдаста бўлиб киради.

Биринчи қурултойдан кейин ўтган ўн тўрт йил украин совет адабиётининг гуллаш йиллари бўлди. Украин поэзияси, прозаси

ва драматургиясининг энг яхши асарлари худди шу йилларда ёзилди. Павло Тичина, Микола Бажан, Максим Рильский, Владимир Сосюра, Леонид Первомайский, Андрей Малишко, Савва Голованевскийларнинг энг яхши ше'рлари; Иван Ле, Петр Панч, Александр Копиленко, Семен Скляренколарнинг энг яхши роман ва повестьлари; Иван Кочерга, Владимир Суходольскийларнинг энг яхши пьесалари; умуман украин шоир, прозаик ва драматургларининг бир талай яхши асарлари худди шу йилларда ёзилди.

Шу ўтган давр ичида, украин халқи ҳаётида ҳамма украин ерларини яхлит совет украин давлатига бирлаштиришдек катта тарихий ҳодиса юз берди. Украина совет ёзучилари оиласига Украинанинг ғарбий областьларида яшовчи ва Польша шляхтаси ҳукмрон бўлган даврдаёқ ўзларининг бадий сўзлари блан меҳнаткаш халқ иши йўлида курашган ёзувчилар келиб қўшилди.

Совет адабиётига Польшанинг демократ ёзувчиси Ванда Василевская келиб кирди; у, 1939 йилдаёқ ўзининг „Ватан“, Ер қулликда“, „Кун қиёфаси“, „Ботқоқликда ёнган ўтлар“ деган социал роман ва повестьлари блан оламга машҳур эди. Совет адиблари орасига киргач, Ванда Василевская кейинги йилларда янги ва катта асарлар яратдики, бу асарлар унинг номини энг катта ёзувчиларимиз қаторига қўшиб қўйди. Бу асарлар қаторига „Сув устида айтилган қўшиқлар“, „Камалак“, „Чин муҳаббат“, „Чироқ ёнганда“ ва унинг оташин публицистик мақолалари киради.

Ғарбий областьлар адабиётимизга Александр Гаврилюк ва Степан Тудор каби катта украин ёзувчиларини берди. А. Гаврилюкнинг „Береза“ повести (повестьда Польшадаги „Береза Картусска“ номли тюрмада ётган сиёсий маҳбусларнинг кураши тасвирланади ва С. Тудорнинг „Сойка отанинг кун“ повести (бу повестьда папа¹ Муриди ниқоби остида юрган халқаро реакция малайининг вахший қиёфаси фош қилинади). Украин совет адабиётининг энг яхши асарларига киради.

Ҳозир Украинада 270 та ёзувчи,— ёзувчилар союзи а'зоси ва кандидатлари ишлайди. Украина ёзувчилари союзи республиканинг асосий саноат марказлари бўлмиш Харьков, Сталино, Ворошиловград, Днепропетровск шаҳарларида ёзувчилар ташкилоти тузиб, ишга солиб юборишга муваффақ бўлди.

Брок, бизни қувонтирган нарса ёзувчилар қаторининг кенгайишидан кўра, украин совет адабиётининг ғоявий-бадий жиҳатдан ўсишидир. Украин адабиётига фақат украин китобхонлари эмас, балки бошқа республикалар китобхоналарининг ҳам қизиқиши адабиётимизнинг катта ютуққа эришганини кўрсатади. Большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг украин адабиётининг энг яхши асарларига юксак баҳо бериши ҳам бунинг далилидир. Украинанинг анчагина ёзувчиси Совет Иттифоқи орденлари блан мукофотланган. Ун битта украин ёзувчисига 14 та Сталин мукофоти берилган.

¹ Папа—Рим папаси, католик диндорларининг бошлиғи.

Урушдан кейинги йилларда украин совет адабиётида янги юксалишни кўрамиз. Адабиётга ёш ёзувчилар кўплашиб келабошлади. Яқиндагина қўлларига қурол олиб, ватанимизнинг озодлиги, шаъни, мустақиллигини ҳимоя қилган, эндиликда унинг тобора тараққий этиши учун тинмай ишлаётган кишилар ўз ўртоқлари ва дўстларининг ҳаёти ва курашини миллион-миллион ўқувчиларга баён қилиб бериш учун адабиётга келдилар. Ёш ёзувчилар адабиётга жонли ҳаёт нафасини, большевикларга хос хирс, янги сюжет, янги образларни олиб келмоқдалар.

Жанговар ишлари учун кўп марта орден блан, шу жумладан, солдат ордени „Шуҳрат“ ордени блан мукофотланган старший сержант-миномётчи Александр Гончар „Байроқдорлар“ трилогиясининг авторини ва Сталин мукофотининг лауреатидир.

Сапёр қўшинлари капитани, сўнмас Сталинград мудофаасининг иштирокчиси Виктор Некрасов „Сталинград окопларида“ деган повесть ёзиб, Волга бўйидаги қалъа ҳимоячиларининг қаҳрамонликларини тасвирлади. У ҳам Сталин мукофоти лауреати.

Енакиевскийдаги металл заводининг инженери Владимир Попов „Пулат ва шлак“ деган ажойиб роман ёзиб, совет металлчиларининг ҳаёти ва меҳнатини ёрқин ва ҳаққоний тасвирлади.

„Правда Украина“ деган республика газетасининг ходими Леонид Серпилин ёзувчилар оиласига „Тонг“ ва „Урушдан кейин“ деган повестьларнинг авторини сифатида киради; бу повестьларда совет зиёлиларининг руҳий юксалиши акс этдирилади. Яқинда Қора денгизда денгизчи бўлиб юрган Дмитрий Ткач „Зурлар қабиласи“ номли повесть ва „Денгизчилар“ деган ҳикоялар тўпламини босиб чиқарди. Офицер ва ҳарбий журналистлардан Никита Шумило ва Виталий Петльовоннийлар „Мовий осмон“ (И. Шумило), „Икки киши“ (В. Петльовонний) номли ҳикоя китобларнинг авторлари сифатида ном чиқардилар. Илмий ходим Владимир Добровольский „Шинелли уч киши“ деган асари блан адабиётга кирди. Шахта бошлиғи Петр Ефимов „Донец чўли“ деган китоб ёзди.

Прозамизга кирган янги ёзувчилар шу. Поэзияга бундан ҳам кўп одам келди.

С. А. Ковпакнинг партизанлар қўшилмасида отряд командири бўлиб ишлаган Платон Вороньконинг шоирлик таланти тобора очилиб бормоқда. Ленинград мудофаасида қатнашган Николай Руденконинг мардона шоирлик садоси тобора кучайиб, янги оҳанглар блан боймоқда.

Ҳаммасини бирма-бир айтиб ўтирмасдан, фақат адабиётимизга „Ҳар хил ва яхши“ ёш шоирлар келди дейиш блан кифояланиш мумкин.

Сўнги йилларда, ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат масалалари юзасидан чиқарган қароридан кейин, Украина К(б)П Марказий Комитети томонидан ўтказилган ёш ёзувчилар кенгашидан кейин, адабиётга оқим айниқса зўрайди.

1948 йилни Украина Совет ёзувчилари янги ютуқлар блан тамомладилар. Фақат биргина „Родяньский письменник“ нашриёти (бу нашриёт ҳозирги замон совет асарларини нашр этади) шу

йил 100 та бадий ва танқидий асар босиб чиқарди. „Молодь“ нашриётида, Украина бадий адабиёт нашриётида, областлардаги газета-журнал нашриётларида ҳам янги китоблар нашр этилмоқда. Бадий асарлар миқдорининг кўпайишининг ўзи Украина ёзучилари орасида нўхоятда катта юксалиш борлигидан дарак беради. Аммо, кейинги йилларда адабиётимизда кўринган ғоявий-бадий юксалиш бизни айниқса қувонтиради.

Украина совет адабиёти ўзининг ҳамма ютуқларига коммунистлар партияси, улуғ Сталин раҳбарлигида эришди, улуғ Сталиннинг доҳиёна таълимоти ёзучилар ижодини коммунизм ғоялари билан тўлдирди, халққа фидокорона хизмат қилиш йўлига солди. Большевиклар партиясининг донолиги, ўртоқ Сталиннинг кўрсатмалари Украина ёзучиларини адабиётнинг ғоявий поклиги, ўз ижодларининг ғоявий-бадий даражасини кескин равишда кўтариш учун курашга сафарбар этди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат масалалари юзасидан чиқарган қарорлари, Украина К(б)П Марказий Комитетининг қарорлари ва ўртоқ Ждановнинг доклад ва нутқлари Украин ёзучиларининг урушдан кейинги йиллар давридаги ишларида программа бўлди. Партиянинг бу программа ҳужжатлари украин ёзучиларининг ижодини юксалтирди, уларни ғоясизликка, сиёсатдан четда туришга қарши, буржуа ғарбининг тушкун ва чирик маданияти олдида тиз чўкишга, бизга ёт бўлган идеологиянинг ҳамма хилларига қарши курашга сафарбар этди.

Украин совет адабиёти буржуа миллатчилигига қарши кураш ўтида ўсди. Украин буржуа миллатчилиги украин маданиятига ҳамisha душман эди. Украин адабиёти миллатчилик мафкурасига қарши, украин халқининг ашаддий душмани Хвилевой ва уларга ўхшашларга қарши курашда енгиб чиқди.

Аммо урушдан кейинги даврда ҳам айрим украин ёзучиларининг ижодиди, ба'зи адабиётшунослик асарларда миллатчилик ҳодисалари юз берди. Масалан, УССР Фанлар Академиясининг украин адабиёти институти тайёрланган „Украин адабиёти тарихи очерклари“ да жиддий ғоявий нуқсонлар фош қилинди. Ю. Яновский, И. Сенченконинг ижодиди, М. Рильскийнинг урушдан кейинги айрим асарларида миллатчилик ҳодисалари учрайди. Бу нуқсонларни танқид ўз вақтида кўролмади, ба'зи танқидчилар эса, бузуқ асарларни ҳатто мақтай бошладилар ҳам.

Украина совет ёзучилари союзининг 1947 йил сентябрьда Украина К(б)П Марказий Комитетининг бевосита бошчилигида ўтказилган пленумида юқорида айтилган ёзучиларнинг бузуқ асарлари қаттиқ большевистик танқид остига олинди. Пленумда ва пленумдан кейин давом этган танқид адабиётимиз ғоявийлигини кескин суратда кўтаришга, унинг кучларини актив суратда ишга солишга ёрдам берди. Шуни айтиб ўтиш керакки, пленумда ва пленумдан кейин танқид қилинган ёзучиларнинг аксарий қисми ўзларига жиддий хулоса чиқардилар.

Бунга М. Рильскийнинг „Кўприклар“ деган янги ше'рлар тўплами мисол бўлаолади. Бу китоб совет халқларининг дўстлигини

куйлайди, совет халқлари ўртасидаги сра бузилмас, бир-бирига чамбарчас бўлиб кетган дўстлик ҳақида ёзилган. Тўғри „Кўприклар“ тўпламига кирган шеърларнинг баъзилари декларациядангина иборат. Шубҳасизки, истеъодли шоир бу нуқсонга ҳам барҳам беражак.

Афсуски, Ю. Яновский ҳақида шундай деб бўлмайди. Ю. Яновский яқинда „Знамя“ журналида формализм усулида ёзилган бирнеча ҳикоя бостирди. Бу ҳикоялар Ю. Яновскийнинг танқиддан керакли хулоса чиқармаганини, совет ҳақиқатини ўрганмай, совет адабиётининг тажрибаларидан фойдаланмай, псевдопсихологик, тўқума муаммоларни кавлашда давом этганини кўрсатади...

Буржуа миллатчилигининг қолдиқларига қарши курашни бундан буён ҳам сусайтирмай давом этдиришимиз керак. Бадий адабиёт ва адабий танқидчиликдан буржуа-идеалистик мафқурасининг так-томири блян юлиб ташлаш керак.

Украина ёзучиларининг оиласи ўзининг иккинчи қурултойига мустаҳкам, бирлашган ҳолда ва фаол равишда ижодий меҳнатга берилган ҳолда келди. Аммо, партия ва совет халқи томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни тўла бажардик, деб айтаолмаймиз. Аксинча, украин адабиётининг ютуқлари қанча зўр бўлмасин, у ўз олдидаги вазифалар даражасидан орқада қолиб келмоқда. Совет халқи шерқадамлар блан олға қараб бормоқда. Ҳар кунимиз бизни тобора баландликка кўтаради. Большевиклар партияси, совет халқи, ёзучилардан адабиёт ўз тараққиётида мамлакатимизнинг коммунизм сари боришдан кейинда қолиб кетмаслигини талаб этади.

Прозамизнинг ютуқлари блан биз фахрланамиз. Украина К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг, украин колхозчиларининг урушдан кейинги даврдаги ҳаёти ва меҳнати ҳақида яхши асарлар яратиш керак, деган даъватига прозамизнинг амалий иш блан жавоб бериши бизни айниқса қувонтиради. Украина прозаси бу вазифани С. Скляренконинг „Эгалар“, И. Рябоклячнинг „Олтин мингчи“, А. Копиленконинг „Лейтенантлар“, В. Козаченконинг „Янги оқимлар“, С. Жураховичнинг „Тўғрилар йўли“ каби роман ва повестьлар яратиш блан бажаришга киришди.

Украин прозаси тарихий жанр соҳасида жиддий ютуқларга эришди. Натан Рибакнинг „Переяслав радаси“, Ильченконинг „Петербург кузи“, Иван Ленинг „Украина“си, П. Панчнинг „Александр Пархоменко“си ва бошқа роман ва повестьлари ўқучини халқимизнинг шонли ўтмушини севишга ва қадрлашга ўргатади.

Аммо ёзучиларнинг украин ишчи синфи ҳамда инженер-техник интеллигенцияси ҳаёти ва меҳнати мавзуларига етарли даражада эътибор бермасликлари ховотирли ҳолдир. В. Поповнинг ажойиб романи ва баъзи жойлари бадий жиҳатдан мукамал бўлмаган бир неча повестьлар — кейинги йилларда бу соҳада яратилган асарлардир.

Прозамизда эмпиризм, кенг файласуфона умумийлаштиришнинг йўқлиги ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Прозачиларимиз турму-

шимиздаги янгилик блан эскилик ўртасидаги ўткир курашни дадил тасвирлай олмайдилар, ўткир ва қиррали масалалардан ўзларини четга оладилар, ба'зан ҳақиқатни пардозлаб кўрсатишдай нотўғри йўлга ҳам кириб қоладилар.

Поэзиямизнинг ютуқлари блан фахрланамиз. Поэзиямизда лирика блан бир қаторда, эпик шаклдаги катта асарлар ҳам яралмоқда. Л. Первомайскийнинг яқинда чиққан „Укамнинг ёшлиги“ номли ше'рий романи, А. Малишконинг „Прометей“, „Севги“, „Мария“, „Тонг воқиаси“ деган поэмалари, А. Дмитерко, М. Пригарь, П. Дорошқоларнинг поэмалари адабиётимизнинг сўзсиз ютуқларидир. Урушдан кейинги поэзиянинг жанговарлик, публицистик руҳи, унинг халқаро мавзуларга қаратилиши, янги уруш тарафдорларининг ҳийла ва иғволарига қарши бадий сўзни қурол қилиб курашимизга интилиши бизни қувонтиради. Бу нарса, хусусан П. Тичинанинг „Денгиз тилга кирди“, М. Бажаннинг „Англия таассуротлари“ асарларида, А. Пидсухонинг „Тинчлик солдатлари“, Б. Палйчукнинг „Солдат ҳақида сўз“ деган китобларида кўринади.

Шу блан бирга, айрим ҳолларда учрайдиган формализм, узоқ ўтмиш фольклор поэтикасининг образ системаси ва бадий усулларини поэзияга тўғридан-тўғри кўчириш ва архаизмлар поэзиямизнинг илгари силжишига тўсиқинлик қилаётир.

Адабий танқидчилик соҳасидаги ишларнинг аҳволи бизни айниқса катта ташвишга солиб қўйди. Танқид адабиётнинг умумий савиясидан анча пастда қолиб келмоқда. Танқидчиликнинг ожизлиги, хусусан, миллатчилик мафқуранинг бош кўтарганини сезмай қолишида кўринди. Аммо унинг ожизлиги фақат бундагина эмас. Танқидчилигимизнинг энг ожиз жойларидан бири — социалистик реализм проблемаларининг ишлаб ечиш юзасидан бирон жиддий асарнинг йўқлигидир. Бу соҳада няхоятда оз иш қилинди, қилинган ишларнинг назарий даражаси шу қадар пастки, бизни мутлақо қондирмайди. Чунончи, танқидчи А. Сановнинг „Ҳозирги замон қаҳрамони ва янгиликни сезиш“ деган китобча ҳолида тўплаб чиқарган мутлоқ ожиз „назарий“ машқларини жиддий нарса деб бўлмайди-да!

Адабий танқидчилик масаласи айни замонда жуда ўткирлашиб кетди. Адабиётнинг муҳим масалаларини назарий тахмин этилмасдан, адабиётимиз эришган катта ижодий тажрибаларни умумлаштирмасдан туриб, адабиётимизни бундан буён тараққий этдира олишимиз қийин. Танқидчилигимизнинг адабиётимиздан ҳозирча жуда орқада қолиб кетганини иқрор қилишга мажбурмиз. Бу вазиятни яхшиламоқ учун жиддий тадбирларни қўлламоқ керак бўлади.

Уртоқ Молотов УССР Олий Советининг юбилей сессиясида сўзлаганда бундай деган эди:

„Буюк Октябрь Социалистик Революцияси эски Русия халқларини капиталистик қуллиги кишанидан озод қилди. Октябрь Социалистик Революцияси бутун дун'ё халқларига коммунизмга, эркин, бахтли ҳаётга чиқиш йўлини очиб берди.

Рус халқи кетидан бу йўлдан биринчи бўлиб Украин халқи кета бошлади“.

Рус халқидан кейин украин халқининг биринчи бўлиб коммунизм йўлига тушиши бизнинг буюк миллий ифтихоримиздир. Бизнинг ватанпарварлигимиз халқларнинг Сталинча дўстлиги билан чамбарчас боғлагандир. Украин халқи улуғ рус халқидан чексиз миннатдор. Шунинг учун ҳам Украин адабиётида рус халқининг номи азиздир, шунинг учун ҳам бродар халқларнинг бузилмас бирлиги темаси кўп ёзучиларимизнинг севиб ишлайдиган темасидир. Совет халқлари ва уларнинг маданиятларини дўстлик ҳиссиётини ифодаси — ягона бир оила деган ифоданинг Украин совет адабиётида яратилганидан, бу ифоданинг барча совет халқлари, уларнинг сўз усталарининг фикрларини ҳам ифода қилинишдан фахрланамиз. Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Горький, Руставели, Низомий, Навоий, Абовян, Янка Купала ва бошқа классикларнинг, ҳозирги замон совет халқлари шоирлари асарларининг Украин ёзучилари томонидан кенг миқёсда таржима этилиши халқлар дўстлиги ва уларнинг маданиятларини ҳурматлаш ифодасидир. Бу таржималар бизнинг Украин маданиятимизни ғоявий ва бадиий жиҳатдан бойитади.

Партиямиз доҳийлари Ленин билан Сталин украин халқининг буюк рус демократик ва социалистик маданияти билан бирлашишга ҳамisha да'ват этиб келганлар.

... Онгли рус ишчиси билан ҳамкор бўлиш, унинг адабиёти, ғоялари билан ҳамкор бўлиш имкониятларини ҳарқандай йўллар билан бўлса ҳам топиб фойдаланиш, мустаҳкамлаш лозим, буни Украин ва рус ишчилари харакати талаб этади" (В. И. Ленин. Асарлар. 20 т. 16 — бет, 4-нашр.)

Украин ва рус адабиётининг ҳамкори бўлиб ишлаш йўлига биз ёзучиларни большевиклар партияси олиб келиб кўйди, биз бу йўлдан сра чиқмаймиз, украин адабиётининг кучи ва тараққиёти шу йўлдан боришдадир.

Украин ёзучилари ўзларининг иккинчи қурултойларига аҳил ва мустаҳкам оила бўлиб келмоқдалар. Улар Украин адабиётини янада юксалтиришга шайланганлар. Большевиклар партиясининг донолиги, улуғ Сталиннинг йўлбошчилиги Украин адабиётининг янада гуллашига гаровдир.

Украин адабиёти эришган ютуқлар ёзучилар ўртасида хотиржамлик ва беғамлик туғдирмаслиги керак. Украин адабиёти большевиклар партияси ва халқ томонидан қўйилган талабларни қондирагани йўқ. Вазифа — амалий та'сирли ва принципли танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтира бориб, совет адабиётининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини доим кучайтира боришдир.

Қурултойга тайёргарлик борар экан, Украин ёзучиларнинг фикри ва зикри улуғ доҳий ва устозимиз жонажон Сталинга қаратилгандир. Украин ёзучилари, халқ Сталин даври деб тўғри атаган даврга муносиб асарлар яратишга тайёрдирлар. Совет Украина ёзучиларининг энг катта орзуси — партия ва халқ бошлаган ишга, — коммунизм қуриш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш, мамлакатимизда коммунистик руҳий маданият яратувчилари бўлишдир.

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“ ЖУРНАЛИНИНГ 1948 ЙИЛГИ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

В. Мураделининг „Улуғ дўстлик“ операси тўғрисида ВКП(б) Марказий Комитетининг 1948 йил 10 февраль қарори. II—3.

Бугун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советидан. VIII—3.

Андрей Александрович Жданов. VIII—4.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумидан. VIII—7.

Катта жудолик. VIII—9.

ПОВЕСТЬ, ҲИКОЯ, ПЬЕСА ВА ОЧЕРКЛАР

В. Авдеев. Подалар йўлларда, повесть (Зумрад ва Кибриё таржимаси.) VIII—56, IX—26.

Саид Аҳмад. Хотинлар, ҳикоя. VII—80.

Саид Аҳмад. Болтабой, ҳикоя. X—50.

М. Афзалов. Навоий ҳақида халқ афсоналари, эртақлар. V—26.

И. Гуро. Оқ йўл. (М. Калон таржимаси.) VII—5.

Ҳамид Фулом. Олмос қизи, повесть. X—4, XI—30.

Н. Довкараев. Ботирлик, ҳикоя (Қорақалпоқчадан К. Муҳаммедов таржимаси.) V—50.

Жеймс Гоу ва Арнод Дюссо. Чуқур илдишлар, пьеса (Маъруф Ҳаким таржимаси.) IV—18.

М. Калон. Сўнги ҳужум, очерк. V—45.

Ев. Крейн. Людмила. Айюпова ва унинг дўстлари, очерк. X—94.

С. Қаландар. Биз Уралда, повесть, охири (М. Бобоев таржимаси.) I—14, II—91, III—37.

О. Қайюм. Дилбар, ҳикоя. VI—25.

Ги де Мопассан. Дўндик, ҳикоя. (Зумрад таржимаси.) III—59.

К. Муҳаммедов. Муродбек, ҳикоя. I—84.

К. Муҳаммедов. Разведка, ҳикоя. IX—45.

Пўлат Мўмин. Ғаллакор колхозда, очерк. VII—106.

Ҳаким Назир. Раиснинг хатоси, ҳикоя. II—62.

Ҳаким Назир. Таниш сурат, ҳикоя. V—35.

М. Осим. Йигитали, ҳикоя. II—68.

М. Осим. Дўстлар, ҳикоя. III—29.

В. Рўзиматов Сан'аткор, ҳикоя. X—55.

К. Симонов. Рус масаласи, пьеса (Э. Аббос таржимаси.) I—26.

Назир Сафаров. Шарқ тоғида, пьеса. XI—67.

А. Третьяков. Баҳорикорликда, очерк. (М. Исмоилий таржимаси.) X—61.

Туйғун. Оддий одамнинг улуғворлиги, очерк. II—111.

Уйғун ва Иззат Султон. Навоий, пьеса. II—12.

М. Файзий. Чоштена йигити, очерк. XI—113.

Раҳмат Файзи. Раис, очерк. IX—56.

Раҳмат Файзи. Улғайиш, очерк. X—103.

Босит Халил. Қурбон ота блан бел олишган чол, очерк. III—92.

- Ю. Ҳамдам. Булоқбоши қишлоғида, очерк. IV—70.
 Ю. Ҳамдам. Навоий номли колхозда, очерк. V—62.
 Ю. Ҳамдам. Янги қишлоқ, очерк. VI—55.
 Ёқубжон Шукуров. Умид, очерк. IX—72.
 Ёқубжон Шукуров. Шонли йул, очерк. X—82.
 Ориф Юнус. Мастер Муслим Шокиров, очерк. XI—123.

ШЕ'Р ВА ПОЭМАЛАР

- Собир Абдулла. Амудар'ёга, ше'р. X—43.
 Х. Абовян. Ше'рлар. IX—42.
 А. Бегимов. Гулистон, ше'р (Қорақалпоқчадан М. Бобоев таржимаси.) VI—46.
 М. Бикадорон. Олтин чироғлар, ше'р (Туроб Тула таржимаси.) II—83.
 М. Бобоев. Лайли ва Мажнун, баллада. V—21.
 М. Бобоев. Юрак садоси, ше'р. VII—3.
 М. Бобоев. Алвидо, жонажон Андрей Александрович, ше'р. VIII—13.
 М. Бобоев. Далада, ше'р. X—41.
 Рамз Бобожон. Қадрдон дўстлар, поэма. VI—3, VII—58.
 Рафур Гулом. Янги йил, ше'р. I—3.
 Рафур Гулом. Инсоният байрами. XI—3.
 М. Ғани. Бегобод, ше'р. IV—78.
 М. Ғани. Звеновой, ше'р. VI—105.
 М. Ғани. Биринчи кун, ше'р. X—112.
 М. Ғани. Жанг дафтаридан, ше'р. XI—112.
 А. Добил. Ёз, ше'р (Қорақалпоқчадан Миртемир таржимаси.) 8—104.
 Жўлмирза. Ше'рлар, (Қорақалпоқчадан Миртемир таржимаси.) VII—49.
 Жўлмирза Чўлнинг чекиниши, ше'р (Миртемир таржимаси.) VIII—101.
 С. Жўлдос. Ойжамол, ше'р (Қорақалпоқчадан М. Бобоев таржимаси.) VI—48.
 Ф. Зоҳидов. Соқчи кўзи, ше'р. X—113.
 Зулфия, Салом, ше'р. I—78.
 Зулфия, Сталинобод хотираси, ше'р. III—35.
 Саида Зуннунова. Колхозда биринчи кун, ше'р. I—83.
 Саида Зуннунова. Икки ше'р. III—57.
 Саида Зуннунова. Икки ше'р. X—107.
 Саида Зуннунова. Қироат залида, ше'р. XI—111.
 Мавлон Икром. Меҳр, ше'р. IV—79.
 Камолӣ. Навоий, ше'р. V—20.
 Маяковский. Жуда соз, поэмадан. (Шайхзода таржимаси.) VII—84.
 Миртемир. Мунг, ше'р VIII—12.
 Мирмуҳсин. Яшил қишлоқ, поэма. III—3.
 Мирмуҳсин. Қарвон келади, IV—23.
 Мирмуҳсин, А. Мухтор. У мангу барҳаёт, ше'р. VIII—15.
 А. Мухтор. Қозон университети, ше'р. I—7.
 А. Мухтор. Чол, ше'р. III—53.
 А. Мухтор. Ҳамшаҳарларим, ше'р. V—40.
 Енғин Мирза. Бизнинг Донбасс, ше'р. VIII—93.
 Муҳаммаджон. Май, ше'р. IV—60.
 К. Мўхаммадий. Колхоз боғбони, ше'р. IV—17.
 К. Мўхаммадий. Ризобобо, ше'р. X—48.
 К. Мўхаммадий. Кузак, ше'р. XI—с6.
 Пўлат Мўмин. Кўзибой чўпон, ше'р. II—110.
 Пўлат Мўмин. Сталини чақирамиз меҳмонга, ше'р. IV—77.
 Пўлат Мўмин. Сувчи, ше'р. VIII—100.
 Пўлат Мўмин. Уч ше'р. X—110.
 Алишер Навоий, Ғазаллар. IV—3, V—8.
 Саид Назар. Комсомол, ше'р. X—60.
 Т. Нажимов. Октябрь секинчи, ше'р. VI—49.
 Ойбек. Ҳамза, достон. XI—6.
 Н. Охундий. Эрк посбони, ше'р. II—10.
 Х. Расул. Ҳақиқат, ше'р. VIII—98.
 Сайфий. Ишни уйкусида бос, ше'р. V—59.

- Сайфий. Теримчилар, ше'р. X — 46.
 В. И. Сосюра. Икки ше'р. (Миртемир таржимаси.) I — 24.
 М. Турсунзода. Ғарбдан келган „меҳмон“ („Қиссий Ҳиндистон“дан парча. Аширмат таржимаси.) II — 60.
 Туроб Тула. Сизга, ше'р. III — 55.
 Уйғун. Фарҳод ше'рлари. IV — 15.
 Уйғун. Келинчак, ше'р. V — 33.
 Ҳабибий. Ватан, ше'р. X — 47.
 Ю. Ҳамлам. Лолаҳоннинг звеносида, ше'р. VII — 104.
 Қ. Ҳикмат. Уч ше'р. I — 82.
 Қ. Ҳикмат. Икки ше'р. IV — 78.
 Қ. Ҳикмат. Уч ше'р. X — 114.
 Шайхзода. Украинага, ше'р. I — 3.
 Шайхзода. Юлдуз, ше'р. II — 9.
 Шайхзода. Сўнги йўл, ше'р. VIII — 11.
 Шайхзода. Комсомолга, ше'р. X — 3.
 Шайхзода. Янги ше'рлар. XI — 25.
 Ж. Шарифий. Дашт бағрини ёриб ўтар паровоз, ше'р. I — 79.
 Ж. Шарифий. У тирик, ше'р. V — 18.
 Ж. Шарифий. Хоразм, дoston. VIII — 16.
 Ю. Ш-ржон. Тракторчиға, ше'р. IV — 76.
 Шоназар. Номзод, ше'р. II — 67.
 Шуҳрат. Солдатга, ше'р. V — 33.
 Шуҳрат. Ўрмондаги уй, ше'р. VIII — 47.
 Шуҳрат. Йўлда, ше'р. X — 43.
 Шукрулло. Чоллар, дoston. IX — 3.
 О. Юнус. Лениннинг келиши, ше'р. I — 9.
 О. Юнус. Терак, ше'р. V — 57.

МАҚОЛА, ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

- А. Алимуҳамедов. „Уста Ғиёс“ поэмаси ҳақида баъзи мулоҳазалар. I — 107.
 М. Афзалов. Қизил Армия тўғрисида халқ кўшиқ ва дostonлари. II — 119.
 М. Бобоев. „Пўлат куючи“ поэмаси ҳақида. III — 112.
 А. Воскерчян. Хачатур Абовянининг тарихий роли. IX — 115.
 М. Исмоилий. Ҳаҳон адабиётининг улуғ сиймоси. IX — 105.
 Ҳ. Зариф. Лутфий ва Навоий. IV — 80.
 В. Зоҳидов. Навоий „Фарҳод ва Ширин“нинг ғоявий мотивлари. V — 97.
 Ўткир Рашид. Янги китоблар ҳақида. II — 215.
 И. Расулов ва Ғозибоев. „Богбон“ поэмаси ҳақида. IV — 106.
 Розенталь. Совет эстетика фани масалалари. IX — 80.
 С. Қосимов, С. Азимов, Ҳ. Убайдуллаев. Социалистик қишлоқ темасидаги йирик асарлар. VIII — 106.
 А. Олимжон. „Қизингиз ёзди“ ше'рлар тўплами ҳақида. X — 116.
 Л. Ульрих. Горький ва Ўзбекистон. III — 106.
 А. Фадеев. Белинский ва бизнинг замон. VI — 66.
 Федосеев. Буюк рус мутафаккири ва революционери. VI — 116.
 А. Ҳўжаева. Абдор Ҳидоят. VI — 113.
 Шайхзода. А. Н. Островский. IV — 97.
 Шайхзода. Алишер Навоийнинг бутун мамлакат олқишламоқда. V — 3.
 Шайхзода. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида. V — 68.
 Шайхзода. Виссарион Григорьевич Белинский. VI — 87.
 Ш. Шоабдурахмонов ва П. Мўмин. Жангчининг жанговар ше'рлари. VI — 116.
 Ш. Шоабдурахмонов. „Пўлат куючи“ поэмасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар. IV — 117.
 О. Усмонов. Ўзбек адабий тилининг буюк ҳимоячиси. V — 123.
 Ҳ. Яқуб. Навоийнинг „Сабъий Сайёра“ дostonи. V — 111.
 Ҳ. Яқуб. Улуғ адабий танқидчи. VI — 92.



МУНИДАРИЖА

	Бет
Уйғун. „Навбахор“. Пьеса	3
Шукрулло. Бахт куйлари. Ше'р	49
Мих. Исаковский. Ўртоқ Сталинга. Ше'р	51
Мирмуҳсин. Олтин куз. Повесть	52
Пўлат Мўмин. Зоҳирбой ва Тоҳирбой ҳақида. Ше'р	74
Шоназар. Аҳиллик. Ше'р	76
Маннон Ғани. Пахта тўйида. Оқ қушлар. Ше'р	77
Комил Муҳаммедов. Учрашув. Ҳикоя	79
Наири Зарян. Гуллар ва булбуллар юртида	92
Ш. Рашид. Бадий публицистика ҳақида	106
Александр Корнейчук. Украина адабиёти юксалишида	118
„Шарқ Юлдузи“ журналининг 1948 йилги сонларининг умумий мундарижаси	125

*РЕДКОЛЛЕГИЯ Ойбек (мас'ул муҳаррир), Ғафур Ғулом, Яшин,
Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий,
Сами' Абдуллаев*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 12

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Кзыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босишга рухсат этилди 10/1-1949 й. Р 01203 Қозғоз формати 60×92/16. Босма листи 8.
Тиражи 6000. Намр. № 1327. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Кизил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмаҳонаси. Заҳав 1335

465542



Баҳоси 5 сўм

19 98